

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 15-16-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (75-76)
ТЎПЛАМИ 2003 й.
август

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:

тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўпلامнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

120. «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони
121. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон Фармонига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон Фармони
122. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3306-сон Фармони

Учинчи бўлим

123. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 августдаги 335-сон қарори
124. «Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 августдаги 341-сон қарори
125. «Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантиришга

- доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 августдаги 345-сон қарори [Кўчирма]
127. «Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги 350-сон қарори
129. «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сон қарори
130. «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори
131. «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарори
132. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори
133. «Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 362-сон қарори
134. «Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 363-сон қарори
135. «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги 364-сон қарори
136. «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори
137. «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори
138. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори
139. «Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 371-сон қарори
140. «Истеъмол товарлари ярмарка савдосини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 августдаги 375-сон қарори

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

120 Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизими-ни такомиллаштириш тўғрисида

Йўл қурилишини бошқариш тизimini такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўллари тармоғини янада ривожлантириш, ортиқча бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш учун йўналтирилладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш ва йўл-транспорти коммуникациялари комплекси, «Ўзавтойўл» концерни, йўл хўжалиги тизими бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотларининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат акциядорлик концернини Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш Давлат-акциядорлик компанияси («Ўзавтойўл» ДАК) этиб қайта ташкил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Ўзавтойўл» компаниясининг «Ўзавтойўл» ҳудудий давлат-акциядорлик бирлашмалари негизида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари (Қорақалпоқавтойўл, Андижонавтойўл, Бухороавтойўл, Жиззахавтойўл, Қашқадарёавтойўл, Навоийавтойўл, Наманганавтойўл, Самарқандавтойўл, Сурхондарёавтойўл, Сирдарёавтойўл, Тошкентавтойўл, Фарғонаавтойўл, Хоразмавтойўл) ташкил этиш;

«Ўзавтойўл» компанияси таркибида туман автомобиль йўллари бошқармалари, эксплуатация-линия, йўллардан фойдаланиш, йўл-кўприклардан фойдаланиш бошқармалари негизида туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари тузиш.

2. Қуйидагилар «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

республикада автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришда ягона техникавий, инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари, кўприклар, тоннеллар, энг аввало халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган кўприклар ҳамда тоннелларга комплекс хизмат кўрсатиш ва уларни тегишли техник ҳолатда сақлаш ҳамда ўтказиш қобилиятини, шунингдек компания таркибига кирувчи пудрат ташкилотлари фаолиятини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш истиқболларини белгилаш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш масалаларининг комплекс ҳал этилишини таъминлаш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида қурилиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга ошириш чоғида белгиланган қоида ва сифат стандартларига риоя этилишини назорат қилиш.

3. Белгилансинки, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш ҳудудий шўъба йўл-қурилиш ташкилотлари зиммасига, автомобиль йўллари ва йўл инфратузилмасига комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг техник ҳолати устидан доимий назоратни амалга ошириш эса — туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-эксплуатация корхоналари зиммасига юкланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг:

2003 йилнинг 1 октябридан бошлаб йўл хўжалигини бошқариш тузилмасидаги Республика, вилоят ва маҳаллий йўл жамғармаларини тугатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика йўл жамғармасини тузиш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағларни йиғиш ва тушумларнинг тўлиқлигини назорат қилиш вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва Давлат божхона кўмиталари зиммасига юклаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Қуйидагилар Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика пул жамғармаси маблағ тушумлари ҳамда сарф-харажатларининг йиллик ва квартал балансларини шакллантириш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлашнинг инвестиция лойиҳалари ва тендер ҳужжатларининг техникавий-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказиш;

йўл хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг номма-ном рўйхатларини белгиланган тартибда келишиб олиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш смета харажатларини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш борасидаги тадбирларни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаш, жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш.

6. Белгилансинки, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва йиғимлар давлат солиқлари ва йиғимларига тенглаштирилади, уларнинг миқдори ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда белгиланади.

7. «Ўзбекистон Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциянерлик концерни («Ўзавтойўл»)ни ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 26 январдаги ПФ-546-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 19 август,
ПФ-3292-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

121 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон Фармониغا ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди қўйидаги таҳрирда берилсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қўйидагилар киради:

якка тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

қўйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони:

енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноати — 100 кишидан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари — 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар — 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар».

2. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йил 1 январдан:

мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари татбиқ этилади;

микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига кирувчи рўйхатга олинган корхоналарнинг аниқ таснифини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандининг бешинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги «Ўзбекистон

Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармони иловасининг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон бандларига мувофиқлаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 август,
ПФ–3305-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

122 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги фармонларига ўзгартиришлар киритилсин:

1. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ–1658-сон Фармони 3-бандидаги ва 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ–2107-сон Фармони 9-бандидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июлдаги ПФ–2342-сон Фармони 2-бандидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигига» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. «Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноқонуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 мартдаги ПФ–2559-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. «Республика пахта тозалаш саноатини монополиядан чиқариш ва бошқаришни

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги ПФ–2874-сон Фармони 2-бандининг олтинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 30 август,
ПФ–3306-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

123 Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг минтақавий филиалларига юкланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2003 йил 1 июлдан бошлаб шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидаги болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган етакчи мутахассис лавозими тугатилсин.

2. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2003 йил 1 июлдан бошлаб Жамғарманинг минтақавий филиаллари штатларига вакил лавозимини (ҳар бир туман, вилоятга бўйсунувчи шаҳар, Тошкент шаҳридаги туман учун бир нафардан) киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Янгидан киритилаётган штат бирликларини маблағ билан таъминлаш:

2003 йилда — шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бюджетида болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган етакчи мутахассис лавозимини маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобига, уларни Жамғарманинг минтақавий филиалларига бериш йўли билан;

2004 йилдан бошлаб — Жамғарма маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Туманлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари Жамғарма минтақавий филиалларининг мазкур ҳудудга бириктирилган вакилларини бепул асосда хизмат хоналари, коммунал, фойдаланиш хизматлари билан, шунингдек асосий фаолиятни юритиш учун алоқа хизматлари билан таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги туманлар ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар ҳокимликлари сметасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

а) 2-банднинг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 5-иловадаги «болалар спортининг спорт базаси шакллантирилиши ва ривожлантирилиши учун жавоб берадиган етакчи мутахассис» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 5а-иловадаги «Жами — 3 киши» сўзлари «бош мутахассис — вакил — ҳар бир туман, вилоятга бўйсунувчи шаҳар, Тошкент шаҳридаги туман учун 1 нафардан» сўзлари қўшилсин;

г) Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда (қарорга 6-илова);

11-банддаги «шунингдек шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари штатларига янгидан киритилган, болалар спорти спорт базаларининг шакллантирилиши ва ривож-

лантирилиши учун жавоб берадиган етакчи мутахассислар» сўзлари чиқариб ташлансин;

20-бандга «шунингдек ҳар бир туман, вилоятга бўйсунувчи шаҳар, Тошкент шаҳридаги туман учун 1 нафардан бош мутахассис — вакилдан» сўзлари қўшилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 1 август,
355-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

124 **Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, иктисодиётнинг бир қатор тармоқларида электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш бўйича номақбул ҳолат сақланиб қолмоқда. Энергия учун тўлов бўйича қарзларнинг кўпайиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини нотўғри акс эттириш, электр ва иссиқлик энергияси бериш тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарияти томонидан мазкур камчиликларни бартараф этиш, тўлов муддати ўтган қарзлари бўлган истеъмолчиларга энергия берилишига йўл қўймаслик бўйича муфассал чора-тадбирлар кўрилмаяпти.

Ўзаро ҳисоб-китоб қилишда тўлов интизомини кучайтириш, етказиб берилаётган электр энергияси учун истеъмолчиларнинг барча тоифалари томонидан ҳақнинг сўзсиз тўланишини таъминлаш, энергетика комплекси корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раҳбариятига электр энергиясини узатиш вақтида унинг исроф бўлиш даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган ишларининг етарли эмаслиги, етказиб берилаётган электр ва иссиқлик энергияси учун истеъмолчилар томонидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши, уларни ҳисобга олиш приборларидан тўғри фойдаланилишини таъминлаш юзасидан талабчанликнинг сусайтириб юборилганлиги ва зарур назоратнинг йўқлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда:

электр ва иссиқлик энергияси ўғирланиши, ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг нотўғри акс эттирилиши, электр ва иссиқлик энергияси узатиш тармоқларига рухсатсиз уланиш, шу жумладан «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ходимлари томонидан улаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳолатини текширишга ва кўрсаткичларини ёзиб олишга тўсқинлик қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган даражадаги жавобгарликка тортсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2003 йил 1 сентябрдан бошлаб, аҳолидан ташқари, истеъмолчиларнинг барча тоифалари учун «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан бериладиган электр ва иссиқлик энергияси учун бир ойлик истеъмол ҳажмининг 30 фоизи ҳақини мажбурий равишда олдиндан тўлаш жорий этилади, якуний ҳисоб-китоблар 60 кун мобайнида амалга оширилади;

истеъмолчининг ҳисоб-китоб қилинадиган даври бошлангунгача ҳақни олдиндан тўламаган ёки якуний ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаган энергия истеъмолчиларига энергия бериш тўхтатилади;

тўлов муддати ўтган қарзи бўлган электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларини узиб қўйиш ҳамда уларни қайтадан улаш бўйича харажатлар истеъмолчиларнинг ўз ҳисобидан қопланади;

электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналаридан 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзлари Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан тасдиқланган жадваллар бўйича тўланиши керак.

4. Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси бир ой муддатда:

истеъмолчиларнинг молиявий аҳолини ҳисобга олган ҳолда, электр ва иссиқлик энергияси учун 2003 йил 1 сентябргача вужудга келган қарзларни;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарининг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича, ёқилғи ва темир йўл ташувлари учун қарзларини тўлаш жадвалларини тасдиқласин ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олсин.

5. Энергия сарфи кўрсаткичларини бузиб кўрсатишдан ҳимоя қилиш ва узатиш тармоқларидаги электр энергияси йўқотилишини аниқлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси:

истеъмолчиларда ўрнатилган электр ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ҳар ойда ёзиб олинишини таъминласин, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузувчиларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўрсин;

электр тармоқларини ва электр энергиясидан фойдаланувчиларни электрон ва бошқа замонавий ҳисобга олиш приборлари билан қайта жиҳозлаш тадбирларини тасдиқлаш учун икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. «Ўздавэнергоназорат» агентлиги ва «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда электр энергиясини узатишда унинг магистрал ва тақсимлаш тармоқларида исроф бўлишининг йўл қўйиладиган чекланган нормативларини тасдиқласинлар;

қуввати 10 киловаттгача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улашда хўжалик юритувчи субъектларга содалаштирилган талаблар тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;
идоровий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 5 август,
341-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 5 августдаги 341-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июндаги 271-сон қарори билан тасдиқланган Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларида:

4-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Энергия таъминоти ташкилоти электр энергиясининг амалдаги истеъмолини аниқлаш учун абонентлардаги ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олиши керак»;

5-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Бунда электр энергияси учун тариф оширилган тақдирда истеъмолчилар электр энергиясининг аванс тарзида ҳақ тўланган миқдори учун (ўн икки ойдан кўп бўлмаган вақт учун) қўшимча тўловлардан озод қилинади»;

59-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«59. Берилган электр энергияси учун истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар энергия таъминоти ташкилоти томонидан ёзиб бериладиган тўлов ҳужжатлари бўйича, бериладиган электр энергияси қийматининг шартномадаги миқдоридан камида 30 фоизини навбатдаги ой учун олдиндан тўлаган ҳолда амалга оширилади (аҳолидан ташқари), истеъмол қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб даври бошланган кундан эътиборан 60 кун мобайнида амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан ҳисоб-китоб даври бошланган даврдан эътиборан 60 кун мобайнида тўлов ҳужжатлари бўйича ҳақ тўланмаган тақдирда энергия таъминоти ташкилоти электр энергияси беришни тўхтатади. Бунда энергия таъминоти ташкилоти томонидан энергия тизими тармоқларига улаш ва электр энергияси бериш булар билан боғлиқ харажатларни ундиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади».

60-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«60. Энергия таъминоти ташкилоти вакили абонент билан биргаликда ҳар ойда ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичларни ёзиб олади ва ҳисобот ойдаги энергия сарфини аниқлайди.

Абонент томонидан ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар ёзиб олинмаганда ва электр энергияси истеъмоли тўғрисида ҳисобот тақдим этилмаган тақдирда

энергия таъминоти ташкилоти ҳисоб-китобни электр истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича амалга оширади, кейинчалик энергия таъминоти ташкилоти томонидан абонент билан биргаликда аниқланадиган амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилади»;

116-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«116. Ҳисобга олиш электр ҳисоблагичига эга бўлмаган абонент тўловни ҳисобга олиш электр ҳисоблагичи бўлмаган вақт учун, лекин даъво аризасидадан кўп бўлмаган муддат учун, энергия таъминоти ташкилоти томонидан ток қабул қилувчи ускуналарнинг белгиланган қуввати бўйича аниқланадиган ҳисоб-китоб миқдоридан келиб чиққан ҳолда, бироқ абонентдаги юкломани бир йўла ишга солиш қувватидан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширади.

Агар ҳисобга олиш ҳисоблагичига эга бўлмаган абонент бирон-бир сабабга кўра мазкур турар жойда вақтинчалик яшамаса, энергия таъминоти ташкилотини бу тўғрида ёзма равишда хабардор қилиши шарт»;

140-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«электр энергияси ва истеъмол қилинадиган қувват учун шартномадаги миқдорнинг камида 30 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўланади ва истеъмол қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китоб ҳисоб-китоб даври бошланадиган кундан эътиборан 60 кун мобайнида амалга оширилади».

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сув тақчиллиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикасига ва Хоразм вилоятига ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 20 июлдаги 279-сон қарорининг 8-банди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фойдаланилаётган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 5 декабрдаги 469-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 74-модда) 1-илованинг 7-банди ва 8-бандининг учинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилда республика қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 15 февралдаги 79-сон қарорининг 4-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

125 Кўмир таннархини пасайтириш ва кўмир саноатини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

[Кўчирма]

Кўмир тармоғи корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш бўйича белгиланган параметрларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, уларни замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, қазиб олинаётган кўмир таннархини пасайтириш ҳамда электр ва иссиқлик энергияси

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

ишлаб чиқаришда унинг ёқилғи таркибидаги салмоғини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси (Э. Шоисматов) ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси (А. Клименко) раҳбариятига кўмир қазиб олиш корхоналарини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга оширишнинг белгиланган муддатларига риюя этилмаганлиги, кўмир таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш ва кўмир тармоғининг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш бўйича таъсирчан иқтисодий чора-тадбирлар кўрилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси корхоналарида кўмир қазиб олиш таннархини пасайтириш чора-тадбирлари дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси раҳбарларига Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Кўмир таннархининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси ишлаб чиқариш харажатлари таркиби ўзгариши устидан қатъий мониторинг ўрнатсинлар, 1 тонна кўмир қазиб олиш учун моддалар бўйича чекланган харажатларни тасдиқласинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси тузилмасини такомиллаштириш ва 2002—2010 йилларда республика кўмир саноатини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 4 июндаги 196-сон қарорига мувофиқ:

«Ангрен» конини техника билан қайта жиҳозлашнинг йилига 4,5 млн куб.метр кон очадиган биринчи босқичи объектлари қурилиши бўйича ишлар тугалланганлиги;

«Ангрен» кони объектларини техника билан қайта жиҳозлаш учун «Кон-техника асбоб-ускуналарини таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятида импорتنинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги;

сотиш бозорини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш учун 2003 йил июль ойида «Бойсункўмир» очиқ акциядорлик жамиятида қадоқланган кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги;

«Кўмир» акциядорлик бирлашмаси томонидан 2003 йил октябрь ойидан бошлаб «Ангрен» конини техника билан қайта жиҳозлашнинг иккинчи босқичини амалга ошириш бошланиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Кўмир» акциядорлик бирлашмасининг Кўмир тармоғини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш мақсадли жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

кўмир саноати корхоналарининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин қоладиган фойдасининг бир қисми; акцияларнинг давлат улуши бўйича дивидендлар ва 2010 йилгача бўлган даврда «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси акцияларини сотишдан тушумлар;

2003 йил сентябрь ойидан бошлаб электр энергияси истеъмолчилари учун

* Илова берилмайди.

имтиёзли тарифларни бекор қилиш натижасида «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси оладиган қўшимча соф даромадининг 40 фоизи;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағларидан фақат «Ангрен» конини техника билан қайта жиҳозлашда, «Апартак» участкасини реконструкция қилишни молиялаштиришда, кўмир саноатини замонавийлаштириш учун жалб қилинадиган хорижий кредитларни қоплашда фойдаланилади;

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси қўшимча соф даромадининг Жамғарма орқали кўмир саноатини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштиришга йўналтириладиган бир қисми кўмир қазиб олувчи корхоналарнинг даромад (фойда) солигининг солиқ солинадиган базасига киритилмайди;

2004 йилдан бошлаб Ангрен кўмир кони объектларини техника билан қайта жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг марказлаштирилган маблағлар, Жамғарма маблағлари ва тармоқнинг ўз ресурслари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишлари аниқ рўйхатига киритилади.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси корхоналари ва ташкилотларига олинadиган электр энергияси учун энергия тизимининг хўжалик эҳтиёжлари учун белгиладиган X тариф гуруҳи тарифлари бўйича ҳақ тўлаш тартиби жорий этилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 7 август,
345-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

127 **Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Балиқчилик тармоғида хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш жараёнларини чуқурлаштириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишга бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, тармоқни янада монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек балиқ овлашни, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003й.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясининг фаолияти ташкил этилишини текшириш бўйича 2003 йил 18 мартдаги Ф-1728-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссиянинг:

«Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясини ва «Қорақалпоқбалиқ» уюшмасини тугатиш;

тугатилаётган «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи балиқчилик тармоғининг балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналарини тўлиқ хусусийлаштириш ва асосан хусусий мулкчиликка айлантириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати таркибда Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида эса — чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилганлиги, уларга балиқчилик хўжалигини ривожлантириш функциялари юкланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзбалиқ» акциядорлик компаниясининг фаолияти ташкил этилишини текшириш бўйича Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Ўзбалиқ» акциядорлик компанияси, балиқчилик тармоғининг 1-иловага* мувофиқ хусусийлаштирилган корхоналари устав жамғармаларидаги давлат улушлари ва акциялар пакетларини биржа ва биржадан ташқари бозорларда асосан жисмоний шахсларга ва хорижий инвесторларга сотишни назарда тутган ҳолда, белгиланган тартибда тугатилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таркибда «Аквакультура» илмий-тадқиқот институтини ва «Ихтиомарказ» корхонасини бирлаштириш ҳисобига Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ташкил этилсин.

Минтақавий давлат балиқ питомниги Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказига шўъба корхона сифатида берилсин.

Қуйидагилар Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказининг асосий вазибалари этиб белгилансин:

балиқчилик тармоғини ва унинг озуқа базасини ривожлантириш бўйича илмий ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

селекция-наслчилик ишлари, балиқчилик хўжалиги мелиорацияси, балиқлар касалликларининг олдини олиш ва даволаш тадбирларини ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, насл қолдирувчи балиқларнинг зот сифатларини яхшилаш ва балиқларнинг янги турларини иқлимга мослаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

балиқ овлаш ва балиқчилик хўжаликларини сифатли селекция-наслчилик материаллари билан таъминлаш;

балиқчилик тармоғи учун кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази тўғрисидаги низомни ва унинг тузилмасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

табiiй балиқчилик хўжалиги ҳавзалари балиқ овлаш корхоналарига танлов асосида ижара шартларида камида 10 йил муддатга бириктириб қўйилади;

табiiй сув ҳавзалари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ижара

* 1-илова берилмайди.

шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва танлов ғолиби бўлган балиқ овлаш корхонаси ўртасида тузилади;

ижара шартномаси тузган балиқ овлаш корхоналари томонидан табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш мавжуд биологик ресурслардан ва вужудга келаётган талабдан ҳамда маҳсулдорликни сақлаб қолиш ва балиқ ресурсларини зарур даражада кўпайтиришдан келиб чиққан ҳолда квотасиз асосда амалга оширилади;

табиий сув ҳавзалари участкаларини ижарага олувчи балиқ овлаш корхоналари табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларига, республика ҳудудида балиқ овлашнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя қилишлари, ҳар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш ва балиқ ресурслари сақланишини ва кўпайтирилишини таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширишлари шарт.

Ижарачи балиқ овловчи корхоналар томонидан табиатни муҳофаза қилишга доир белгиланган қонун ҳужжатлари, балиқ овлаш қоидалари ва ижара шартномаси шартлари кўпол равишда ва мунтазам бузилган тақдирда ижара шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қарорига кўра муддатидан олдин, белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

6. Республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузурида илмий-тадқиқот ва селекция-наслчилик ишларини, озуқаларнинг замонавий рецептларини ишлаб чиқишни ва балиқчилик тармоғида замонавий технологияларни жорий этишга, балиқлар касалликларининг олдини олиш ва даволашга, тармоқни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини шакллантиришга кўмаклашишни молиялаштириш учун бюджетдан ташқари Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ акциядорлик жамиятлари акцияларининг давлат пакетларини сотишдан тушадиган маблағларни Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтиришга рухсат берилсин, операция харажатлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ Давлат мулки қўмитаси ихтиёрида қолдириладиган маблағлар ва акциядорларга «Ўзбекистон» акциядорлик компаниясининг илгари жойлаштирилган акциялари қиймати учун тўловлар бундан мустасно.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларининг балиқ овлаш корхоналарига ижара шартномаси шартларида бириктириб қўйилган участкаларидан фойдаланганлик учун ижара ҳақини ундириш тартиби ва миқдорлари тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Белгилаб қўйилсинки, республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини ижарага олишдан тушадиган маблағларнинг:

60 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетларга, шу жумладан балиқчилик тармоғини ривожлантириш тадбирларига;

25 фоизи — Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига;

15 фоизи — маблағларни балиқ ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан

оқилона фойдаланиш тадбирларига мақсадли йўналтириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига йўналтирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иктисодиёт вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси билан биргаликда 2004—2006 йилларда балиқчилик тармоғини ва унинг озуқа базасини ривожлантириш комплекс дастурини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари билан биргаликда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш бўйича чакана савдо шохобчаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмахсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда балиқчилик ва балиқ овлаш корхоналарига селекция-наслчилик материали, озуқа ва бошқа ресурслар билан таъминлашда қўмаклашсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси билан биргаликда балиқчилик фаолиятини юритиш учун ажратилган кўллар ва бошқа ер майдонларидан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси табиий сув ҳавзаларида балиқ ресурслари муҳофаза қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилиши, ғайриқонуний ов қилишга ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларининг ноқонуний сотилишига қарши кураш устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

13. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 6 июлдаги 289-сон қарори, 9-банддан ташқари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика балиқчилик табиий сув ҳавзаларидан фойдаланишни яхшилаш ва балиқ ресурслари муҳофазасини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 11 майдаги 198-сон қарори, 6-банддан ташқари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика балиқчилик табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 2 июлдаги 277-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 13 август,
350-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 13 августдаги 350-сон қарорига
2-ИЛОВА

Республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини бириктириб қўйиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом республика балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини ижарага бериш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Балиқ ва бошқа сув жониворларини овлаш ёки уларни кўпайтириш учун фойдаланилаётган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган барча табиий сув ҳавзалари (денгиз, дарёлар, сув омборлари, кўллар ва уларга ёндош сув ҳавзалари — кўл хўжаликлари ва балиқ питомникларидан ташқари) балиқчилик хўжалиги сув ҳавзалари ҳисобланади.

Балиқ овланаётган ва овланиши мумкин бўлган балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзалари ов қилинадиган сув ҳавзалари ҳисобланади. Балиқчилик хўжалиги сув ҳавзалари спорт-ишқибозлик туридаги балиқ овлаш учун ҳам фойдаланилиши мумкин.

3. Мазкур Низомга мувофиқ ижара шартномаси тузган юридик ва жисмоний шахслар (кейинги ўринларда балиқ овлаш корхоналари деб аталади) табиий сув ҳавзаларида балиқ овлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

II. Табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш корхоналарига ижарага бериш ва бириктириб қўйиш тартиби

4. Балиқчилик табиий сув ҳавзалари ижарага, қоидага кўра, хусусий мулкчиликка асосланган балиқ овлаш корхоналарига танлов асосида ижара шартномасида белгиланган, лекин камида 10 йил муддатга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари томонидан берилади.

5. Балиқчилик табиий сув ҳавзаларини балиқ овлаш корхоналарига ижарага бериш масалаларини кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузурида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари бошчилик қиладиган махсус танлов комиссиялари тузилади. Комиссия таркибига «Давлатбионазорат» инспекцияси, ҳудудий молия ва солиқ органлари, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, адлия ва ички ишлар органлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар вакиллари киритилади.

6. Балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаларини ёки уларнинг участкаларини танловда ғолиб чиққан балиқ овлаш корхоналарига бириктириб қўйиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари (ижарага берувчилар) ва балиқ овлаш корхоналари (ижарачилар) ўртасида ижара шартномаси тузиш асосида амалга оширилади.

Ижара шартномасига балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаси ёки унинг участкаси паспорти илова қилинади, унда сув ҳавзасининг номи, жойлашган жойи, сув ҳавзасининг ўлчамлари ва ердан фойдаланувчилар чегаралари кўрсатилган харита-схема илова қилинган чегаралари, бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади.

7. Балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаси ёки унинг участкасини ижарага олиш мақсадида танловда қатнашиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ариза;

балиқ овлаш корхонасининг юридик шахс сифатида ёки юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

балиқ овлаш учун зарур моддий-техника ресурсларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари аризачилар томонидан ҳужжатлар берилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда уларни кўриб чиқадилар, танлов комиссиясининг йиғилишини ўтказадилар ва танлов ғолибларига балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаси ёки унинг участкасини ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Қарор қабул қилингандан кейин 10 кун мобайнида танлов ғолиби билан ижара шартномаси тузилади ва ов фаолияти учун гувоҳнома (ов билети) берилади.

9. Танлов натижаларига кўра табиий сув ҳавзасини ижарага бериш рад этилган ариза берувчилар танлов комиссияси қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидирлар.

10. Балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаси ёки уларнинг участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун ижара шартномаси тузган балиқ овлаш корхоналари қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ижара ҳақи тўлайдилар.

11. Балиқчилик хўжалиги табиий сув ҳавзаси ёки унинг участкасини ижарага олиш шартномаси балиқ овлаш корхонасининг ўз хохишига кўра ёки балиқ овлаш корхонаси томонидан балиқ овлашнинг белгиланган қоидалари қўпол равишда ва мунтазам бузилиши, балиқ ресурсларини сақлаш ва кўпайтириш бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятларга риоя қилинмаслиги натижасида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

III. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12. Ижарага берувчи сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари қуйидагиларга ҳақлидир:

амалдаги қонун ҳужжатлари, шартнома шартлари, айниқса ҳар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юборишни, балиқчилик ресурсларини сақлаш ва кўпайтиришни таъминлаш бўйича шартлари бузилиши аниқланганда балиқ, бошқа сув жониворларини овлашни ва ўсимликлар тайёрлашни тўхтатиб қўйиш;

балиқ овловчи корхона — ижарачи томонидан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг, белгиланган балиқ овлаш қоидаларининг мунтазам ва қўпол равишда бузилиши аниқланганда тузилган шартномани табиатни муҳофаза қилиш органларининг тақдимномасига кўра қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш.

13. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

табиий балиқчилик хўжалиги сув ҳавзасини ёки унинг участкасини ижарага олиш учун танловда қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслардан ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш учун бепул асосда қабул қилиш;

берилган аризаларни кўриб чиқиш ва танловни ўтказишни ўз вақтида, қатъий белгиланган муддатларда амалга ошириш;

танлов қатнашчиларини унинг натижаларидан ўз вақтида хабардор қилиш;

танлов якунлари бўйича 10 кун мобайнида ғолиб билан табиий балиқчилик

хўжалиги сув ҳавзасидан ёки унинг участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ижара шартномаси тузиш ва балиқ овлаш фаолияти билан шуғулланишга гувоҳнома бериш.

IV. Ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Балиқ оловчи корхона — ижарачи қўйидаги ҳуқуқларга эга: ажратилган табиий балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаси ёки унинг участкасидан тузилган ижара шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

квотасиз миқдорда балиқ овлаш ва маҳсулотни ихтиёрий равишда сотиш;

озуқа ва асосий фаолият билан боғлиқ бўлган бошқа маҳсулотлар, шунингдек балиқчилик маҳсулотлари етиштириш учун сувни муҳофаза қилиш ҳудуди ташқарисида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиш;

ўз овчилик-балиқчилик хўжалигини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

15. Балиқ оловчи корхона — ижарачи қўйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик;

биркитилган сув ҳавзасини субижарага бермаслик;

хар йили балиқларни ўстиришга қўйиб юбориш, балиқчилик мелиорацияси, балиқларнинг овладиган турлари наслларини сақлаб қолиш ишларини ҳамда балиқчилик ресурсларини сақлаш ва кўпайтириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

хар йили декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ва Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот марказига табиий сув ҳавзаларидаги балиқ захираларининг аҳволи ва уларни кўпайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этиш;

овланган балиқларнинг ҳаммасини намунавий ов дафтарида қайд этиш;

балиқларнинг товар-транспорт хати бўйича ташилишини амалга ошириш;

балиқ овлаш воситаларини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ва балиқ овлашда хавфсизлик техникасига риоя қилиш;

тасдиқланган шакл бўйича статистик ҳисобот тақдим этиш;

табиий сув ҳавзаси ижара тўловини ўз вақтида амалга ошириш.

16. Балиқ ва бошқа сув жониворларини овлаш фақат ижара шартномасига илова қилинадиган бириктирилган табиий балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаси ёки унинг участкаси паспортида кўрсатилган табиий сув ҳавзалари ёки уларнинг участкалари доирасида амалга оширилиши мумкин.

17. Балиқ оловчи корхона — ижарачи томонидан табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатлари, балиқ овлаш қоидалари ва ижара шартномаси шартлари қўпол равишда ва мунтазам бузилган тақдирда ижара шартномаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

18. Ижара шартномаси шартлари ижарага берувчилар ва ижарачилар томонидан бузилганда томонлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

19. Юридик ва жисмоний шахслар томонидан балиқ, балиқ маҳсулотлари, бошқа сув жониворларини сотиш фақат белгиланган тартибда шахар ва туманлар ҳокимликлари томонидан белгиланган жойларда, маҳсулотнинг қонуний овланганлигини ёки олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда маҳсулот учун сифат сертификати мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

129 Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Валюта операцияларини амалга ошириш тартибини янада эркинлаштириш ва жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютанинг эркин айирбошланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ҳамда айримларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда, пул маблағларининг чет элларга ноқонуний ўтказилиши белгиларини аниқлаш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Бош прокуратураси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда яширин пул маблағлари қонунийлаштирилишининг ҳамда террорга оид фаолиятни молиялаштиришнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 15 август,
355-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 15 августдаги 355-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «Сўм-купон»-нинг харид қувватини ошириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 11 апрелдаги 195-сон қарорининг 11-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «1999 йил учун нақд-пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 22-сон қарорининг 6-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарори 3-бандининг иккинчи хатбоши, 4-бандининг учинчи ва олтинчи хатбошилари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йил учун нақд-пул эмиссияси даражаси ва касса режаси параметрлари тўғрисида» 2001 йил 25 январдаги 53-сон қарорининг 6-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 1-сон, 6-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ва баъзиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2002 йил 10 октябрдаги 354-сон қарорига илованинг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар» бўлимининг 2 ва 6-бандлари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 58-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 8 январдаги 7-сон қарорига илова 1-бандининг бешинчи—ўнинчи хатбошилари (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 2-модда).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 250-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 34-модда):

4-бандда:

учинчи хатбоши «алмаштириш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномаси» сўзларидан кейин «ёки банккомат чеки» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «ва йўл чеклари» сўзлари чиқариб ташлансин.

2-илованинг 16-банди «алмаштириш шохобчасининг тасдиқловчи маълумотномаси» сўзларидан кейин «ёки банккомат чеки» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 10 июлдаги 294-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 38-модда):

28-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

29-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Ваколатли банкларда хорижий валютани сотиб олиш учун миллий валютада етарли ҳажмда резерв қилинган пул маблағларининг мавжудлиги хўжалик

юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютани сотиб олиш бўйича операциялар ўтказишнинг мажбурий шarti ҳисобланади.»;

32 ва 33-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

37-бандда:

учинчи хатбошидаги «ўз» сўзи чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тақдим этилган ҳужжатлар ваколатли банклар экспертлари томонидан уч иш куни мобайнида кўриб чиқилади»;

38-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ваколатли банк эксперт гуруҳининг ижобий қарори қабул қилинган кундан кейинги кундан кечикмай хорижий валюта харид қилиш учун буюртманома беради».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

130 Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидаги тартиб белгилансин, унга кўра тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда:

биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши;

иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланади.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

2003 йил 1 октябрда Инспекцияларни шакллантиришни тугалласинлар ва улар учун зарур шароитлар яратилишини таъминласинлар;

Инспекциялар самарали фаолият кўрсатиши, рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда бюрократия ва сансалорлик ҳолларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Куйидагилар янги ташкил этилаётган Инспекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мўлжаллаётган ариза берувчининг ҳужжатларини ҳамда бунинг учун зарур бўлган асосларни қабул қилиш ва экспертизадан ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси тармоқлари) улашиш, турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилишга техник шартларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун, шунингдек муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома олиш учун уларнинг ваколатлари доирасида мажбурий тартибда келишиладиган ва рухсат олинадиган тегишли ташкилотларни аниқлаш;

юқорида кўрсатилган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, реестрни юритиш, шунингдек уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш;

ариза берувчига барча рухсат берувчи ҳужжатлар билан унинг тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш.

4. Белгилаб қўйилсинки, ариза берилган санадан бошлаб тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини ҳисобга олиб 7 иш кунидан бир ойгача белгиланади.

5. Қуйидагилар:

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий органлари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун объектлар қурилиши учун ер участкаларининг, тадбиркорлар талабини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда ким ошди савдоларига қўйишни амалиётда қўлласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари тўғрисидаги намунавий низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш ҳужжатларини расмийлаштиришнинг белгиланган тартибига сўзсиз риоя қилиниши устидан зарур назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарор қоидаларини республикадаги барча тадбиркорлар кенг қатламларига етказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

9. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масалаларини тартибга солувчи идоравий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказсинлар.

10. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан

ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда) 1-банди, 2-банднинг иккинчи—бешинчи хатбошилари, 3 ва 4-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига 2-илованинг 12-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 20 август,
357-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига
1-ИЛОВА

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом:

тадбиркорлик субъектларини айти пайтда давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят адлия бошқармаларида, туманлар (шаҳарлар) хокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида (кейинги ўринларда матнда рўйхатдан ўтказувчи органлар деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини;

объектларни куриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига (газ билан таъминлаш, энергия билан таъминлаш, сув билан таъминлаш, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) уланиш учун техник шартларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгилайди.

2. Давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтказиш:

аудиторлик ва суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;

барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошида кўрсатилганлардан ташқари — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (кейинги ўринларда матнда Инспекция деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри жойлардаги статистика органлари томонидан тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан юритилади.

4. Давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш муассисларнинг ихтиёрига кўра:

муассисларнинг ўзлари томонидан;

шартнома асосида — Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳузуридаги ахборот-маслаҳат марказлари ёхуд бошқа консалтинг фирмалари, бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари, мазкур банднинг тўртинчи хатбошида назарда тутилганлардан ташқари;

устав фонди тўлиқ хорижий инвесторлар томонидан шакллантириладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун — 2000 АҚШ доллари;

суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар ва бозорлар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдоридан давлат божи тўланади.

Давлат божининг 20 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига, қолган сумма — тегишли равишда республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда рўйхатдан ўтказиш йиғими ундирилади, уларнинг ставкалари давлат ҳокимияти Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан белгиланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимларининг чекланган ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Кўрсатиб ўтилган йиғимлар Инспекцияларни молиялаштириш манбалари ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказиш йиғимлари тушишдан фойдаланилмай қолган маблағлар туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари қарорига кўра фойдаланилади.

6. Объектларни қуриш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассасасининг аризасига кўра Инспекция томонидан таъминланади.

7. Ариза берувчи (тадбиркорлик субъекти ёки унинг муассиси) Инспекцияга: тадбиркорлик субъектини, айти пайтда рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказиш учун;

тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирмасдан давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилиши мумкин.

Илгари рўйхатдан ўтказилган (рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда ёки расмийлаштирмасдан), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари ҳам Инспекцияга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун мурожаат қилишлари мумкин. Бунда рўйхатдан ўтказиш йиғими (давлат божи) ундирилмайди.

8. Тадбиркорлик субъектини рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишнинг ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунгача умумий муддати техник шартларни ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермехнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан бир ойгача доирада белгиланади.

9. Инспекция томонидан рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганда тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар берилганлиги учун ваколатли органлар хизматларига ҳақ тўлаш фақат Инспекция орқали амалга оширилади.

10. Тадбиркорлик субъекти бўлмаган ва объектлардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш ниятида бўлмаган шахслар ҳам рухсат берувчи тартиб-қоидалардан ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида ўтадилар, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига уланиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартлар олиш, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, мазкур Низомга мувофиқ турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш, Инспекцияга мурожаат қилиш билан боғлиқ нормалар бундан мустасно.

II. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш

11. Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга (шахсан келиб ёки почта орқали) мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага:

таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан ўтказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди);

тадбиркорлик субъектининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

давлат божининг ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

белгиланган тартибда шаҳарлар (туманлар) статистика органлари томонидан берилган фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома;

муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада илова қилинади.

12. Мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда:

а) бозорларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун — уни ташкил этишга шаҳар (туман) ҳокимлигининг розилиги (ёки қарори);

б) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хати тақдим этилади. (Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар банкнинг тавсия хати ва ўз паспортларига оид маълумотлар нусхасини тақдим этади). Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкilot) устав фондида улуши интеллектуал мулк ҳисобланса, у ҳолда ариза берувчи баҳоловчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган баҳолаш тўғрисидаги ҳулосасини тақдим этиши керак;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг устав фонди 20 млн. АҚШ долларини ёки ундан ортиқни ташкил этган тақдирда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

ҳар бир муассис томонидан корхона устав фондидаги улуши микдорининг 30 фоизи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинчалик сўмлардаги ва валютадаги жамловчи ҳисоб рақамларига пул маблағлари тўланганлиги тўғрисида банк маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулк олиб келинганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, қўшилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

в) бир шахсдан ортиқ шахс томонидан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун таъсис йиғилиши (конференция) протоколи;

г) чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятларни ва хўжалик ширкатларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳар бир муассис томонидан устав фондида таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ўз улушининг 30 фоизи тўланганлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси тақдим этилади. Агар тадбиркорлик субъекти устав фонди ёки унинг бир қисми мулкий улуш (кўчмас мулк, асбоб-ускуна ва бошқалар) ёки интеллектуал мулк ҳисобига шакллантирилган тақдирда банк маълумотномаси талаб қилинмайди, таъсис ҳужжатларидаги устав фондиди шакллантириш манбаларига кўрсатма муассислар ниятини тасдиқлайди;

д) деҳқон хўжалигини (юридик шахсларни) давлат рўйхатидан ўтказиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг, ёки юқори бошқарув органининг ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги кооперативи иш берувчисининг (маъмуриятининг) хўжаликни ташкил этиш тўғрисидаги қарори ва туман ҳокимининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори;

е) фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

туман ҳокимининг ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори;

ҳокимликлар томонидан ташкил этиладиган танлов комиссиясининг ер участкаси бериш тўғрисидаги протоколи, товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш бизнес-режаси нусхаси;

ж) юридик шахсларни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун:

қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш тўғрисида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юборишда ва ўзгартиришда) ёки бўлиш ведомости (бўлишда ва ажратиб чиқаришда);

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, ўзгартирилаётган юридик шахснинг муҳри ва штампи (юридик шахсни ўзгартириш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишда тақдим этилади).

13. Тадбиркорлик субъектининг Устави, масъулияти чекланган ва қўшимча мажбуриятли жамиятлар учун — таъсис шартномаси ва устав, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса фақат таъсис шартномаси тадбиркорлик субъекти — юридик шахс томонидан рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжати ҳисобланади.

14. Муассислардан бири томонидан тегишли бинони (шу жумладан турар жойни) тадбиркорлик субъектининг почта манзили сифатида фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (мулкчилик ҳуқуқига бўлган далолатнома, бинони сотиб олишга, ижарага олишга шартнома ёки ижарага берувчининг бино ижараси тўғрисидаги қафолат хати, шунингдек яшаш жойидан берилган маълумотнома) тадбиркорлик субъектининг почта манзилени тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

15. Фирма номи тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун тадбиркорлик субъекти муассиси туман (шаҳар) статистика органларига мурожаат қилади.

Аризани кўриб чиқиш ва фирма номи тўғрисидаги гувоҳномани ёки шунга ўхшаш фирма номи мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Фирма номи тўғрисидаги гувоҳнома ёки шунга ўхшаш фирма номи мавжудлиги тўғрисида ахборот берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

16. Давлат рўйхатидан ўтиш учун яқка тартибдаги тадбиркор томонидан яшаш жойидаги Инспекцияга (шахсан ҳозир бўлган ҳолда) мазкур Низомга 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага 3x4 см ўлчамли иккита фотосурат; рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати, муҳр ва штамп эскизлари уч нусхада тақдим этилади (яқка тартибдаги тадбиркор хохишига кўра). Ариза беришда паспорт кўрсатилади.

17. Юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Инспекцияга (шахсан ҳозир бўлган ҳолда) мазкур Низомга 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага:

қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг ёки юқори бошқарув органининг, ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси иш берувчиси (маъмурияти)нинг хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

муҳр ва штамп эскизлари (яқка тартибдаги тадбиркор хохишига кўра) илова қилинади.

Ариза беришда паспорт кўрсатилади.

18. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш:

юридик шахсларни — мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларини — мазкур Низомга 2а-иловага мувофиқ схема бўйича берилган аризаларга кўра амалга оширилади.

19. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб:

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича — 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;

юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

20. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказувчи органнинг қароридан, унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) норози бўлган ёки рўйхатдан ўтказиш муддатлари бузилган тақдирда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

21. Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомга 3а ва 3б-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича реестрга киритилади.

22. Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича у ҳақдаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги:

юридик шахслар бўйича — статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича — солиқ органига ҳамда муҳр ва штамп эскизларини (ариза берувчи хоҳишига кўра) уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига тақдим этади.

23. Мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган маълумотлар олингач икки кун муддатда:

солиқ органлари — юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга қўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилади;

статистика органлари — юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестрига киритади, рўйхатдан ўтказиш картасини тўлдиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектига берилган кодларни расман маълум қилади;

ички ишлар органлари муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани расмийлашти-

ради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга эскизнинг икки нусхаси билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани юборади.

24. Рўйхатдан ўтказувчи органлар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобда турган рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сонини солиқ ва статистика органлари билан солиштиради.

III. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

25. Ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида ер участкаси бериш, объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига уланиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартларни расмийлаштириш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

лойиҳаолди (архитектура-режалаштириш топшириғи, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар);

лойиҳалаштириш;

қуриш.

26. Лойиҳаолди босқичида рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш 5, 5а, 5б-иловаларга мувофиқ схема бўйича тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади, ариза фақат рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришга берилган ҳоллар бундан мустасно.

A. Объектлар қурилишига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

27. Муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажми ҳисоб-китоби билан биргаликда лойиҳалаштиришга топшириқ тузиш, шунингдек муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартларни олиш ва архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш учун ариза берувчи Инспекцияга 1 ёки 1а-иловаларга мувофиқ шакл бўйича ариза беради. Аризага туман (шаҳар) ҳокимининг янги қурилиш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхаси илова қилинади.

28. Инспекция бир кун муддатда ер участкасига эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказувчи органларга мурожаат қилади. Инспекция томонидан тақдим этилган ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори асосида бир иш кунни мобайнида белгиланган тартибда ер участкасига эгалик ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

Рўйхатдан ўтказиш:

шаҳарлар ва шаҳарчаларда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси («Ўзгеодез-кадастр» бош бошқармаси) кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари томонидан;

республиканинг қолган ҳудуди бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси туман хизматлари томонидан амалга оширилади.

Ер участкаси ҳуқуқини рўйхатдан ўтказганлик учун рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

29. Муҳандислик таъминоти бўйича юклама ҳажмлари ҳисоб-китоблари билан

лойihalashтириш юзасидан топширик ер участкасига ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда Инспекциянинг масъул ходими томонидан бир кун муддатда тайёрланади. Бунда зарур ҳолларда ҳисоб-китоблар ариза берувчи билан келишилади.

30. Инспекция бир кунлик муддатда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нухасини ва муҳандислик таъминоти бўйича юкламаларнинг ҳисоблаб чиқилган ҳажмлари билан биргаликда лойihalashтиришга топширикни илова қилган ҳолда тегишли буюртма беради.

31. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) 18 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда архитектура ва қурилиш бош бошқармаси орқали ер участкасининг геодезия-топография картаси ишлаб чиқилишини (Тошкент шаҳрида топография картасини ишлаб чиқишни Инспекциянинг буюртмаси бўйича «Тошкенттадиқот» муҳандислик-техник қидирувлар институти амалга оширади) ва айни бир вақтда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга техник шартлар олинишини ва архитектура-режалаштириш топшириғи ишлаб чиқилишини таъминлайди.

32. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) газ, электр, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва телефон алоқаси бўйича туман (шаҳар) фойдаланиш ташкилотларида техник рўйхатдан ўтказиш шаклида тегишли техник шартларни олади (техник рўйхатдан ўтказиш — улаш нуқталари (узелларини), юкламалар ҳажмини, шохобчанинг асосий техник-иқтисодий параметрларини кўрсатган ҳолда муҳандислик-коммуникация тармоқларига объектнинг уланишини ҳисобга олиш);

техник шартларни бериш муддати 3 иш кунидан ошмаслиги керак.

Техник шартлар фойдаланиш ташкилотлари томонидан текин берилади. Сўралаётган параметрларда техник шартларни бериш имкони бўлмаган тақдирда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) 3 иш кунини мобайнида Инспекцияга асосланган рад этиш ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда ёзма жавоб юборади.

Инспекция томонидан техник шартларнинг сўралаётган параметрларини бериш рад этилишининг асослиги ўрганиб чиқилади. Рад этиш асоссизлиги аниқланган тақдирда Инспекция ҳужжатларни архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) қайтаришга ҳақлидир, архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) рухсат берувчи ҳужжатларни муддатнинг ушбу босқичи учун белгиланган муддатда расмийлаштиришга мажбурдир.

Рад этиш асосли бўлган тақдирда Инспекция рад этилган кундан кейинги кундан кечикмай бу ҳақда ариза берувчига ёзма равишда маълум қилади. Ариза берувчи билан келишган ҳолда техник шартлар учун параметрлар ўзгартирилиши мумкин.

Техник шартлар беришнинг рад этилиши устидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

33. Геодезия-топография картасини ишлаб чиқиш бир ҳафта муддатда пулли асосда амалга оширилади. Тўловнинг чекланган суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорини ташкил этади.

Аниқ тарифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда объектнинг мураккаблиги тоифасига қараб белгиланади.

34. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) томонидан тақдим этилган ва муҳандислик таъминоти бўйича юклама ҳажмлари ҳисоб-китоб-

лари билан лойиҳалаштириш юзасидан топширик, ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори асосида Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси архитектура-режлаштириш топшириғини (I ва II қисмлар) ишлаб чиқади.

35. Янги қурилиш ёки мавжуд объектни реконструкция қилиш учун муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш ёки юкламаларни ўзгартириш зарурияти бўлмаганда архитектура-режлаштириш топшириғида тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

36. Архитектура-режлаштириш топшириғида:

мавсумий ишлар ва яйлов чорвачилиги учун вақтинчалик иморатлар ва майший бинолар;

ишлаб турган муҳандислик тармоқларини ўзгартиришни талаб қилмайдиган кичик ўлчамли (300 куб метрдан ортиқ бўлмаган) алоҳида қуриладиган объектлар;

технологик ресурсини ишлаб бўлган ва объектни реконструкция қилиш ва қайта ихтисослаштириш талаб қилинмайдиган технологик ва муҳандислик асбоб-ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш лойиҳалари бўйича экспертизадан ўтказиш талаби ёки шартини белгилашга йўл қўйилмайди.

37. Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш тўлов асосида, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ бўлмаган суммада амалга оширилади. Аниқ тарифлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда объект мураккаблиги тоифасига қараб белгиланади.

38. Ишлаб чиқилган архитектура-режлаштириш топшириғи техник шартлар ва геодезия-топография карталари билан биргаликда белгиланган муддатдан кечикмай, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда олдиндан ҳақ тўлангандан кейин Инспекцияга тақдим этилади.

39. Ариза берувчига берилган архитектура-режлаштириш топшириғи белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун рухсат ҳисобланади.

Б. Объектларни қайта ихтисослаштиришга ва реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

40. Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун ариза берувчи Инспекцияга 1 ёки 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза беради. Аризага мавжуд объектга лойиҳа ҳужжатлари илова қилинади. Инспекция шу куннинг ўзида тегишли буюртмани ва мавжуд объектга лойиҳа ҳужжатларини туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) юборади.

41. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) икки кун мобайнида объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имкониятини ўрганиб чиқади.

42. Объектни муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирмасдан қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти бўлганда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) кўрсатиб ўтилган муддатда Инспекцияга тегишли рухсатномани юборади. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасининг (бўлимининг) рухсатномаси асосида Инспекция бир кун мобайнида туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

43. Объектни муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирган ҳолда қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш зарурияти бўлганда рухсат берувчи ҳужжатларни олиш ва объектни туман (шаҳар) кўчмас мулк

кадастри хизматида рўйхатдан ўтказиш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

44. Қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти бўлмаганда Инспекцияга қонун ҳужжатларининг аниқ нормаларини кўрсатилган ҳолда асосланган рад жавоби юборилади. Инспекция томонидан қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсатнома беришнинг рад этилиши асослилиги ўрганиб чиқилади. Рад этиш асоссиз эканлиги аниқланган тақдирда Инспекция ҳужжатларни архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) қайтаришга ҳақлидир. Архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) рухсатномани расмийлаштириш масаласини бир кун мобайнида ҳал этиши шарт.

Рад этиш асосли бўлган тақдирда Инспекция рад этилган кундан кейинги кундан кечикмай бу ҳақда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилади.

Қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилишга рухсат беришнинг рад этилиши устидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

45. Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти, шу жумладан муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирмасдан қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш ҳамда муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирган ҳолда қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти объектларнинг техник ҳолати ва мақсадидан келиб чиқиб туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) томонидан аниқланади.

В. Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

46. Турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ариза берувчи Инспекцияга 1 ёки 1а-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза билан мурожаат қилади.

Аризага ариза берувчининг мавжуд бинога мулккий ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, техник рўйхатдан ўтказиш кадастр бюроси томонидан тайёрланган бино тархи, бинога ҳам эгалик қилувчилар ва оиланинг вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишдаги розилиги илова қилинади.

47. Инспекция бир кун муддатда ҳужжатларни туман (шаҳар) техник рўйхатдан ўтказиш бюроси билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига беради, ҳокимлик икки кун муддатда Инспекцияга туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарорини беради. Ўтказишнинг рад этилиши устидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказганлик ва турар жойдан нотурар жой сифатида фойдаланиш ҳуқуқини олганлик учун тўлов ундирилмайди.

48. Ҳокимнинг турар жойни (ёки унинг бир қисмини) нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги Инспекция томонидан тақдим этилган қарори асосида туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан бир кун мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

Кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан рўйхатдан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан тўлов ундирилади.

49. Ариза берувчи томонидан бино параметрларини ўзгартириш хоҳиши билдирилган тақдирда Инспекция ҳокимнинг тузар жойни нотузар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори олинган кунда мазкур Низомда белгиланган тартибда туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш юзасидан тегишли буюртма беради. Кейинги тартиб-қоидалардан ўтиш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Г. Ким ошди савдоларида сотиб олинган ер участкаларида объектлар қуришга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

50. Ер участкасидан доимий равишда фойдаланиш (узоқ муддатли ижара) ҳуқуқини амалга ошириш бўйича ким ошди савдоларини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этади.

Ким ошди савдосида қатнашиш учун тадбиркорлик субъекти ёки фуқаро объект бошланғич қийматининг 5 фоизи миқдорига зақалат тўлайди.

51. Савдо яқунлари бўйича ким ошди комиссияси томонидан яқуний протокол имзоланади, унга мувофиқ савдода ютиб чиққан тадбиркорлик субъекти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси билан олди-сотди шартномаси тузади.

52. Тадбиркорлик субъекти ёки фуқаро томонидан олди-сотди шартномасига тўлов тўлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ер участкасидан доимий фойдаланиш (узоқ муддатли ижара) ҳуқуқини амалга ошириш тўғрисида буйруқ чиқаради ва унга қуриш мўлжалланаётган объектга бирламчи лойиҳаолди ҳужжатларини (геодезия-топография картаси, техник шартлар билан биргаликда архитектура-режалаштириш топшириғи) беради.

53. Лойиҳалаштириш ва қуриш босқичларидан ўтиш мазкур Низомда белгиланган тартибда мустақил амалга оширилади.

IV. Тадбиркорлик субъектига Инспекция томонидан бериладиган ҳужжатлар

54. Зарур рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатда:

тадбиркорлик субъектлари — юридик шахсларга — мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган, «рўйхатдан ўтказилди» деган белги қўйилган таъсис ҳужжатларини, шунингдек эскиз билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради;

якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигига — мазкур Низомга 6-иловага мувофиқ шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек эскиз билан (уларнинг хоҳишига кўра) биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатномани беради;

тадбиркорлик субъектига (аризага кўра) Инспекция бошлиғи томонидан имзоланадиган мазкур Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Барча зарур ҳужжатлар тадбиркорлик субъектига бир вақтда берилади.

55. Рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳномага қуйидаги тегишли ҳужжатлар илова қилинади:

фойдаланиш ташкилотлари томонидан берилган муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартлар;

архитектура-режалаштириш топшириғи;

қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун рухсатнома, шунингдек кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан берилган рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

туман (шаҳар) ҳокимининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори, шунингдек кўчмас мулк кадастри хизмати томонидан берилган рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

ер участкасига эгалик ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

V. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш

A. Банк ҳисоб рақамлари очиш ва лицензиялар (рухсатномалар) олиш

56. Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтгач тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун мажбурий тартибда:

банкларга — ўз фаолияти учун зарур бўлган ҳисоб рақамлари очиш учун (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари ҳисоб рақами очиш учун ўз хоҳишига кўра мурожаат қиладилар);

ваколатли давлат органларига — тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиялар (ёки рухсатномалар) олиш учун мурожаат қиладилар.

57. Банкда ҳисоб рақамлари очиш учун тадбиркорлик субъекти томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тадбиркорлик субъекти фаолият жойи манзили ва очиладиган ҳисоб рақамлари турлари кўрсатилган ҳолда ариза;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

раҳбар ва бош бухгалтер имзоларининг нотариал тасдиқланган намуналари (деҳқон хўжалиги бошлиғи ва якка тартибдаги тадбиркор ўз имзолари намуналарини тақдим этади) ва думалоқ муҳр оттискининг икки нусхаси.

Аризани кўриб чиқиш ва банк томонидан ҳисоб рақами очиш муддати кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олинган кундан бошлаб икки банк кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ҳисоб рақами очганлик учун тўлов миқдори бир энг кам ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаслиги керак.

B. Объектни лойиҳалаштириш, қуриш ва қабул қилиш

58. Лойиҳалаштириш тартиб-қоидаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

лойиҳани Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиб олиш;

лойиҳа-смета ҳужжатларини ваколатли органларда экспертизадан ўтказиш, мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

59. Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳалаш ташкилотини танлаб олиш тадбиркорлик субъекти томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Қуйидагилар тадбиркорлик субъекти билан лойиҳалаш ташкилоти ўртасидаги шартноманинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

лойиҳа-смета ҳужжатларини Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиб олиш;

келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларини объектнинг ёнғинга қарши хавфсизлиги ва зилзилага бардошлилиги юзасидан давлат экспертиза органларида экспертизадан ўтказиш, мазкур Низомнинг 36-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

60. Ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг архитектура-режалаштириш топшириғига мувофиқлигини Архитектура шаҳарсозлик бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиб олиш лойиҳалаш ташкилоти томонидан амалга оширилади.

Лойиҳани архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиб олиш тўлов ундирилмасдан бир ҳафта мобайнида амалга оширилади.

61. Келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари бир ҳафта мобайнида объектнинг ёнғинга қарши хавфсизлиги ва зилзилага бардошлилиги юзасидан давлат экспертиза органларида экспертизадан ўтади, мазкур Низомнинг 36-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан ортиқ бўлмаган тўлов ундирилади. Тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда объектнинг мураккаблиги тоифасига қараб белгиланади.

62. Архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан белгиланган тартибда келишиб олинган лойиҳа-смета ҳужжатлари, шунингдек экспертизанинг ижобий хулосаси қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсатнома олиш учун асос ҳисобланади.

Мазкур Низомнинг 36-бандида назарда тутилган объектларни ва қурилиши тадбиркорлик субъектининг ўз кучлари билан амалга оширилаётган объектларни қуришда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома олиш талаб қилинмайди.

63. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома бериш архитектура ва қурилиш ҳудудий органлари томонидан 2 кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Архитектура-қурилиш назорати ҳудудий органларининг инспекторлари қурилишнинг боришини белгиланган тартибда назорат қиладилар.

Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома берилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Қурилишнинг бориши устидан назорат амалга оширилганлиги шартнома асосида, бироқ қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 0,03 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

64. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун рухсатнома олгандан кейин тадбиркорлик субъекти қизил линияларни натурага кўчириб бериш учун Архитектура ва қурилиш бош бошқармасига ҳокимнинг ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарори нусхаси, архитектура-режалаштириш топшириғи (II қисм), лойиҳа-смета ҳужжатлари (муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишга доир) тақдим этган ҳолда мурожаат қилади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида қизил линияларни натурага кўчириб бериш Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан икки иш кунни мобайнида бепул амалга оширилади.

65. Қурилиш даврида Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси назорат-ижро режага олиш ишларини амалга оширади.

Назорат-ижро режага олиш ишлари тўлов асосида амалга оширилади. Назорат-ижро режага олиш ишлари бажарилганлиги учун тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда объектнинг мураккаблиги тоифасига қараб, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

66. Объектни қуриш (реконструкция қилиш) тадбиркорлик субъекти билан қурилиш пудрати шартномаси тузган пудратчи қурилиш ташкилоти томонидан ёхуд тадбиркорлик субъектининг ўз кучлари билан амалга оширилади.

Пудратчи қурилиш ташкилотининг қўйидаги мажбуриятлари тадбиркорлик субъекти билан пудратчи қурилиш ташкилоти ўртасида тузиладиган шартноманинг мажбурий шартлари ҳисобланади:

қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилиш;

қурилиши тугалланган объектнинг туман (шаҳар) ҳокими томонидан тузиладиган қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилинишини ташкил этиш.

Объектни қуришни (реконструкция қилишни) амалга ошираётган шахслар қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши учун жавоб берадилар.

67. Қурилиши тугалланган объект туман (шаҳар) ҳокими томонидан тузиладиган қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Комиссия таркибига архитектура-назорат органлари, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, ёнғин назорати, давлат санитария назорати, буюрмачи ва пудратчининг вакиллари киради.

68. Қабул қилиш пайтида аниқланган камчиликлар пудрат қурилиш ташкилоти томонидан ўз ҳисобига бартараф қилинади.

69. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш пудратчи (ёки тадбиркорлик субъекти — қурилиш ўз кучлари билан амалга оширилганда) ҳокимликка мурожаат қилган вақтдан бошлаб 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилиш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланадиган қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Туман (шаҳар) ҳокими икки кун муддатда қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қурилиши тугалланган объект қабул қилинганлиги учун тўлов ундирилмайди.

70. Туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори объектни туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан рўйхатдан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

Объектни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш туман (шаҳар) кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан бир иш кунни мобайнида амалга оширилади.

71. Объектга ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, жисмоний шахслардан эса — энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

VI. Тадбиркорлик субъектларининг таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш

72. Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда тегишли қарор расмийлаштирилгандан

кейин бир ҳафта муддатда уларни рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

тадбиркорлик субъектини бошқариш ваколатли органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси;

номи ўзгарган тақдирда — алмаштириладиган муҳр ва штамп рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, шунингдек муҳр ва штамп янги намуналарининг уч нусхадаги эскизи;

давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати;

устав фонди кўпайтирилган тақдирда — жорий устав фонди шакллантирилганлиги тўғрисида солиқ органлари томонидан берилган ҳужжат;

устав фонди камайтирилган тақдирда — уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайганлиги ва унинг янги миқдори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинганлигини ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

тадбиркорлик субъекти ажратиб чиқариш ва қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда — тегишли равишда бўлиш баланси ва бериш ҳужжати, уларда юридик шахсларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар мавжуд бўлади.

Таъсис ҳужжатларига устав фондининг камайиши билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар рўйхатдан ўтказувчи органга уларга маълум барча кредиторлар устав фонди миқдори камайганлиги ва унинг янги миқдори тўғрисида ёзма равишда хабардор қилингандан ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон берилгандан кейин бир ҳафта муддатда тақдим этилади.

Киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, шунингдек тадбиркорлик субъектларини тегишли органларда ҳисобга қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш, янги намунадаги муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатномаларни расмийлаштириш мазкур Низомда белгиланган давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

73. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун белгиланган давлат божининг (рўйхатдан ўтказиш йиғимининг) 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

Агар киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тадбиркорлик субъектининг фақат почта манзили ўзгаришига тегишли бўлса, давлат божи (рўйхатдан ўтказиш йиғими) ундирилмайди.

74. Тадбиркорлик субъектлари ўз почта манзили ўзгарган тақдирда ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

Тадбиркорлик субъекти фаолиятининг тури ва унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони ўзгариши муносабати билан Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестрига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда статистика органлари бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни, солиқ органини ҳамда тадбиркорлик субъектини хабардор қилади.

75. Якка тартибдаги тадбиркорлар уларга берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган фаолият жойи ва тури ўзгарган тақдирда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органни ва солиқ органини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Рўйхатдан ўтказувчи орган ва солиқ органи кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар олингандан кейин уч кун муддатда якка тартибдаги тадбиркорни улар томонидан рўйхатдан ўтказувчи ва ҳисобга олиш ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт.

VII. Яқуний қоидалар

76. Мазкур Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

_____ га
(рўйхат ўтказувчи органнинг номи)

_____ дан
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

(зарур бўлимлари тўлдирилади)

I. _____
(юридик шахснинг ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисқартирилган номи)

_____ ни
давлат рўйхатидан ўтказишингизни илтимос қиламан.

Мулкчилик шакли: _____
(жамоат (давлат) хусусий)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

_____ (АЖ, масъулияти чекланган ёки қўшимча мажбуриятли жамият, тўлиқ ёки коммандит ширкат, унитар корхона, хусусий корхона, ишлаб чиқариш ширкати, фермер хўжалиги, юридик шахс ташкил этган ҳолда деҳқон хўжалиги ва бошқа тижорат ташкилотлари)

Рўйхатдаги ходимларнинг тахмин қилинаётган сони _____ киши.

Почта манзили: _____

Почта индекси: _____ алоқа қилинадиган телефон: _____

II. Қуйидагиларни:

а) _____
(туман (шаҳар), объектнинг манзили ва йўналиши)

манзилида жойлашган объектни _____ муносабати билан
(реконструкция қилиш мақсади кўрсатилсин)

реконструкция қилиш учун;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

б) менга _____ хуқуқи билан тегишли бўлган
(мулкчилик ёки бошқа ашёвий хуқуқ асосида)

_____ (турар жой манзили)

_____ (бинонинг ўзгартириш мўлжалланаётган шакли ва фойдаланиш мақсади)

турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун;

в) _____
(туман (шаҳар), манзил ва бошқалар)

_____ манзилида _____

_____ (объектнинг номи ва нимага мўлжалланганлиги кўрсатилсин)

_____ объект курилиши учун ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига улашга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришингизни сўрайман.

Муҳандислик таъминоти (газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқаси) юкламаси ҳисоб-китоби билан бирга лойиҳалаштиришга топшириқни ишлаб чиқишингизни ва қўйидаги тахмин қилинаётган ҳисоб-китоб сизими бўйича: _____

_____ (ҳисобланган унумдорлик ёки бошқа дастлабки маълумотлар (иш ўринлари сони, ишлаб чиқариладиган

_____ маҳсулот (хизматлар, ишлар) ҳажми, усқунанинг асосий параметрлари, умумий овқатланиш ва

_____ манший хизмат кўрсатиш учун ўринлар, телефон алоқасига бўлган эҳтиёж ва бошқалар)

ёки қўйидаги:

1. _____ м³/соат газга;
2. 2 фазали _____ кВт/соат, 3 фазали _____ кВт/соат электр энергиясига;
3. _____ куб м/соат сувга;
4. _____ телефон рақамига телефон алоқасига;
5. _____ Гкал/соат иссиқлик энергиясига;
6. _____ куб м/соат канализацияга тахмин қилинаётган эҳтиёжлар учун (аризачининг тегишли ҳисоб-китоблари мавжуд бўлган тақдирда тўлдирилади) ушбу тармоқларга техник шартлар бўйича улашга ҳужжатларни расмийлаштиришни сўрайман.

Аризага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар*:

1. _____
2. _____
3. _____

*Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова).

_____ (ариза ёзилган сана)

_____ (муассис ёки ваколатли шахс-ариза берувчининг имзоси)

_____ (ариза қабул қилинган сана)

_____ (рўйхатга олувчи органнинг масъул ходими имзоси)

Тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва
рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаш-
тириш тартиби тўғрисидаги низомга
1а-ИЛОВА

_____ га
(рўйхат ўтказувчи органнинг номи)
_____ дан
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА
(зарур бўлимлари тўлдирилади)

I. _____ муддатга
(жисмоний шахс — яқка тартибдаги тадбиркор томонидан тўлдирилади)

_____ (фаолият амалга ошириладиган жой)

_____ ни амалга ошириш учун
(фаолият тури)

_____ сифатида
(деҳқон хўжалиги, яқка тартибдаги тадбиркор)

юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтказишингизни сўрайман.

Тадбиркор, деҳқон хўжалиги бошлиғи тўғрисидаги маълумотлар:

Ф.И.О. _____

Паспортга оид маълумотлар: _____

(серия, №, ким томонидан берилган)

Уй манзили: _____

Почта индекси: _____ Телефон: _____

II. Қўйидагиларни:

а) _____
(туман (шаҳар), объектнинг манзили ва йўналиши)

манзилида жойлашган объектни _____ муносабати билан
(реконструкция қилиш мақсади кўрсатилсин)

реконструкция қилиш учун;

б) менга _____ ҳуқуқи билан тегишли бўлган

(мулкчилик ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида)

_____ (турар жой манзили)

_____ (бинонинг ўзгартириш мўлжалланаётган шакли ва фойдаланиш мақсади)

турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун;

в) _____

(туман (шаҳар), манзил ва бошқалар)

_____ манзилида _____

(объектнинг номи ва нимага мўлжалланганлиги кўрсатилсин)

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

_____ объект қурилиши учун ишлаб турган муҳандислик коммуникацияларига улашга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришингизни сўрайман.

Муҳандислик таъминоти (газ таъминоти, электр таъминоти, сув таъминоти, иссиқлик таъминоти, канализация, телефон алоқаси) юкламаси ҳисоб-китоби билан бирга лойиҳалаштиришга топшириқни ишлаб чиқишингизни ва қўйидаги тахмин қилинаётган ҳисоб-китоб сифими бўйича: _____

(ҳисобланган унумдорлик ёки бошқа дастлабки маълумотлар (иш ўринлари сони, ишлаб чиқариладиган

маҳсулот (хизматлар, ишлар) ҳажми, ускунанинг асосий параметрлари, умумий овқатланиш ва

маиший хизмат кўрсатиш учун ўринлар, телефон алоқасига бўлган эҳтиёж ва бошқалар)

ёки қўйидаги:

1. _____ м³/соат газга;
2. 2 фазали _____ кВт/соат, 3 фазали _____ кВт/соат электр энергиясига;
3. _____ куб м/соат сувга;
4. _____ телефон рақамига телефон алоқасига;
5. _____ Гкал/соат иссиқлик энергиясига;
6. _____ куб м/соат канализацияга тахмин қилинаётган эҳтиёжлар учун (аризачининг тегишли ҳисоб-китоблари мавжуд бўлган тақдирда тўлдирилади) ушбу тармоқларга техник шартлар бўйича улашга ҳужжатларни расмийлаштиришни сўрайман.

Аризага қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар*:

1. _____
2. _____
3. _____

*Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова).

_____ (ариза ёзилган сана)


_____ (ариза берувчи-фуқаронинг имзоси)

_____ (ариза қабул қилинган сана)

_____ (инспекциянинг масъул ходими имзоси)

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА


Тадбиркорлик субъектларини (юридик шахс ташкил этган ҳолда) давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш схемаси



1. Иловалари билан бирга таъсис ҳужжатлари тайёрлаш (Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг тегишли тузилмалари ёрдамида, консалтинг фирмалари, бошқа шахслар ёки муассиснинг ўзи томонидан).
2. Ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга киритиш.
3. Рўйхатдан ўтказувчи органда ҳужжатларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш (тегишли органларда ҳисобга қўйган ҳолда) ёки рад этиш, шунингдек Ички ишлар вазирлиги органларида муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатнома олиш.
4. Тадбиркорлик субъектига давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани ҳамда муҳр ва штампларини тайёрлашга Ички ишлар вазирлиги органларининг рухсатномасини бериш.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
2а-ИЛОВА

Якка тартибдаги тадбиркорларни (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларини) давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш схемаси



1. Иловалар билан бирга таъсис ҳужжатлари тайёрлаш;
2. Ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига киритиш;
3. Инспекцияда ҳужжатларни кўриб чиқиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш (солиқ органида ҳисобга қўйган ҳолда) ёки давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек (хусусий тадбиркорнинг хоҳишига кўра) Ички ишлар вазирлиги органларида муҳр ва штампларни тайёрлашга рухсатнома олиш;
4. Якка тартибдаги тадбиркорга давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани ҳамда муҳр ва штампларни тайёрлашга (якка тартибдаги тадбиркорнинг хоҳишига кўра) Ички ишлар вазирлиги органларининг рухсатномасини бериш.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 3-ИЛОВА

130-модда

Юридик шахсларнинг ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

Т/р	Ҳужжатлар берилган сана (кириш)	Ариза берувчи - муассис				Ҳужжатларни топириш мақсади (рўйхатдан ўтказиш ёки таъсис ҳужжатларини ўзгартириш ва ҳ.к.)	Рўйхатдан ўтказилган ёки юридик шахснинг устав фонди	Давлат рўйхатидан ўтказиш (реестр) тартиб рақами ва санаси	Рўйхатга олинган юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар								Гувоҳнома-нинг тартиб рақами	Давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома берилган (олинган) сана	Тугатиш-давлат реестридан чиқариш ёки ўзгартиришлар киритиш санаси	Қўшимча маълумотлар
		Жисмоний шахслар		Юридик шахслар					Фирмалиноми	Мулкчилик шакли (жамоат, ҳуусусий) МШ коди	Ташкилий ҳуқуқий шакли ТХШ коди	Асосий фаолият тури ХХТУТ коди	Почта манзили, телефон, МҲОБТ коди	КТ-УТ коди	Солиқ тўлов-чининг идентификация рақами коди					
		Ф.И.О.	паспортга оид маълумотлар (паспорт серияси ва тартиб рақами, қачон ва қим томонидан берилган, лойиҳа рўйхатда турган жой)	Тўлиқ номи	Почта манзили															
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	

— 46 —

15-16 (75-76)-сон

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
За-ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркорларнинг
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Т/р	Ариза берилган сана	Якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Якка тартибдаги тадбиркорнинг уй манзили	Якка тартибдаги тадбиркорнинг паспортга оид маълумотлар	Амалга оширилган фаолият тури	Фаолият амалга оширилган жой	Давлат рўйхатидан ўтказиш (реестр) тартиб рақами ва санаси	Гувоҳноманинг тартиб рақами	Гувоҳноманинг амал қилиш муддати	Солиқ тўловчининг идентификация рақами коди	Гувоҳнома олинган		Давлат реестридан чиқарилган сана	Қўшимча маълумотлар
											Сана	Имзо		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
ЗБ-ИЛОВА

130-модда

**Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалиklarининг
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Т/р	Ариза берилган сана	Деҳқон хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми, отасининг исми	Деҳқон хўжалиги бошлигининг уй манзили	Деҳқон хўжалиги бошлигининг паспортга оид маълумотлар	Асосий фаолият тури	Фаолият амалга оширилаётган жой	Давлат рўйхатидан ўтказиш (реестр) тартиб рақами ва санаси	Гувоҳнома тартиб рақами	Солиқ тўловчининг идентификация тартиб рақами	Гувоҳнома олинган		Давлат реестридан чиқарилган сана	Қўшимча маълумотлар
										Сана	Имзо		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14

— 48 —

15-16 (75-76)-сон

Тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва
рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаш-
тириш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Статистика ва солиқ органларига тақдим этиш учун зарур бўлган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар

1. Тадбиркорлик субъектининг номи, Ф.И.О*

Тўлиқ номи:
Қисқартирилган номи:

2. Почта манзили (туман, шаҳар, уй манзили*)

3. Янгидан ташкил
этилган

Қайта ташкил этиш йўли
билан тузилган

4. Почта индекси:

5. Мулоқот телефонлари:

6. Асосий фаолият тури (статистика органлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи
органга берилган, тасдиқланган классификаторга мувофиқ)

7. Мулкчилик шакли (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ)

--

8. Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

9. Муассислар тўғрисидаги маълумотлар:

Муассислар (номи, мамлакат, солиқ тўловчининг идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт*)	Муассисларнинг устав фондидаги улуши		
	минг сўм ҳисобида	минг АҚШ доллари ҳисобида	фоизлар ҳисобида
Жами устав фонди			

10. Тадбиркорлик субъекти ташкилий таркибига кирувчи ташкилот (хўжалик
жамияти) _____

11. Рўйхат бўйича тахминий сони :

киши.

12. Рўйхатдан ўтказувчи орган номи:

13. Рўйхатдан ўтказилди

т/р

сана

<input type="text"/>	<input type="text"/>
----------------------	----------------------

14. Фаолият амалга ошириладиган жой*:

15. Фаолиятни амалга ошириш муддати*:

Рўйхатдан ўтказувчи орган мансабдор шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми


Имзо

М. Ў

* якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари учун тўлдирилади.


Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга 5-ИДОВА

Тадбиркорлик фаолиятини юригиш учун объектлар қурилишига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш схемаси



Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тарғиб тўғрисидаги низомига 5а-ИДЮВА

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун объектни реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш схемаси



- 1 Объектни реконструкция қилиш учун ариза берувчининг аризаси.
- 2 Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га мавжуд объектни реконструкция қилиш имкониятини кўриб чиқиш ёки асосли рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Инспекциянинг буюртмаси.
- 3 Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)дан объектни реконструкция қилишга рухсатнома олиш.
- 4-5 Туман (шаҳар) ер кадастри идорасида рўйхатга олиш.
Техник шартларни олиш ва архитектура-режалаштириш топширғини ишлаб чиқиш учун ҳокимнинг қарорини ва муҳандислик таъминоти бўйича Инспекция томонидан ҳисоблаб чиқилган юкларнинг ҳажмини туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)га бериш (зарур ҳолларда).
- 6 Техник шартларни олиш ва архитектура-режалаштириш топширғини ишлаб чиқиш.
Рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисидаги гувоҳнома куйидаги иловалар:
туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг объектни реконструкция қилишга рухсатномаси;
архитектура-режалаштириш топширғини (техник шартлар билан бирга);
туман (шаҳар) ер кадастри идорасида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга ариза берувчига бериш.

Муддат: 18 кун

Тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва
рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаш-
тириш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами - _____ № 0000000
_____ й. «___» _____

Мазкур гувоҳнома юридик шахс _____ га
(ўзбек тилидаги тўлиқ номи)

(юридик шахс бўлган деҳқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

берилган.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

Мулкчилик шакли:

Почта манзили:

Юридик шахс коди:

Тармоқ коди:

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

ТҲШ

МШ

МИОБТ

КТУТ

ХХТУТ

СТИР

Қўшимча маълумотлар:

М.Ў.

Ваколатли орган раҳбари

_____ (имзо)

Тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва
рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаш-
тириш тартиби тўғрисидаги низомга
ба-ИЛОВА

**Якка тартибдаги тадбиркор (юридик шахс бўлмасдан ташкил
этилган деҳқон хўжалиги)ни давлат рўйхатидан ўтказиш
тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

Реестрдаги тартиб рақами _____ № 0000000
_____ й. «___» _____

Якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми,
отасининг исми _____

Паспорт серияси _____ тартиб рақами _____

_____ томонидан _____ й. «___» _____ да берилган.

Уй манзили _____

Амалга ошириладиган фаолият тури _____

Фаолият амалга ошириладиган жой _____

_____ й. «___» _____ гача амал қилади*.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами коди _____

Изоҳ** : _____

Сурат
ўрни***

М.Ў.

Инспекция бошлиғи _____ (имзо)

* Фақат якка тартибдаги тадбиркорлар учун.

** Деҳқон хўжаликлари учун ажратиладиган ер участкаси ва унинг май-
дони кўрсатилади.

*** Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларига жо-
рий этилмайди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат
рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва
рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаш-
тириш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

№ _____ й. «___» _____

(туман (шаҳар), вилоят)

----- тадбиркорлик
субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекцияси томонидан _____
----- нинг
(якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки юридик шахснинг тўлиқ номи)

----- муҳандислик коммуникацияларига улаш учун рухсат берувчи ҳужжатлари ҳамда
----- га
(қурилиш, объектни қайта қуриш, турар жойни нотурар жойга ўтказиш)

рухсат бериш (розилик) расмийлаштирилди.

Мазкур гувоҳномага қуйидагилар илова қилинади:


1. _____;
2. _____;
3. _____;
4. _____;
5. _____;
6. _____.

Инспекция бошлиғи _____

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига
2-ИЛОВА

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг намунавий тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

131 **Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Авиация ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Транспорт соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича кичик комиссиялардан иборат 8-иловага* мувофиқ таркибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) тuzилсин.

3. Белгилансинки:

Комиссия фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш бўйича кичик комиссияларнинг, шунингдек «Ўздавтемирўлناзорат» инспекцияси, «Дававианазорат» инспекцияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг транспорт соҳасида лицензиялаш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштиришни ва уларга умумий раҳбарликни ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади, лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

кичик комиссиялар лицензия талабгорларидан тегишли ҳужжатлар билан аризаларни қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосалар ва комиссия қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш ва қайта тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) томонидан қабул қилинади;

«Ўздавтемирўлناзорат» инспекцияси, «Дававианазорат» инспекцияси ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тегишли кичик комиссияларнинг ишчи органлари функциясини бажаради.

4. Комиссия икки ҳафта муддатда Комиссия ва ҳудудий комиссиялар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 21 август,
360-сон

* 8-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл
транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ва Ҳукуматнинг қарорлари бўйича авария-қутқариш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ва мурувват юклари етказиб берилиши талаб этилиши билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Темир йўл транспорти соҳасида лицензиялаш бўйича кичик комиссия (кейинги ўринларда кичик комиссия деб аталади) эксперт хулосалар ҳамда Комиссиянинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси кичик комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

4. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг қуйидаги қисмларига берилади:

- маҳаллий йўналишда йўловчилар ташиш;
- халқаро йўналишда йўловчилар ташиш;
- маҳаллий йўналишда юк ташиш;
- халқаро йўналишда юк ташиш.

6. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия камида 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг ари-

засига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар темир йўл транспортида йўловчиларни ва юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига, юкларни ташиш қоидаларига, йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига мажбурий риоя қилиш;

ҳаракат хавфсизлигини, техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ҳамда нормаларини таъминлаш;

йўловчилар ва юк ташиш учун фойдаланиладиган ҳаракатланиладиган таркибнинг, шунингдек ходимларнинг темир йўл транспортида белгиланган талабларга мувофиқлиги;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

лицензияланадиган фаолиятнинг лицензияда кўрсатилган ҳаракат зонаси доирасида амалга оширилиши;

шартномалар тузишда — мижозларнинг талабига кўра ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш пайтида — назорат қилувчи органларга лицензияни тақдим этиш;

«Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг талабига кўра лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур ахборотни унга тақдим этиш.

8. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 7-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгорининг аризада кўрсатилган фаолият турига оид лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар (ҳужжатларда ҳаракатланадиган таркиб парки мавжудлиги, унинг типи, миқдори, аризада кўрсатилган фаолиятга жалб қилинган ходимларни танлаш ва уларнинг тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак);

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Ўздавтемирйўлназорат» инс-

пекциясига бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар кичик комиссиянинг масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги сана ҳақида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Кичик комиссия котиби вақтинча бўлмаган тақдирда, унинг функцияларини кичик комиссия раиси томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

12. Ишончли бўлмаган ёки сохталаштирилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорда йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Ўздавтемирўлناзорат» инспекциясининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юklarни ташиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Кичик комиссия ариза олинган кундан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда хужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

15. «Ўздавтемирўлناзорат» инспекцияси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битими «Ўздавтемирўлناзорат» инспекцияси билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

- битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;
- амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият турининг номи;
- лицензиянинг амал қилиш муддати;
- лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси раҳбари жавоб беради.

17. Лицензия «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси томонидан, лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензия Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

18. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ва/ёки кичик комиссия мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда кичик комиссия ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклиф билан тегишли қарор протоколи лойиҳасини Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат кўрсатиб ўтилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Ўздавтемирийўлназорат» инспекциясига лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлишдан икки ой олдин берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси томонидан амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

кичик комиссияга кўриб чиқиш учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор киритиш;

темир йўл транспорти соҳасида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятининг хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш кичик комиссия томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Кичик комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, кичик комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

33. «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси лицензиялар реестрини юритади. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;
лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;
лицензияларнинг амал қилиш муддати;
умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;
лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;
лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
лицензияларни бекор қилиш асослари ва санаси;
дубликат беришнинг асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясига ҳақ тўлаган ҳолда олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби

35. Темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юklarни ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади. Ҳаракатланадиган таркиб сони тўлдирилган (кўпайтирилган) тақдирда давлат божи кўшимча равишда ҳаракатланадиган таркибнинг ҳар бир бирлиги учун ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга узайтириш чоғида давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддати камайишига мутаносиб тарзда камайтирилади.


Лицензиялар берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари «Ўздавтемирйўлназорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва қуйидаги тарзда тақсимланади:

20 фоизи — «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси таъминотиغا;

80 фоизи — республика бюджетига.

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
2-ИЛОВА

Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни тижорат асосида амалга ошириладиган ташиш фаолияти лицензияланиши лозим.

Қуйидагилар халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш учун асос ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳаво алоқаси тўғрисида тузилган ҳукуматлараро битимлар;

парвозларни амалга ошириш тўғрисида авиация маъмурлари ўртасидаги битимлар, протоколлар, меморандумлар ва бошқа ҳужжатлар;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ваколатли органлари томонидан бериладиган махсус рухсатномалар.

3. Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ва Ҳукуматнинг қарорлари бўйича авария-қутқариш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ва мурувват юклари етказиб берилиши талаб этилиши билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

4. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур бўлган ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Авиация транспорти соҳасида лицензиялаш бўйича кичик комиссия (кейинги ўринларда кичик комиссия деб аталади) эксперт хулосалар ҳамда Комиссиянинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ва тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Кичик комиссия ишчи органи функциясини «Дававианазорат» инспекцияси амалга оширади.

5. Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

6. Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг қуйидаги қисмларига берилади:

маҳаллий ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ташиш;

халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ташиш;
маҳаллий ҳаво йўналишлари бўйича юкларни ташиш;
халқаро ҳаво йўналишлари бўйича юкларни ташиш.

7. Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия камида 5 йил муддатга берилади. Лицензия 5 йилдан кам муддатга фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Қўйидагилар ҳаво транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига, юклар, йўловчилар ва багажни ташиш қоидаларига мажбурий тартибда риоя қилиш;

парвозлар хавфсизлигини, техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ҳамда нормаларини таъминлаш;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва амал қилинувчи ҳужжатлар талабларига риоя қилиш;

ташилаётган юклар ва багажнинг сақланишини ва ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш;

лицензияланадиган фаолиятни лицензияда кўрсатилган зона доирасида амалга ошириш;

шартнома тузишда — миждозларнинг талабига кўра ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш пайтида — назорат қилувчи органларга лицензияни тақдим этиш;

«Дававианазорат» инспекциясига талабига кўра лицензия талаблари ва шартларига риоя қилинишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур ахборотни тақдим этиш.

9. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 8-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юрidik шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёки унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юрidik шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензия талабгорининг аризада кўрсатилган фаолиятга қараб лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар (ҳаво кемаларининг мавжудлиги, уларнинг типи, тартиб рақами, сони ва уларнинг иш ресур-

си, мунтазам амалга оширилаётган ҳаво қатновлари, йўналишлар ва жадвал, аризада кўрсатилган фаолиятни бажаришга жалб қилинган ходимларни танлаш ва тайёрлаш);

ариза берувчининг лицензияланадиган фаолияти турини бажариш имкониятини тасдиқловчи фойдаланувчи гувоҳнома (сертификат) нусхаси;

ИКАО (Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти)нинг уч рамзли коди ёки шартнома асосида бошқа ташкилотнинг уч рамзли кодидан фойдаланиш ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб этишга йўл қўйилмайди.

11. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Дававианазорат» инспекциясига бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар кичик комиссиянинг масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги сана ҳақида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Кичик комиссия масъул котиби вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини кичик комиссия раиси томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

12. Ишончли бўлмаган ёки сохталаштирилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорига йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим «Дававианазорат» инспекциясининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик шахс ёки жисмоний шахс унинг ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда берилган аризадан воз кечганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинадиган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Кичик комиссия ариза олинган кундан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва Комиссияга тасдиқлаш учун лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Зарур ҳолларда, кичик комиссия қарорига кўра «Дававианазорат» инспекцияси

жойларга бориб лицензия талабгори томонидан лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятларини ўрганишга ҳақлидир.

15. «Дававианазорат» инспекцияси лицензия талабгорини тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи лицензия битими «Дававианазорат» инспекцияси билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

фойдаланиш учун руҳсат этилган ҳаво йўналишлари рўйхати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Дававианазорат» инспекцияси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Дававианазорат» инспекцияси учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланиш даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда «Дававианазорат» инспекцияси буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун «Дававианазорат» инспекцияси раҳбари жавоб беради.

17. Лицензия «Дававианазорат» инспекцияси томонидан лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензия Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

18. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида «Дававианазорат» инспекциясига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек кичик комиссия мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ са-

баблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда кичик комиссия ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва Комиссияга тасдиқлаш учун лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан тақдим этади.

Комиссия кичик комиссия таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Дававианазорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат кўрсатиб ўтилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. «Дававианазорат» инспекцияси лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдо-рида йиғим ундирилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Дававианазорат» инспекциясига лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлишидан камида икки ой олдин берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

26. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Дававианазорат» инспекцияси томонидан амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Дававианазорат» инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

кичик комиссияга кўриб чиқиш учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор киритиш;

маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишларида йўловчилар ҳамда юкларни ташишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан лицензиясиз фаолиятни амалга ошириш ҳоллари аниқланганлиги тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Дававианазорат» инспекциясининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Дававианазорат» инспекциясида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш кичик комиссия томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Кичик комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини

тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда кичик комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш Комиссия қарорига кўра, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

32. Лицензияни бекор қилиш Комиссия қарорига кўра, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

33. «Дававианазорат» инспекцияси лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

лицензия умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг муддатини узайтириш, лицензиянинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклаш асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилиш асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

34. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида «Дававианазорат» инспекциясига ҳақ тўлаган ҳолда олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Дававианазорат» инспекцияси ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божини тўлаш тартиби

35. Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини лицензия талабгорининг

аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга узайтириш чоғида давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддати камайишига мутаносиб тарзда камай-тирилади.


Лицензиялар берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари «Дававианазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва куйидаги тартибда тақсимланади:

20 фоизи — «Дававианазорат» инспекцияси таъминотиغا;

80 фоизи — республика бюджетига.

Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлар бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
3-ИЛОВА

Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Аэропортларда ҳаво кемаларига тижорат асосида амалга ошириладиган ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти лицензияланиши керак.

Лицензия талабгорига аниқ аэропортда (аэродромда) парвозларга, шунингдек ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ техник ва технологик таъминотнинг муайян турларини (ҳам бутун комплекс, ҳам унинг таркибий қисмларини) амалга оширишга бериладиган ҳуқуқ аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялашнинг мавзуи ҳисобланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

ҳаво кемаларининг учиши-қўнишини таъминлаш (аэродром, электротехник, радиотехник, метеорологик, штурманлик, орнитологик, қидирув ва авария-қутқарув таъминоти, парвозларни бошқаришни, аэронавигация ахбороти билан ва авиация хавфсизлигини таъминлаш);

ҳаво кемаларининг авиация-техника таъминоти;

ҳаво кемаларининг авиация-ёқилғи таъминоти;

ҳаво кемаларининг юкланишини (юки туширилишини) таъминлаш.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Авиация транспорти соҳасида лицензиялаш бўйича кичик комиссия (кейинги ўринларда кичик комиссия деб аталади) эксперт хулосалар ҳамда Комиссиянинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш ёки тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

«Дававианазорат» инспекцияси кичик комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

4. Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Аэропортлардаги ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган қисмларига берилади.

6. Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия камида 5 йил муддат-

га берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига, аэропортларда ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш қоидаларига мажбурий риоя қилиш;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва амал қилинадиган ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

ҳаво кемалари ва уларнинг асбоб-ускуналарини, аэродромларни, аэродромлар ва аэропортларнинг асбоб-ускуналарини, ҳаво ҳаракатини бошқариш воситаларини парвозларни ерда таъминлаш ва ҳаво кемаларига техника хизмати кўрсатиш воситаларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш, уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;

фуқаро авиацияси объектлари иншоотлари, ердаги авиация техникаси, механизациялар ва транспорт воситаларидан хавфсиз фойдаланилишини таъминлаш;

лицензияланадиган фаолиятнинг лицензияда кўрсатилган ҳаракат зонаси доирасида амалга оширилиши;

шартномалар тузишда — мижозларнинг талабига кўра ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни ўтказиш пайтида — назорат қилувчи органларга лицензияни тақдим этиш;

«Дававианазорат» инспекциясининг талабига кўра лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур ахборотни унга тақдим этиш.

Лицензия битимида мазкур бандда санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади: юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, жисмоний шахс учун — тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

аэропорт (аэродром)нинг мувофиқлик сертификати нусхаси — зарур бўлганда;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун объектлар, бинолар ва асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва тайёрлаб қўйилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Дававианазорат» инспекциясига бевосита ёхуд олинганлиги маълум қилинган ҳолда почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар кичик комиссия масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги сана ҳақида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Кичик комиссия масъул котиби вақтинча бўлмаган тақдирда, унинг функцияларини кичик комиссия раиси томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки сохталаштирилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун: жисмоний шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориди; бештагача ва бешта транспорт воситасига хизмат кўрсатувчи юридик шахслардан — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди, бештадан ортиқ транспорт воситасига хизмат кўрсатувчи юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Дававианазорат» инспекциясининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик ва жисмоний шахслар ҳужжатларни кўриб чиқиш даврида берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

12. Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Кичик комиссия ариза олинган кундан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклиф билан тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Зарур ҳолларда кичик комиссия қарорига кўра «Дававианазорат» инспекцияси жойларга бориб лицензия талабгори томонидан лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятини ўрганишга ҳақлидир.

13. «Дававианазорат» инспекцияси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи лицензия битими «Дававианазорат» инспекцияси билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган аниқ фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатдан талаб этиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини «Дававианазорат» инспекцияси томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Дававианазорат» инспекцияси учун бир нусхадан тузилади.

14. Лицензия бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланиш даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда «Дававианазорат» инспекциясининг буюртмасига қўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун «Дававианазорат» инспекцияси раҳбари жавоб беради.

15. Лицензия «Дававианазорат» инспекцияси томонидан, лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензия Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида «Дававианазорат» инспекциясига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек «Дававианазорат» инспекцияси мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

19. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда кичик комиссия ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун муддатда улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклиф билан тегишли қарор протоколи лойиҳасини Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва дубликат бериш

20. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Дававианазорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Дававианазорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

21. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат кўрсатиб ўтилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

22. «Дававианазорат» инспекцияси лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Дававианазорат» инспекциясига лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлишидан икки ой олдин берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Дававианазорат» инспекцияси томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Дававианазорат» инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

кичик комиссиянинг кўриб чиқиши учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор киритиш;

аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш фаолияти лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Дававианазорат» инспекциясининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома ўтказилади, далолатноманинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Дававианазорат» инспекциясида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш кичик комиссия томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Кичик комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда,

кичик комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдориди жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдориди жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдориди жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестрлари

31. «Дававианазорат» инспекцияси лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, яшаш жойи, телефони;

лицензиялар берилган сана ва уларнинг тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

32. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида «Дававианазорат» инспекциясига ҳақ тўлаган ҳолда олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридидаги тўлов «Дававианазорат» инспекциясининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби

33. Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрса-

тиш фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга узайтириш чоғида давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддати камайишига мутаносиб тарзда камай-тирилади.


Лицензиялар берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари «Дававианазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва қуйидаги тарзда тақсимланади:

20 фоизи — «Дававианазорат» инспекцияси таъминотиغا;

80 фоизи — республика бюджетига.

Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Аэропортларда ҳаво кемаларига ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
4-ИЛОВА

Авиация ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом авиация ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Тижорат асосида амалга ошириладиган авиация ишларини бажариш фаолияти лицензияланиши керак.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Авиация транспорти соҳасида лицензиялаш бўйича кичик комиссия (кейинги ўринларда кичик комиссия деб аталади) эксперт хулосалар ҳамда Комиссиянинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

«Дававианазорат» инспекцияси кичик комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

4. Авиация ишларини бажариш фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига мувофиқ «Дававианазорат» инспекцияси томонидан белгиладиган авиация хизматлари рўйхатига биноан авиация ишларига тегишли қисмларига берилади.

6. Авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия камида 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига, авиация ишларини бажариш қоидаларига мажбурий риоя қилиш;

лицензияладиган фаолиятни амалга ошириш учун амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур гувоҳномалар, сертификатлар ва бошқа ҳужжатларнинг мавжудлиги;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва амал қилинадиган ҳужжатлар талабларига риоя этиш;

ҳаво кемалари ва уларнинг асбоб-ускуналарини, аэродромларни, аэродромлар ва аэропортларнинг асбоб-ускуналарини, ҳаво ҳаракатини бошқариш воситаларини парвозларни ерда таъминлаш ва ҳаво кемаларига техника хизмати кўрсатиш воситаларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш, уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;

шартномалар тузишда — миждозларнинг талабига кўра ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш пайтида — назорат қилувчи органларга лицензияни тақдим этиш;

«Дававианазорат» инспекциясининг талабига кўра лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур ахборотни унга тақдим этиш.

Лицензия битимида мазкур бандда санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади: юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, жисмоний шахс учун — тadbиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

ариза кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан «Дававианазорат» инспекциясига бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар кичик комиссиянинг масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги сана ҳақида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Кичик комиссия масъул котиби вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини кичик комиссия раиси томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

10. Ишончли бўлмаган ёки сохталаштирилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси «Дававианазорат» инспекциясининг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик ёки жисмоний шахснинг ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

12. Авиация ишларини бажариш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Кичик комиссия ариза олинган кундан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва тасдиқлаш учун Комиссияга қарорнинг тегишли протокол лойиҳаси билан бирга, лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Зарур ҳолларда кичик комиссия қарорига кўра «Дававианазорат» инспекцияси жойларга бориб лицензия талабгори томонидан лицензия талаблари ва шартларини бажариш имкониятини ўрганишга ҳақлидир.

13. «Дававианазорат» инспекцияси лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи лицензия битими «Дававианазорат» инспекцияси билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия бериладиган аниқ фаолият турининг номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатдан талаб этиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилиши устидан «Дававианазорат» инспекциясининг назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва «Дававианазорат» инспекцияси учун бир нусхадан тузилади.

14. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ва «Дававианазорат» инспекциясининг буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензия бланкалари ҳисобга оли-

ниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун «Дававианазорат» инспекцияси раҳбари жавоб беради.

15. Лицензия «Дававианазорат» инспекцияси томонидан, лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензия Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида «Дававианазорат» инспекциясига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек «Дававианазорат» инспекцияси мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

19. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда кичик комиссия ҳужжатлар қайта тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклиф билан тегишли қарор протоколи лойиҳасини Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ва дубликат бериш

20. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Дававианазорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш

жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда «Дававианазорат» инспекциясига кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

21. Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат кўрсатиб ўтилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

22. «Дававианазорат» инспекцияси лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза «Дававианазорат» инспекциясига лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлишидан икки ой олдин берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «Дававианазорат» инспекцияси томонидан амалга оширилади.

26. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда «Дававианазорат» инспекцияси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилаш;

кичик комиссияга кўриб чиқиш учун лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор киритиш;

авиация ишларини бажариш фаолияти лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоратадбирларни кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида «Дав-авианазорат» инспекциясининг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома ўтказилади, далолатноманинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси «Дававианазорат» инспекциясида қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

28. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш кичик комиссия томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Кичик комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, кичик комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда кичик комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестрлари

31. «Дававианазорат» инспекцияси лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари, яшаш жойи, телефони;

лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

32. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида «Дававианазорат» инспекциясига ҳақ тўлаб олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов «Дававианазорат» инспекциясининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби

33. Авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга узайтириш чоғида давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддати камайишига мутаносиб тарзда камайтирилади.


Лицензиялар берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари «Дававианазорат» инспекциясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва қуйидаги тарзда тақсимланади:

20 фоизи — «Дававианазорат» инспекцияси таъминотига;

80 фоизи — республика бюджетига.

Авиация ишларини бажариш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Авиация ишларини бажариш фаолиятини
лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни
шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар
бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибini белгилайди.

2. Тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолияти лицензияланиши керак.

Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ва Ҳукуматнинг қарорлари бўйича авария-қутқариш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ва мурувват юклари етказиб берилиши талаб этилиши билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

3. Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишга лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Автомобиль транспорти ва дарё транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича кичик комиссия (кейинги ўринларда кичик комиссия деб аталади) эксперт хулосалар ва йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишга Комиссиянинг юридик ва жисмоний шахслар бўйича лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади. Кичик комиссия лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) кичик комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

4. Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда ва шаҳар атрофи йўналишларида ташишга лицензиялар бериш ва бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) томонидан қабул қилинади.

Ҳудудий комиссия таркибига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари), Агентлик ҳудудий бўлимининг масъул ходимлари, Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати ва Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бўлинмалари вакиллари киради. Ҳудудий комиссияга Агентлик

худудий бўлимнинг раҳбари бошчилик қилади. Зарур ҳолларда худудий Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Агентликнинг худудий бўлими худудий комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради, тегишли ҳужжатлар билан биргаликда лицензиялар талабгорларининг аризаларини қабул қилади, улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун худудий комиссияга юборади, лицензияларни расмийлаштиради ва/ёки қайта расмийлаштиради, лицензия битими тузади, лицензиялар реестрини юритади, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилади, лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди ва тиклайди.

Агентлик автомобиль траспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида ташиш фаолиятини лицензиялашнинг мазкур Низомда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиниши учун жавоб беради.

5. Автомобиль траспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига, ёхуд унинг қуйидаги қисмларига берилади:

- йўловчиларни автобусларда шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш;
- йўловчиларни микроавтобусларда шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш;
- йўловчиларни енгил автомобилларда шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш;
- йўловчиларни автобусларда шаҳарлараро ташиш;
- йўловчиларни микроавтобусларда шаҳарлараро ташиш;
- йўловчиларни енгил автомобилларда шаҳарлараро ташиш;
- йўловчиларни автобусларда халқаро йўналишларда ташиш;
- йўловчиларни микроавтобусларда халқаро йўналишларда ташиш;
- йўловчиларни енгил автомобилларда халқаро йўналишларда ташиш;
- автомобиль траспортида юкларни шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш;
- автомобиль траспортида юкларни шаҳарлараро йўналишларда ташиш;
- автомобиль траспортида юкларни халқаро йўналишларда ташиш.

Лицензиатнинг ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия билан биргаликда лицензия карточкаси берилади. Лицензия карточкаларини бериш тартиби Комиссия томонидан белгиланади.

Лицензиатнинг лицензия карточкалари билан таъминланмаган автомобиль траспортидан фойдаланган ҳолда олган даромади (фойдаси) ноқонуний ҳисобланади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджетга олиб қўйилиши керак.

6. Лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ҳар бир автотранспорт воситасига лицензия карточкаси лицензиянинг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга берилади. Агар ашёвий ҳуқуқларнинг ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати лицензиянинг амал қилиш муддатидан кам бўлса, лицензия карточкасининг амал қилиш муддати ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати билан чекланади. Лицензия карточкасининг амал қилиши лицензия карточкаси берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қуйидагилар автомобиль траспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

- а) лицензиат томонидан автотранспорт воситаларидан фойдаланишда, уларни шайлашда қонун ҳужжатларига, ташиш қоидаларига мажбурий риоя қилиниши, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши;
- б) юридик шахснинг штатида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган, тегишли лавозимни эгаллаш ҳуқуқи учун Комиссия томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтган мансабдор шахсларнинг мавжуд бўлиши;
- в) лицензиат фойдаланаётган ҳар бир автотранспорт воситасида лицензия карточкаси мавжуд бўлишини таъминлаш;
- г) якка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахс ходимларининг автомобиль транспортида тегишли ташишларни амалга ошириш чоғида қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги;
- д) қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли ташилиши;
- е) автовокзаллар, автостанциялар билан шартнома асосида йўловчиларни автомобилда мунтазам ташиш (енгил таксилардан ташқари);
- ж) ташиш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш, автотранспорт воситасини техник соз ҳолатда сақлаш, уни асраш, техник кўриқдан ўтказиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, автотранспорт воситаларини йўлга чиқишдан олдин техник кўриқдан ўтказиш ва ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш;
- з) янгидан олинаётган ва тўлдириляётган автотранспорт воситаларига лицензиатлар томонидан қўшимча лицензия карточкалари ўз вақтида олинishi;
- и) халқаро йўналишда автомобилда ташишларни амалга ошираётган автотранспорт воситаларида сервис устахонасининг тамғаси билан биргаликда назорат приборлари (тахографлар) мавжуд бўлиши.

Лицензия битимида мазкур бандда санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лиценезия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, паспортга оид маълумотлар ва ҳайдовчилик гувоҳномаси; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;
- б) юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тасдиқланган нусхаси; жисмоний шахс учун — якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- в) мавжуд автотранспорт воситаларининг мулк ҳуқуқи, бошқа ашёвий ҳуқуқлар ёки ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотлари, шунингдек Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг тегишли бўлинмаси томонидан берилган автотранспорт воситаси техник жиҳатдан соз эканлиги тўғрисида белги қўйилган автотранспорт воситаси техник паспортининг ёки автотранспорт воситалари гуруҳи техник кўриқдан ўтказилганлиги далолатномасининг (юридик шахслар учун) ёхуд якка бир транспорт воситасининг кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатноманинг (якка тартибдаги тадбиркорлар учун) нусхаси;
- г) лицензия талабгорида ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ва автотранспорт

воситаларини техник кўриқдан ўтказиш ёхуд лицензия талабгорининг тегишли ихтисосликдаги ташкилот билан унга тиббий кўриқ ва техник кўриқдан ўтиш имконияти берилиши тўғрисидаги шартномаси нусхаси мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар;

д) якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ходимлари малакасининг белгиланган талаблари ва шартларига мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

е) юридик шахслар учун — юридик шахснинг йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланиши учун масъул бўлган мансабдор шахсларининг тегишли аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

ж) лицензия талабгори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб этишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар Агентликка лицензия талабгорлари томонидан автомобиль транспортда йўловчилар ва юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш учун (Агентликнинг ҳудудий бўлимига — лицензия талабгорлари томонидан автомобиль транспортда йўловчилар ва юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш учун) бевоқифа, ёхуд улар олинганлигини тасдиқловчи билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали бериллади.

Ҳужжатлар кичик комиссия (ҳудудий комиссия) масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади. Рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Кичик комиссия (ҳудудий комиссия) масъул котиби вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини кичик комиссия раиси (ҳудудий бўлинма раҳбари) томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

§ 1. Асосий қоидалар

10. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун: жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди; ўнтагача автотранспорт воситасидан фойдаланувчи юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди, ўнта ва ундан ортиқ автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи юридик шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади.

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Агентликнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик ёки жисмоний шахс ўз ҳужжатларини кўриб чиқиш даврида берилган аризадан воз кечган тақдирда йиғим қайтарилмайди.

12. Автомобиль транспортда йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларда келтирилган схемаларга мувофиқ амалга оширилади.

13. Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш

даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари намуналари Агентлик томонидан ишлаб чиқилади, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда Агентлик буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади. Лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун Агентлик раҳбари жавоб беради.

Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофидаги йўналишлар бўйича ташиш лицензия бланкалари ва лицензия карточкалари Агентлик томонидан ҳудудий бўлимларга улар томонидан ҳисоботни таъминлаш шарти билан берилади.

§ 2. Юридик ва жисмоний шахслар учун автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензияларни бериш тартиби

14. Юридик ёки жисмоний шахсга — лицензия талабгорига автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Кичик комиссия ариза олинган кундан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун Комиссияга қарорнинг тегишли баённома лойиҳаси билан бирга лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор баённомаси Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Агентлик лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

15. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақамининг реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензия ва лицензия карточкаси Агентлик томонидан лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади.

Лицензия Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва лицензиатларга Агентлик томонидан берилади.

16. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида Агентликка лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда, Комиссия лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни баргараф этиб ҳужжат-

ларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

18. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек кичик комиссия ва/ёки Агентлик мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

19. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда кичик комиссия ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олинган кундан тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгида берилган ариза деб ҳисобланади.

§ 3. Юридик ва жисмоний шахслар учун автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензияларни бериш тартиби

20. Юридик ёки жисмоний шахсга автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда ва шаҳар атрофида ташишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳудудий комиссия томонидан қабул қилинади.

Агентликнинг ҳудудий бўлими ариза олинган кундан бошлаб 5 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва Ҳудудий комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди.

Ҳудудий комиссия ҳудудий бўлимининг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қарор қабул қилиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Ҳудудий комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи ҳудудий комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Агентликнинг ҳудудий бўлими лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Лицензия ва лицензия қарточкалари лицензия талабгори томонидан давлат божи

тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин икки кун муддатда Агентликнинг ҳудудий бўлими томонидан расмийлаштирилади.

Лицензиялар ва лицензия карточкалари ҳудудий комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади ва лицензиатларга Агентликнинг ҳудудий бўлими томонидан берилади.

21. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан бошлаб уч ой мобайнида Агентликнинг ҳудудий бўлимига лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда, Ҳудудий комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

22. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек кичик комиссия ва/ёки Агентлик мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

23. Лицензияни бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

24. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Агентликнинг ҳудудий бўлими ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида Ҳудудий комиссиянинг мажлисида кўриб чиқиш учун улар бўйича эксперт хулосаси тайёрлайди.

Ҳудудий комиссия эксперт хулосаси олингандан кейин бир ҳафта муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди Ҳудудий комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи ҳудудий комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза деб ҳисобланади.

V. Лицензия битимлари, лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

25. Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи лицензия битимлари — йўловчиларни ҳамда юкларни шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини амалга ошириш юзасидан Агентлик ва лицензиат ўртасида, йўловчиларни ҳамда юкларни шахарда ва шахар атрофида ташиш фаолиятини амалга ошириш юзасидан Агентликнинг ҳудудий бўлими ва лицензиат ўртасида тузилади ҳамда уларда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари; амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг (ёки фаолият тури қисмларининг) номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатдан талаб этиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилиши устидан Агентлик (худудий бўлим)нинг назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва Агентлик (худудий бўлими) учун бир нусхадан тузилади.

26. Лицензиат — қайта ташкил этилган юридик шахс, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарлараро ва/ёки халқаро йўналишларда ташиш бўйича лицензит ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида Агентликка (автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензиат – Агентликнинг худудий бўлимига) ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарлараро ва/ёки халқаро йўналишларда ташиш бўйича лицензиат рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида Агентликка (автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензиат – худудий бўлимига) ариза бериши шарт.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат кўрсатиб ўтилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

27. Агентлик лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш Агентлик томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярами миқдорида йиғим ундирилади.

28. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензиат томонидан Агентликка (худудий бўлимига) лицензиянинг амал қилиш муддати тавом бўлишига қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

29. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғри-

сидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорда йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш

30. Лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишда Агентлик (худудий бўлим):

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўлувчи масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузади;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқаради, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилайди;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни Комиссия (Худудий комиссия)нинг кўриб чиқиши учун киритади;

автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юборади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

31. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда: автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш бўйича – кичик комиссия томонидан, автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш бўйича — Агентликнинг худудий бўлими томонидан амалга оширилади.

Кичик комиссия (Худудий комиссия)нинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, кичик комиссия (худудий комиссия) лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорда жавоб беради.

32. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташиш бўйича — Комиссиянинг

қарорига кўра, автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш бўйича — ҳудудий комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссия (Ҳудудий комиссия)нинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия (ҳудудий комиссия) лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдоридида жавоб беради.

33. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳарлар-аро ва халқаро йўналишларда ташиш бўйича — Комиссиянинг қарорига кўра, автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳар ва шаҳар атрофида ташиш бўйича — Ҳудудий комиссиянинг қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссия (Ҳудудий комиссия)нинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия (ҳудудий комиссия) лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдоридида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

34. Агентлик (ҳудудий бўлим) белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, телефони;

лицензия берилган сана ва унинг тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

35. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида Агентликка (ҳудудий бўлимга) ҳақ тўлаб олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридидаги тўлов Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби

36. Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда ташишга лицензиялар берилганлиги ва


уларнинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади. Автотранспорт воситалари сони тўлдирилган (қўпайтирилган) тақдирда давлат божи ҳар бир лицензия карточки учун қўшимча равишда ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга узайтириш чоғида давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддати камайишига мутаносиб равишда камайтирилади.

Лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, унинг 40 фоизи республика бюджетига йўналтирилади, қолган маблағлардан Комиссия томонидан белгиланган тартибда шаҳар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришда фойдаланилади, маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган сметага мувофиқ Агентлик харажатларига сарфланадиган қисми бундан мустасно.


Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
1-ЙЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш схемаси (юридик ва жисмоний шахслар)



Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Автомобиль транспортида йўловчилар ҳамда юкларни шаҳарда ва шаҳар атрофида ташиш фаолиятини лицензиялаш схемаси (юридик ва жисмоний шахслар)



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
6-илова

Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилаб беради.

2. Тижорат асосида амалга ошириладиган йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолияти лицензияланиши керак.

Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўйган табиий офатлар, эпидемиялар, йирик авариялар оқибатларини тугатиш ва Ҳукуматнинг қарорлари бўйича авария-қутқариш ва тиклаш ишлари амалга оширилиши ва мурувват юклари етказиб берилиши талаб этилиши билан боғлиқ ташишларни амалга оширишга, шунингдек «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасида назарда тутилган корхоналар ва муассасаларга лицензия олиш талаб этилмайди.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) томонидан қабул қилинади. Зарур ҳолларда Комиссия қарорлари сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Автомобиль ва дарё транспорти соҳасида лицензиялаш бўйича кичик комиссия (кейинги ўринларда кичик комиссия деб аталади) эксперт хулосалар ҳамда Комиссиянинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ёхуд бекор қилиш тўғрисидаги қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди ва уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади. Кичик комиссия лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) кичик комиссиянинг ишчи органи функциясини бажаради.

4. Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия умуман фаолият турига ёхуд унинг қуйидаги бир қисмига (қисмларига) берилади:

дарё транспортида йўловчиларни ташишга;

дарё транспортида юкларни ташишга.

5. Лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра 5 йилдан кам муддатга берилиши мумкин. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

6. Қуйидагилар йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) лицензиат томонидан дарё транспорти соҳасидаги қонун ҳужжатларига, кемалар қатнайдиغان ички йўлларда сузиш қоидаларига мажбурий риоя қилиниши,

аварияларнинг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиши, сув хавзаларидаги тўхташ жойларида хавфсизликни таъминлаш;

б) кема гувоҳномаси, малака гувоҳномаси, сузишга яроқлилиқ тўғрисидаги гувоҳнома, нефть, оқова сувлар ва ахлат билан ифлосланишнинг олдини олиш тўғрисидаги гувоҳнома, кеманинг санитария гувоҳномаси мавжудлиги;

в) ташиш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги талаблари бажарилиши, сузиш воситаларининг техник жиҳатдан соз ҳолатда сақланиши, унинг асралиши, Агентликнинг Кема Регистри ва Кема Инспекцияси бўлими томонидан текшириш ўтказилиши, техника хавфсизлиги таъминланиши.

7. Лицензия битимида мазкур Низомнинг 6-бандида санаб ўтилганлардан аниқ лицензия талаблари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи маълумотлар; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ва фаолиятнинг мазкур тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) юридик шахс учун — юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг; жисмоний шахс учун — яққа тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

в) кема гувоҳномаси, малака гувоҳномаси, сузишга яроқлилиқ тўғрисидаги гувоҳнома, нефть, оқова сувлар ва ахлат билан ифлосланишнинг олдини олиш тўғрисидаги гувоҳнома, кеманинг санитария гувоҳномаси нусхалари илова қилинган ҳолда мавжуд сузиш воситалари тўғрисидаги маълумотлар;

г) сузиш воситасининг командирлар таркиби аъзоларида уларнинг муайян лавозимлар билан шуғулланиш ҳуқуқини тасдиқловчи сузиш воситалари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

д) амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда сузиш воситаларидан фойдаланишга мулкӣ ҳуқуқни ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат;

е) лицензия талабгорида кема экипажи аъзолари соғлиғига кўра сузиш воситаларида ишлаш учун яроқлилигини тасдиқловчи санитария паспортлари ёки бошқа ҳужжат мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

ж) лицензия талабгори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатлар тақдим этилишини талаб этишга йўл қўйилмайди.

9. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан Агентликка бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб бериледи.

Ҳужжатлар кичик комиссия масъул котиби томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, унинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Кичик комиссия масъул котиби вақтинча бўлмаган тақдирда унинг функцияларини кичик комиссия раиси томонидан белгиланадиган шахс бажаради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

10. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун: жисмоний шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди; ўнтагача сузиш воситасидан фойдаланувчи юридик шахслардан — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдориди, ўнта ва ундан ортиқ сузиш воситаларидан фойдаланувчи юридик шахслардан — энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдориди йиғим ундирилади.

11. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси Агентликнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади. Юридик ёки жисмоний шахс ўз ҳужжатлари кўриб чиқилиши даврида берилган аризадан воз кечган тақдирда йиғим қайтарилмайди.

12. Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини лицензиялаш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Кичик комиссия ариза олинган кундан бошлаб 20 кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади, улар бўйича эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор протоколинини тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор баённомаси Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

13. Агентлик лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

14. Лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгиловчи лицензия битими Агентлик билан лицензиат ўртасида тузилади ва унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият турининг (ёки фаолият тури қисмларининг) номи;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилиши устидан Агентликнинг назорат қилиши тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва Агентлик учун бир нусхадан тузилади.

15. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисоб-

ланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари намуналари Агентлик томонидан ишлаб чиқиладди, Комиссия томонидан тасдиқланади ҳамда Агентликнинг буюртмасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Лицензия бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун Агентлик раҳбари жавоб беради.

Лицензия Агентлик томонидан, лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ва лицензия битимини имзолагандан кейин икки кун муддатда расмийлаштирилади ва берилади.

Лицензия Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

16. Лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида Агентликка лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаган ёхуд лицензия битимини имзоламаган тақдирда Комиссия лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

17. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори лицензия бериш рад этилиши тўғрисидаги қарор, шунингдек кичик комиссия ва/ёки Агентлик мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

18. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

19. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси билан биргаликда барча зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда кичик комиссия ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин олти кун мобайнида улар юзасидан эксперт хулосасини тайёрлайди ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклиф билан тегишли қарор протоколи лойиҳаси билан Комиссияга тасдиқлаш учун тақдим этади.

Комиссия кичик комиссиянинг таклифи олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди. Комиссия томонидан қабул қилинган қарор протоколи Комиссия раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йўғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

21. Лицензиат — юридик шахс қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий

вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда Агентликка кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда Агентликка кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензиянинг қайта расмийлаштирилиши тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар лицензиат кўрсатиб ўтилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

22. Агентлик лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш Агентлик томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

23. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензиат томонидан Агентликка лицензиянинг амал қилиш муддати тамом бўлишидан икки ой олдин берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

24. Йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келиб қолган амал қилиш муддати тугамаган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

25. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда Агентлик (худудий бўлим):

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширади;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонунда белгиланган тартибда режадан ташқари текширади;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўрайди ва олади;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузади;

лицензиатга аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини

юкловчи қарорлар чиқаради, бундай қонун бузилишларини бартараф этиш муддатларини белгилайди;

лицензиат — юридик шахснинг лицензияси амал қилишини, тўхтатиш ёхуд лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарорни кўриб чиқиш учун кичик комиссияга киритади;

дарё транспорти соҳасида йўловчилар ва юклар ташиш фаолиятининг лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юборади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

26. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш кичик комиссия томонидан «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Кичик комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, кичик комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

27. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

28. Лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Комиссия қарорига кўра амалга оширилади.

Комиссиянинг лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияни бекор қилиш асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, Комиссия лицензиат олдида лицензиатга етказилган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестрлари

29. Агентлик белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, телефони;

лицензиянинг берилган санаси ва унинг тартиб рақами;

лицензияларнинг амал қилиш муддати;

умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига лицензия бериш тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асоси ва санаси;

лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат беришнинг асослари ва санаси.

30. Лицензиялар реестридаги мавжуд маълумотлар юридик ва жисмоний шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади, юридик ва жисмоний шахслар лицензиялар реестридан маълумотларни аниқ лицензиатлар тўғрисидаги кўчирма сифатида Агентликдан ҳақ тўлаб олишга ҳақлидир.

Лицензиялар реестридан ахборот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов Агентликнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига лицензиялар реестридан ахборот текин берилади.

IX. Давлат божи тўлаш тартиби


31. Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш фаолиятини амалга оширишга лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун давлат божи Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорларда ундирилади.

Лицензия бериш ва унинг амал қилиш муддатини лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам бўлган муддатга узайтириш чоғида давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддати камайишига мутаносиб тарзда камайтирилади.

Лицензия берилганлиги учун ундириладиган давлат божи маблағлари Агентликнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади, унинг 40 фоизи республика бюджетига йўналтирилади, қолган маблағлардан Комиссия томонидан белгиланган тартибда шаҳар йўловчилар ташиш транспортини ривожлантиришда фойдаланилади, маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган сметага мувофиқ Агентлик харажатиغا сарфланадиган қисми бундан мустасно.

Йўловчилар ва юкларни дарё
транспортда ташиш фаолиятини
лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Йўловчилар ва юкларни дарё транспортда ташиш
фаолиятини лицензиялаш схемаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Транспорт соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини
берувчи лицензиялар берилганлиги учун давлат божи
миқдорлари**

Фаолият турлари	Бож миқдори (энг кам ойлик иш ҳақининг баравари миқдорида)
1. Темир йўл транспорти	
маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича йўловчилар ва юкларни ташиш	250
маҳаллий йўналишлар бўйича йўловчиларни ташиш	30
халқаро йўналишлар бўйича йўловчиларни ташиш	45
маҳаллий йўналишлар бўйича юкларни ташиш	50
халқаро йўналишлар бўйича юкларни ташиш	100
2. Ҳаво транспорти	
маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчилар ва юкларни ташиш	3600
маҳаллий ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ташиш	20
халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ташиш	1520
маҳаллий ҳаво йўналишлари бўйича юкларни ташиш	20
халқаро ҳаво йўналишлари бўйича юкларни ташиш	2020
халқаро аэропортларда ҳаво кемаларига ҳаво транспортида ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти	2900
минтақавий аэропортларда ҳаво кемаларига ҳаво транспортида ташиш ишлари билан боғлиқ хизмат кўрсатиш фаолияти	240
авиация ишларини бажариш	300
моддаларни ва биологик объектларни сепиш	50
ҳаводан суратга олиш, кузатиш ва патруллик қилиш	50
қурилиш-монтаж ишлари	50
аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва санитария тадбирларини амалга оширишга доир парвозлар	50
бориш қийин бўлган жойларга одамлар ва юкларни етказиш	50
парашютчилар десантини ташиш	50
3. Автомобиль транспорти	
йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш	250*
йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш:	
Автобусларда	8**
Микроавтобусларда	30**
енгил автомобилларда	40**
йўловчиларни шаҳарда ва шаҳар атрофидаги йўналишлар бўйича ташиш:	
Автобусларда	2**
Микроавтобусларда	10**
енгил автомобилларда	12**

Фаолият турлари	Бож миқдори (энг кам ойлик иш ҳақининг баравари миқдорида)
-----------------	---

3. Автомобиль транспорти

йўловчиларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш:	
Автобусларда	3**
Микроавтобусларда	12**
енгил автомобилларда	15**
йўловчиларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш:	
Автобусларда	5**
Микроавтобусларда	15**
енгил автомобилларда	20**
юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш	25***
юкларни шаҳарда, шаҳар атрофидаги йўналишлар бўйича ташиш	6***
юкларни шаҳарлараро йўналишлар бўйича ташиш	9***
юкларни халқаро йўналишлар бўйича ташиш	12***

Дарё транспорти

йўловчиларни ва юкларни ташиш	70
йўловчиларни ташиш	50
юкларни ташиш	25

Изоҳлар:

Давлат божининг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг давлат божини тўлаш кунда белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда беш йилга белгиланган. Лицензия беш йил муддатдан кам муддатга берилганда давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиши муддатининг камайишига мутаносиб равишда камайтирилади.

*) Ҳар бир транспорт воситаси бирлиги учун давлат божи миқдори.

**) Давлат божи миқдори автомобилдаги ҳар бир ўриндик учун белгиланади.

***) Давлат божи миқдори ҳар бир юк кўтариш қуввати бирлиги учун белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига
9-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 12 майдаги 175-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 5-сон, 14-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатиш ҳукуқи учун давлат поштинаси миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 19 февралдаги 89-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 2-сон, 6-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

лаш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 482-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 34-модда) 1-бандининг «д» ва «е» кичик бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимлар ундиришни тартибга солиш тўғрисида» 1997 йил 23 октябрдаги 483-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 10-сон, 35-модда)нинг 4-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 14 августдаги 349-сон қарорига илованинг 3-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1999 йил 28 июлдаги 363-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 43-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ ташкил этилган комиссиялар ва кенгашлар таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2000 йил 30 сентябрдаги 374-сон қарорига 24-илова.

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 16 июндаги 255-сон қарориди:

а) 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳаво транспорти соҳасидаги фаолиятни сертификатлаш ва лицензиялашни ташкил этиш»;

б) 5-банднинг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Транспорт ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат поштиналари миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида» 1997 йил 19 февралдаги 89-сон қарорига мувофиқ авиация транспорти хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берганлик учун давлат божи бир қисми (20 фоиз)» сўзлари «ҳаво транспорти соҳасида фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағларининг бир қисми» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳаво транспорти соҳасида фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим»;

в) «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низом»да (қарорга 1-илова) 4-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ҳаво транспорти соҳасида фаолиятни лицензиялашни ташкил этиш».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 11 июлдаги 296-сон қарори 7-бандининг иккинчи ва учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«автомобиль ва дарё транспортида фаолиятни амалга оширишга лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағларининг бир қисми;

«автомобиль ва дарё транспортида фаолият турларини амалга оширишга лицензиялар бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида транспорт-экспедициялик фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 9 сентябрдаги 348-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 56-модда)га иловада:

- 12-банддаги «лицензиялаш» сўзи чиқариб ташлансин;
VII боб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
20-бандда иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
22-банддаги «ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан транспорт-экспедиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун берилган тегишли лицензияга эга бўлишлари шарт» сўзлари чиқариб ташлансин;
23-банддаги «ва тегишли лицензияга эга бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 109-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 15-модда)да:
3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«темир йўл транспортида йўловчилар ва юклар ташишга лицензиялар берганлик учун давлат божи маблағларининг бир қисми;
темир йўл транспортида йўловчилар ва юклар ташишга лицензиялар бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиққанлик учун йиғим»;
9-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
3-илова 5-бандининг тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«темир йўл транспортида йўловчилар ва юклар ташиш фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензиялашни ташкил этиш».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

132 «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармонига мувофиқ ҳамда умумий фойдаланиладиган йўллар самарали сақланиши, таъмирланиши, реконструкция қилиниши ва қурилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 29 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1* ва 2-иловаларга мувофиқ;

йўл-қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотларининг (кейинги ўринларда матнда ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари деб юритилади) бошқарув ходимларининг чекланган сони 15 нафар бўлган намунавий тузилмаси 3-иловага* мувофиқ;

йўл ҳўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарининг бошқа-

* 1, 3-иловалар берилмайди.

рув ходимларининг чекланган сони 10 нафар бўлган намунавий тузилмаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришнинг юқори органи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланадиган Компания кенгаши ҳисобланади;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимга Компания кенгаши тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

Йўл-қурилиш ҳудудий ташкилотлари раҳбарлари лавозимга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлари тақдимномасига кўра «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тайинланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов Вазирлар Маҳкамасининг Йўл-транспорт коммуникацияларини қуриш ва ривожлантириш комплекси билан биргаликда бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига Компания кенгаши таркиби юзасидан таклифлар киритсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси шартномалар ва мажбуриятлар бўйича «Ўзавтойўл» давлат концернининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг устав фонди умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари асосий фондлари ва ўзгартирилаётган «Ўзавтойўл» давлат концерни мол-мулки ҳисобига ҳосил бўлади;

ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотларининг устав фондлари маҳаллий аҳамиятга (вилоят аҳамиятига) эга бўлган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг уларга бериладиган асосий фондлари, шунингдек ўзгартирилаётган ҳудудий давлат-акциядорлик бирлашмаларининг мол-мулки ҳисобига ҳосил бўлади;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш жараёнида чиқарилган акциялар давлат мулки ҳисобланади ва сотилмаслиги ёки бошқача бегоналаштирилмаслиги керак.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси бир ой муддатда:

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг устави ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни сақлаш билан боғлиқ бўлмаган корхоналарни хатловдан ўтказсинлар ҳамда уларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

6. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотлар йўл ҳўжалиги тизими корхоналари ва ташкилотлари ўзгартирилиши муносабати билан текин оладиган мол-мулк, асосий ва айланма воситалар бўйича даромад (фойда) солиғидан озод қилинсин.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини бошқариш кенгаши таркиби 7-иловага* мувофиқ;

* 4, 7-илвалар берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси Ижро этувчи дирекциясининг ходимларнинг чекланган сони 45 нафар бўлган тузилмаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасининг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

9. Белгилаб кўйилсинки:

Республика йўл жамғармаси маблағларидан қонуний ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасини бошқариш кенгашига юкланади;

Республика йўл жамғармасининг ноқонуний сарфланган ва мақсадли фойдаланилмаган маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғармага ундириб олинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Республика йўл жамғармаси маблағларидан фойдаланилишини текшириб чиқсин, харажатларнинг мақсадли йўналтирилганлиги ва самарадорлигига, шунингдек асбоб-ускуналар ва товар-моддий бойликлар сотиб олишга тузилган контрактларга, шу жумладан импорт контрактларга алоҳида эътиборни қаратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси йўл хўжалиги тизимида танлов савдолари (тендерлар) ташкил этилиши ва ўтказилиши устидан назоратни таъминласин ҳамда танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар бажарилишининг мониторингини олиб борсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси унга Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига маблағлар тўпланишини таъминлаш функциялари юкланганлигини ҳисобга олган ҳолда:

икки ҳафта муддатда ходимларнинг белгиланган сони доирасида марказий аппаратда ходимлар сони 4 кишидан иборат бўлган тегишли бўлим, вилоят бошқармаларида 3 кишидан ортиқ бўлмаган сектор ташкил этсин, шунингдек туман ва шаҳар солиқ инспекциялари тузилмасига зарур ўзгартиришлар киритсин;

2003 йил 1 октябрга қадар Республика йўл жамғармасига маблағлар тушишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш функцияларини бажарувчи кадрларнинг ўқишини ўтказсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 9-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 21 август,
361-сон

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда матнда Жамғарма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 августдаги ПФ–3292-сон Фармони билан ташкил этилган ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш учун мақсадли молиявий ресурсларни жамловчи давлат органи ҳисобланади.

2. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган гербли муҳрга эга бўлади.

4. Жамғарма маблағлари умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш учун, Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси таъминоти учун, шунингдек «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги йўл-қурилиш ҳудудий шўъба ташкилотлари томонидан буюртмачи функцияларини бажариши юзасидан харажатларини қоплаш учун сарфланади.

5. Жамғарманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5.

II. Жамғарманинг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари

6. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш дастурларини ҳамда уларнинг зарур даражадаги техник ҳолатига ва автомобилларни ўтказиш имкониятларига эришишга йўналтирилган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш Жамғарманинг мақсади ҳисобланади.

7. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Республика йўл жамғармаси маблағлари тушиши ва сарфланишининг ҳар йиллик ва чораклик балансларини шакллантириш;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

йўл ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашнинг аниқ рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида фойдаланиш ва уларни сақлаш бўйича харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашни тасдиқланган харажатларга мувофиқ молиялаштириш, Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш.

8. Юкланган вазибалардан келиб чиққан ҳолда жамғарма қўйидаги функцияларни бажаради:

Республика йўл жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ҳар йиллик балансларини ишлаб чиқади ва йиғма Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

Жамғарма келгуси йил харажатларининг тасдиқланган параметрларини «Ўзавто-йўл» давлат-акциядорлик компаниясига, даромадларининг йил чораклари бўйича тақсимланган параметрларини Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ва Давлат божхона қўмитасига етказиш;

Жамғарма даромадларининг тушум манбалари ва республика минтақалари бўйича, шунингдек харажатларининг асосий йўналишлари бўйича ҳисобини олиб боради;

Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Жамғармага тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлаш ишларини олиб боради;

даромадлар тушиши прогнози бажарилишини таҳлил қилади, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда даромадлар тушиши прогнози бажарилишига салбий таъсир кўрсатган омилларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради;

йўл хўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича йиғма аниқ рўйхатларни кўриб чиқади ва «Ўзавто-йўл» давлат-акциядорлик компанияси тасдиқлаши учун розилик беради;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида сақлаш ва таъмирлаш учун харажатлар сметасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш;

«Ўзавто-йўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тақдим этиладиган инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини ҳамда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

ўтказилган экспертиза натижалари бўйича инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларида тендер ҳужжатларидаги қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан хулоса (ёзма кўрсатма) беради;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича «Ўзавто-йўл» давлат-акциядорлик компаниясида, йўл-курилиш ҳудудий шўъба ташкилотларида ва йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарида ҳужжатли текширишлар ва тафтишлар ўтказиш;

текширишлар ва тафтишларда аниқланган қонун бузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек белгиланган тартибда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли жазо чоралари бериш тўғрисида таклифлар киритади;

даромадлар ва харажатларни шакллантириш тартибини, шунингдек Жамғармага ажратмалар ва йиғимлар ставкаларини такомиллаштириш юзасидан мақсадли ишларни олиб боради;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун тегишли органларга киритади;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, муқаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича белгиланган тартибда тасдиқланадиган аниқ рўйхатлар ва харажатлар сметаси асосида, шунингдек йўл хўжалиги объектлари бўйича қурилиш ва таъмирлаш ишларининг амалда бажарилишини ҳисобга олган ҳолда Жамғарма харажатларини молиялаштиради.

III. Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясида ва унинг таркибига кирувчи йўл-қурилиш ҳудудий шўба ташкилотларида, шунингдек йўл хўжалиги туман пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналарида ҳамда Жамғарма маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотларда тафтишлар ва текширишлар ўтказиш;

қурилиш, таъмирлаш, бошқа ишлар ҳажмларини назорат тартибида ўлчаш ҳамда бошқа текширишлар учун тегишли идоралар ва ваколатли банклар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб қилиш;

текширилаётган ташкилот раҳбарларидан ва мансабдор шахсларидан тафтишлар ва текширишлар ўтказишда пайдо бўлувчи масалалар, молиявий интизомни бузиш ҳоллари юзасидан тушунтиришлар беришни, шунингдек маълумотномаларни, тафтишлар ва текширишлар далолатномаларини имзолашни талаб қилиш;

тафтишлар ва текширишлар материаллари бўйича молиявий интизомни бузиш ҳолларини бартараф этиш, моддий зарарни қоплаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;

молиявий интизомни бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда тафтишлар ва текширишлар материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

Жамғарма маблағлари тушишида ва уларни сарфлашдаги камчиликлар ва қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш;

аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар кўриш;

қуйидагилардан:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасидан — тезкор ҳисоботни ҳамда ажратмалар ҳисобланганлиги ва тушганлиги тўғрисидаги бошқа маълумотларни, Жамғармага тўловлар бўйича вақтида тўланмаган тўловлар миқдори ҳақидаги маълумотларни;

б) тижорат банкларидан — Жамғарма маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни;

в) «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг бўлинмаларидан — йиллик бухгалтерия ва статистика ҳисоботини олиш.

10. Жамғарма:

юқланган вазифаларга мувофиқ Жамғарма маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланилишини таъминлашга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда Жамғарма даромадлари прогнозининг тушум турлари ва минтақалар бўйича бажарилиши аҳолини таҳлил қилиш ҳамда даромадлар узлуксиз тушишига салбий таъсир кўрсатган омиллар асосида уларни бартараф этиш юзасидан қўшма чора-тадбирлар кўришга;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига:

а) Ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларни ҳамда республикада автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича алоҳида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда;

б) умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларига, кўприклар, тоннелларга, энг аввало халқаро ва республика аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларига, кўприклар, тоннелларга комплекс хизмат кўрсатиш, уларнинг ўтказиш имкониятларининг зарур даражадаги техник ҳолатини таъминлашда;

в) республикада автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ягона техника, инвестиция ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кўмаклашишга мажбурдир.

IV. Жамғармани бошқариш кенгаши

11. Жамғармани бошқариш кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Жамғармани бошқариш кенгашининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

12. Жамғармасини бошқариш кенгаши:

Жамғарма ижро этувчи дирекцияси ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг белгиланган тартибда тасдиқланган дастурлари, шунингдек уларга комплекс хизмат кўрсатишни ҳамда уларнинг зарур даражадаги техник ҳолатини ва ўтказиш имкониятларини таъминлаш тадбирларидан келиб чиққан ҳолда Жамғарма харажатларининг асосий йўналишлари, маблағлардан фойдаланиш устуворликлари тўғрисидаги таклифларини кўриб чиқади;

Ижро этувчи дирекциянинг амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси иштирокида Жамғармага тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш масалалари юзасидан айрим вазирликлар ва идораларнинг ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма даромадларини шакллантириш ва сарфлаш тартибини такомиллаштириш юзасидан таклифлар критади;

Республика йўл жамғармаси маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги ва мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

Жамғарма даромадлари ва харажатларини ижро этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

V. Жамғарманиннг ижро этувчи органи

13. Ижро этувчи дирекция Жамғарманиннг ижро этувчи органи ҳисобланади, унинг тузилмаси ва ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ижро этувчи дирекциянинг таъминоти бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

14. Ижро этувчи дирекция Жамғарма даромадлари ва харажатларини ижро этилиши тўғрисида бухгалтерия ҳисоботи тузади ҳамда Жамғармани бошқариш

кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

15. Жамғарманинг ижро этувчи директори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади ҳамда моддий таъминот, ижтимоий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

16. Ижро этувчи директор ўринбосарлари Жамғармани бошқариш кенгаши билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳайъати қарори асосида Молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

17. Жамғарманинг ижро этувчи директори:

Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Ижро этувчи дирекция фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради;

Жамғармани бошқариш кенгаши билан келишган ҳолда Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, мақсадлилиги ва самарадорлиги масалалари бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирувчи ташкилотлар ва корхоналарни текшириш тўғрисида қарорлар қабул қилади, уларнинг натижаларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир қарорлар ва зарур чора-тадбирлар кўради;

Жамғарма маблағларини йиғиш ва сарфлаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

18. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш, фойдаланиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда матнда Жамғарма деб юритилади) маблағлари тушиши ва сарфланиши тартибини белгилаб беради.

2. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ йўл ишларини молиялаштириш (умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш) Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Жамғарма маблағлари Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бошқармаси ҳисобкитоб-касса марказидаги Жамғарманинг махсус мақсадли ҳисоб рақамида жамланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларини тассаруф этувчи ҳисобланади.

5. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари маблағлар шаклланиши ва сарфланишининг мақсадли йўналиши сақлаб қолинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси-

нинг йиғма бюджети таркибига киритилади ва Жамғарманинг махсус ялпи балансида акс эттирилади.

II. Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш

6. Жамғармага тушумлар туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган Жамғарманинг транзит ҳисоб рақамлари (банкнинг баланс ҳисоб рақами 20207) орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳри бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказидаги (банкнинг баланс ҳисоб рақами 21508) Жамғарманинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

7. Жамғарма даромадлари:

а) корхоналар, хўжаликлар, ташкилотлар томонидан (мазкур банднинг «б», «в», «г», «д», «ж» кичик бандларида кўрсатилганлардан ташқари) қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

Юридик шахслар — асосий фаолияти товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари маблағ тўловчилар ҳисобланади. Улар бўйича тўланадиган айланмага, шунингдек фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотлар сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади;

б) тайёрлов, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, таъминот-сотиш ташкилотлари томонидан қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда товар айланмасидан, улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари томонидан эса — ялпи даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

в) банклар (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan ташқари), суғурта ташкилотлари, видеосалонлар (видеокўрсатув пунктлари), ким ошди савдолари, казинолар, видео ва аудиокассеталарни кўпайтиришдан, улар прокатидан, пул ютуқли автоматлардан фойдаланишдан, лотерея ўйинлари ўтказишдан ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлардан, шунингдек оммавий концерт-томоша тадбирларидан даромад олувчи корхоналар томонидан даромаддан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

г) қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади;

д) автотранспорт корхоналари томонидан маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш ҳажмидан, қўшилган қиймат солиғи чиқариб ташланган ҳолда, мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

Юридик шахслар — асосий фаолияти тегишли тўлов эвазига юклар ва йўловчиларни ташиш билан боғлиқ бўлган автомобиль транспорти корхоналари маблағ тўловчилар ҳисобланади. Ушбу корхоналар тўланадиган айланмага шунингдек фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳажми ҳам киритилади;

е) харид қилинган енгил автомобиль ёки бошқа автотранспорт воситалари (юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар) нархидан келиб чиқиб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, автотранспорт воситаларининг харидорлари томони-

дан сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан тўланадиган йиғимлар ҳисобига шакллантирилади.

Йиғим бевосита харидорлар — юридик ва жисмоний шахслар томонидан автотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган Жамғарманинг тегишли транзит ҳисоб рақамларига тўланади.

Автотранспорт воситаларини сотиб олиш ёки қайта сотишга йиғим тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат тақдим этилмаса автотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилмайди, қайта рўйхатдан ўтказилмайди ёки техник кўрикдан ўтказилмайди.

Сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғимлар суммаси маблағ тўловчи корхоналар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш бўйича харажатлар таркибига, бюджет ташкилотлари томонидан эса — сақлаш харажатлари сметасига киритилади;

ж) Қорақалпоғистон Республикасида ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш ҳажмидан мажбурий ажратмалар ҳисобига шакллантирилади.

«Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудига жойлашган корхоналари тўловчилар ҳисобланади. Улар қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш ҳажмидан маблағ ажратадилар;

з) «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкни сотишдан бюджетга тушиши керак бўлган маблағлар умумий суммасининг 50 фоизи ҳисобига шакллантирилади;

и) хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун ундириладиган тўлов ҳисобига шакллантирилади, бир автоташувчининг кирганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган миқдорларда — АҚШ долларида;

к) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар, шу жумладан ихтиёрий бадаллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

8. Жамғармага мажбурий ажратмалар ва йиғимларни тўлаш тартиби ва ставкалар миқдори Давлат бюджети тасдиқланиши билан бир вақтда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан маблағ тўловчиларга етказилади.

III. Республика йўл жамғармаси маблағларини сарфлаш тартиби

9. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг ҳудудий йўл-қурилиш шўъба ташкилотлари (кейинги ўринларда матнда ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари деб юритилади) умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашга Жамғарма маблағларини сарфлаш бўйича буюртмачилар ҳисобланади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлашга Жамғарма маблағларини сарфлаш Жамғарма билан келишган ҳолда «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси ва аниқ рўйхатлар асосида амалга оширилади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилладиган ва тасдиқланадиган инвестиция лойиҳаларининг тех-

ник-иқтисодий асослашлари, тендер ҳужжатлари Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясида экспертизадан ўтади.

10. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ва унинг таркибига кирувчи ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади. Жамғарма маблағларидан ҳар йили белгиланган тартибда тасдиқланадиган объектларнинг аниқ рўйхати асосида қатъий равишда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида фойдаланилади.

Тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари мавжудлиги ва ўтказилган танлов савдолари (тендерлар) асосида ишларни бажарувчилар билан шартномалар тузилиши объектларни аниқ рўйхатларга киритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

11. Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини ва тегишли йўл инфра-тузилмасини мукамал таъмирлаш умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг аҳамияти ва ҳолатига қараб шакллантириладиган, белгиланган тартибда «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган объектларнинг аниқ рўйхати асосида ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Тасдиқланган лойиҳа ёки смета ҳужжатлари мавжудлиги ва ўтказилган танлов савдолари (тендерлар) асосида ёки сўров йўли билан (ишлар қийматига қараб) танланган ишларни бажарувчилар билан шартномалар тузилиши объектларни мукамал таъмирлашнинг аниқ рўйхатларига киритишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

12. Жамғарманинг умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларига ва тегишли инфратузилмага комплекс хизмат кўрсатишга ҳамда уларни жорий таъмирлашга йўналтириладиган маблағларидан қатъий равишда Жамғарма билан келишган ҳолда «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида фойдаланилади.

13. Жамғарманинг табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишларини маблағ билан таъминлаш учун захирада назарда тутилган маблағларини сарфлаш «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясининг Жамғарма Ижро этувчи дирекциясида экспертизадан ўтган асосланган ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилади.

14. Ҳақи Жамғарманинг валюта маблағлари ҳисобига тўланадиган йўл-таъмирлаш ва қурилиш техникаси, асбоб-ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар импорти юзасидан барча контрактлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

15. Жамғарма маблағлари олиб қўйилмайди ёки умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларга сарflanмайди. Жорий йилда фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди ва кейинги даврда мақсадли йўналишига мувофиқ фойдаланилади.

IV. Республика йўл жамғармаси даромадлари ва харажатлари прогнозини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

16. Манбалар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича Жамғарманинг бўлажак йилга даромадлари ва харажатлари прогнози Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган Жамғарма даромадлари ва харажатлари таснифи асосида ишлаб чиқилади.

17. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ҳар йили 15 июндан кечикмай:

Жамғармага — Жамғарма харажатларининг жорий йилда кутилаётган ижроси ва бўлғуси йилга харажатлар прогнозини;

Иқтисодиёт вазирлигига — бўлажак йилда йўл хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш прогнозини тақдим этади.

18. Бўлажак йилга тушумлар манбалари бўйича даромадлар прогнози:

олдинги йилда Жамғармага маблағларнинг амалдаги тушуми ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича даромадлар манбалари бўйича жорий йилда кутилаётган тушум;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Жамғармага ажратмалар ва йиғимлар бўйича ҳисобот молия йили охирига юридик шахсларнинг кредиторлик қарзи ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг макрокүтисодий күрсаткичлари асосида бевосита Жамғарма томонидан ишлаб чиқилади.

19. Фойдаланишнинг асосий йўналишлари ва республика ҳудудлари бўйича кейинги йилга харажатларнинг тақдим этиладиган прогнози олдинги йилда амалда фойдаланилган маблағларни ва асосий йўналишлар (умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш) бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида кутилаётган маблағлардан фойдаланиш ҳамда жорий йилга тасдиқланган прогнозлар билан таққослаган ҳолда ҳудудлар бўйича ҳисобга олинган ҳолда «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан белгиланади. Бунда табиий офатлар оқибатини бартараф этиш ишларини маблағ билан таъмирлаш учун захира (харажатлар ҳажмининг 5 фоизи миқдорида) ташкил этиш назарда тутилади.

20. Жамғарма даромадлар ва харажатларнинг ишлаб чиқилган прогнозини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, бироқ 1 июндан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

21. Жамғарма даромадлари ва харажатларининг аниқлаштирилган прогнози бўлажак йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг асосий параметрлари прогнози билан бир вақтда Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис сессиясида тасдиқлангандан, шунингдек бўлажак йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилингандан кейин Жамғарма беш кун муддатда:

йил чораклари ва ҳудудлар бўйича бўлажак йилга жамғарма даромадларининг тасдиқланган асосий параметрларини — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига;

бўлажак йилга Жамғарма харажатларининг тасдиқланган асосий параметрларини (йўналишларини) йил чораклари ва ҳудудлар бўйича «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига етказди.

23. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда даромадларнинг тасдиқланган параметрлари олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда йил чораклари ва республика минтақалари ҳамда манбалар бўйича даромадларнинг йиллик прогнозини белгилайди ҳамда уни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларига етказди.

24. «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси бўлажак йилга Жамғарма харажатлари прогнози олинган кундан бошлаб икки ҳафта муддатда белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Жамғарма билан келишган ҳолда — умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашнинг йиғма аниқ рўйхатларини;

Жамғарма билан келишган ҳолда — автомобиль йўлларини, кўприклар ва уларга тегишли бўлган муҳандислик иншоотларини мукамал таъмирлашнинг йиғма аниқ рўйхатларини;

Ўз таркибига кирувчи ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари бўйича умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича Жамғармада белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган харажатларнинг йиғма сметаларини;

Жамғарма билан келишган ҳолда — табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишларини маблағ билан таъминлаш учун захира миқдорини тасдиқлайди.

25. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси икки кун муддатда Объектларни қуриш дирекциясига ва ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотларига тегишли ҳудудда амалга ошириладиган автомобиль йўллари тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашнинг белгиланган тартибда тасдиқланган ички титул рўйхатларини юборди.

Объектларни қуриш дирекцияси ва ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари олинган ва «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси томонидан тасдиқланган йўл хўжалиги объектларини қуриш (реконструкция қилиш ёки жиҳозлаш)нинг титул рўйхатлари асосида титул рўйхатларида назарда тутилган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида пудрат ишларини бажаришга танлов савдолари (тендерлар) ғолиблари билан контрактлар (шартномалар) тузади.

Ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари йўл хўжалиги объектларини мукамал таъмирлашнинг тасдиқланган аниқ рўйхати олинган санадан бошлаб беш кун мобайнида 25 минг АҚШ долларига тенг бўлган ва ундан юқори қийматли объектлар бўйича пудрат ишларини бажаришга танлов савдолари ғолиблари билан контрактлар (шартномалар) тузади, қиймати 25 минг АҚШ долларигача бўлган контрактлар эса пудрат ташкилотларини сўров ўтказиш йўли билан танлаб олган ҳолда тузилади.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлашга тасдиқланган харажатларнинг йиғма сметаси асосида ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари норматив мезонларини қўллаш йўли билан ва автомобиль йўлларининг тоифаси, аҳамияти ва узунлигига қараб Жамғарма харажатлари прогнозини хизмат кўрсатиладиган пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари бўйича тақсимлайди ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун улар билан контрактлар тузади.

V. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлаш тартиби

26. Жорий тўловлар тўловчилар томонидан туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига хизмат кўрсатувчи тегишли банкларда очилган Жамғарманинг тегишли транзит ҳисоб рақамлари орқали ҳар бир ойнинг 15-кунидан кечикмай олдинги йил чораги учун амалда ўтказилган тўлов суммасининг учдан бир қисми миқдорида ўтказилади — кейинчалик ҳар чоракда бухгалтерия ва статистика ҳисоботи маълумотлари бўйича йил бошидан ўсиб боровчи яқунли амалда тўланадиган база ҳисобга олинган ҳолда қайта ҳисобкитоб қилинади (қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва фермер хўжаликларидан ташқари).

Тўловчилар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ орган-

ларига чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган муддатларда Жамғармага ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этади.

Амалда тўланадиган базадан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилган қўшимча тўлов суммаси йил чораги ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш учун белгиланган санадан бошлаб беш кун мобайнида тўланади.

Мажбурий ажратмаларнинг ортиқча тўланган суммаси бўлажак тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки тўловчининг ёзма аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда солиқ органи томонидан тўловчига қайтарилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фермер хўжаликлари ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунидан кечикмай рўйхатдан ўтказилган жойдаги солиқ органларига Жамғармага ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этадилар ва шу ойнинг 20-кунигача Жамғармага тўланиши керак бўлган тўловларни тўлайдилар.

27. Хўжалик юритувчи субъектлар таркибига кирувчи, юридик шахслар ҳисобланмаган, бироқ ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган таркибий бўлинмалар Жамғармага ажратмаларни ўзлари жойлашган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекцияларининг транзит ҳисоб рақамларига ўтказадилар, ушбу корхоналарнинг банк муассасаларида ҳисоб рақамлари бўлмаган тақдирда маблағни ўтказиш уларнинг юқори турувчи ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

28. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда белгиланган муддатларда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясига ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 1-кундаги ҳолат бўйича ҳисобланган ва тушган тўловлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Жамғармага мажбурий ажратмалар турлари бўйича қарздорлик тўғрисидаги тезкор ҳисоботни тақдим этади.

VI. Республика йўл жамғармасига ажратмаларга доир имтиёзлар

29. Қуйидагилар Жамғармага мазкур Низом 7-бандининг «а», «б», «в» ва «г» кичик бандларида назарда тутилган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади: давлат бюджетдаги ташкилотлар ва муассасалар (шу жумладан фаолият ихтисослиги бўйича ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан, фойдаланилмаётган биноларни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича, хомийлик ёрдамидан, пулли-контракт асосида ўқитиш учун тушумдан);

бюджетдан дотация олувчи томоша кўрсатиш билан боғлиқ корхоналар, санаторийлар, дам олиш уйлари ва пансионатлар;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи йўл хўжалиги ташкилотлари;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари билан шартномалар (контрактлар) тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар (шартноманинг амал қилиш муддатида);

уй-жой-фойдаланиш идоралари, уй бошқармалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва мулкчилик шаклларида қатъи назар уй-жой фондини бошқариш, сақлаш ва улардан фойдаланишни бевосита амалга оширувчи бошқа ташкилотлар;

Марказий банк, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига қарашли бўлинмалар, «Ўзмар-

казимпэкс», «Ўзсаноатмашимпэкс», «Марказсаноатэкспорт», «Ўзинтеримпэкс» давлат-акциядорлик ташқи савдо компаниялари;

давлат ташкилотларини бошқариш республика ва маҳаллий органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар тижорат ва хўжалик фаолияти бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар ва тушумлар бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари ва ташкилотлари, уларга бўйсунувчи хўжалик ҳисобидаги хўжалик ташкилотлари бундан мустасно.

30. Қўйидаги автомобиль транспорти корхоналари Жамғармага мазкур Низом 7-бандининг «д» кичик бандида назарда тутилган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади:

давлат бюджетидаги автокорхоналар;

«Ўрта Осиё Транс» халқаро автоташиш давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзташқитранс» давлат-акциядорлик компанияси;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари билан шартномалар (контрактлар) тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар (шартноманинг амал қилиш муддатида).

31. Қўйидагилар сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматидан йиғим тўлашдан озод қилинади:

мотоараваларга ва автомобилларга эга бўлган ва уларни сотиб олган барча гуруҳларга тегишли бўлган ногиронлар;

ихтисослаштирилган тармоқдан «ЎЗДЭУавто» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобилларни сотиб олаётган фуқаролар;

умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақловчи, таъмирловчи, реконструкция қилувчи ва қурувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар;

«Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, ҳудудий йўл-қурилиш ташкилотлари билан шартномалар (контрактлар) тузган ҳамда улар асосида улар томонидан бажарилаётган ишлар умумий ҳажмининг камида 75 фоизи миқдорида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишларини бажарувчи корхоналар (шартноманинг амал қилиш муддатида);

юридик шахслар — қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчилар ташишга белгиланган намунадаги лицензияга эга бўлган умумий фойдаланиладиган автотранспорт корхоналари, йўловчилар ташувчи транспорт воситалари бўйича (енгил таксилар ва йўналишли таксилардан ташқари);

40 тоннадан ортиқ юк кўтарадиган конларда ишлатиладиган автосамосвалларни сотиб олаётган корхоналар.

VII. Республика йўл жамғармаси маблағлари тушуми ва сарфланиши учун жавобгарлик ҳамда назорат қилиш

32. Жамғармага тушумлар тўлиқ тушиши таъминланиши учун:

юридик шахслар — мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан Жамғармага мажбурий ажратмаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари кирганлиги учун тўловнинг тўлиқ тушиши учун — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари;

автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги ёки қайта сотилганлиги учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатсиз рўйхатдан ўтказилишига, қайта рўйхатдан ўтказилишига ёки техник кўриқдан ўтказилишига йўл қўйилмаслиги учун — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (Ҳаракат хавфсизлиги давлат хизмати органлари) ва унинг жойлардаги органлари жавоб берадилар.

33. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси объектлар қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ рўйхатларида, шунингдек умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлашга харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар лимитлари доирасида Жамғарма маблағлари қонуний ва қатъий мақсадли сарфланиши учун жавоб беради.

34. Мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўғри ҳисоблаб чиқиши ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгарлик тўловчилар зиммасига юкланади, улар:

мазкур Низомда белгиланган тартибда ва муддатларда йиғимлар ва тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқиши ва ўз вақтида тўланишини таъминлашга;

тўлов ҳужжатларида йиғим ва ажратма турини кўрсатишга;

тўланган йиғимлар ва мажбурий ажратмалар суммаси ҳисобини юритишга;

Жамғармага йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқишини ва тўланишини текшириш учун давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўйишга, уларнинг талабига кўра ушбу йиғимлар ва мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишга мажбурдирлар.

35. Жамғармага мажбурий ажратмалар ва йиғимлар тўғри ҳисоб-китоб қилиниши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ҳамда уларнинг жойлардаги органлари томонидан амалга оширилади.

36. Жамғарма маблағлари тўлиқ тушиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Жамғармани бошқариш кенгашига юкланади.

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда мунтазам равишда назорат қилади.


Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадлардан бошқа мақсадларда ва йўл ҳўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг аниқ рўйхатларида, шунингдек умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш харажатлари сметасида назарда тутилмаган мақсадлар учун фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси аниқланган қонун бузилишларини белгиланган тартибда бартараф этиш чоратадбирларини кўради ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли жазо чораларини қўллайди.

37. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси Ижро этувчи дирекцияга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича ва муддатларда Жамғарма харажатлари прогнозининг ижро этилиши тўғрисида ҳар ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар тақдим этади.

38. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига белгиланган муддатларда Жамғармани бошқариш кенгаши томонидан тасдиқланган чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоботини тақдим этади.

39. Жамғармага ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириб олиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси
Ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси**



Бошқарув ходимларининг чекланган сони 45 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 21 августдаги 361-сон қарорига
9-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш («Ўзавтойўл») давлат-акционерлик концернини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги 58-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 7-сон, 26-модда).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1996 йил 21 майдаги 184-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 5-сон, 16-модда).
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 1993 йил 5 июлдаги 334-сон қарорига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1996 йил 30 декабрдаги 466-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 39-модда).
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларини ўзгартириш ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 1997 йил 30 январдаги 56-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 3-модда).
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини ўз кучини тўлиқ ва қисман йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1998 йил 3 февралдаги 55-сон қарорига 2-илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 2-сон, 6-модда).
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларнинг баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 11 апрелдаги 140-сон қарорига 1-илованинг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 4-сон, 18-модда).
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 19 майдаги 193-сон қарорига илованин 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 24-модда).
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 2 октябрдаги 375-сон қарорига илованин 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 63-модда).
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 2 октябрдаги 380-сон қарорининг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 10-сон, 64-модда).

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарорига 26-илованинг 1-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 14 январдаги 17-сон қарорига 1-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 7-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

133 Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан кимё, нефтгаз, машинасозлик ва иқтисодиёт бошқа тармоқларининг 90 дан ортиқ корхоналари акциялари, активлари ва мол-мулки сотилди, улардан энг йириклари «Олмалиқ маиший кимё заводи» очиқ акциядорлик жамияти, «Андижонкабель» очиқ акциядорлик жамияти, «Сувмаш» очиқ акциядорлик жамияти ва бошқалардир.

Шу билан бирга кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда хусусийлаштириш дастурида назарда тутилган корхоналар ва объектларни хусусийлаштиришнинг зарур суръатларини, хорижий инвестициялар оқимини, энг аввало тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини таъминламаяпти. Хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришни таъминловчи аниқ ишловчи механизм яратилмаган. Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги устидан мониторинг етарли даражада олиб борилмаяпти.

Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг роли ва масъулиятини ошириш, корхоналарни хусусийлаштириш, энг аввало яқка тартибдаги лойиҳалар бўйича амалга ошириладиган иқтисодиёт тармоқлари базавий тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, акциядорлик жамиятларидаги акциялар давлат пакетларининг бир қисмини ва тўлиқ хорижий инвесторларга сотиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, Давлат мулки қўмитаси, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари томонидан хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активларини яқка тартибдаги лойиҳалар бўйича сотиш, хусусийлаштирилаётган корхоналарга хорижий

инвестицияларни жалб қилиш юзасидан олиб борилаётган ишлар қоникарсиз деб ҳисоблансин.

2. Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб юритилади) янги таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар Давлат комиссиясининг иқтисодий эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифалари ҳисоблансин:

давлат корхоналарини хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга йўналтирилган Ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш, республика иқтисодий ҳорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, хусусий секторнинг иқтисодийдаги ролини янада ривожлантириш ва ошириш;

сансалорлик, бюрократизм ва объектларни хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштириш ҳамда акциялар пакетларини ва корхоналарни тўлиқ танлов (тендер) савдолари қолибларига сотишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш муддатлари чўзиб юборилиши ҳолларини бартараф этиш;

иқтисодий тармоқларида Давлат комиссияси қарорлари қабул қилинган хусусийлаштирилган корхоналар ва объектларнинг фаолияти устидан мониторинг ташкил этиш.

4. Давлат комиссияси бир ой муддатда хорижий сармоя иштирокида давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларини амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини танқидий ўрганиб чиқсин, бунда:

якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириш дастурида назарда тутилган давлат мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самаралилигига, корхоналарни сотишга тайёрлаш ва сотиш жараёнларига йирик ва машҳур хорижий молиявий маслаҳатчиларни, баҳолаш ва аудиторлик компанияларини жалб қилишга;

аниқ таклифлари ва инвестиция мажбуриятлари бўлган стратегик инвесторлар мавжуд бўлганда тезкорлик билан кўриб чиқиш ва корхоналар бўйича қарорлар қабул қилиш юзасидан берилган ваколатларни амалга ошириш, амалиётда бўлмаган қарорларни тезкорлик билан қабул қилишни назарда тутган ҳолда объектлар ва акцияларни тўловнинг аралаш шаклларини қўллаб сотиш амалиётини кенгайтиришга, хорижий инвестициялар оқиб келиши учун барча тўсиқларни бартараф этишга асосий эътиборни қаратсин.

5. Давлат комиссиясига паст рентабелли, иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарнинг давлат активларини инвесторлар томонидан кўрсатиб ўтилган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини қисқа муддатларда (1—2 йил мобайнида) тубдан яхшилашни таъминловчи инвестиция мажбуриятлари ўз зиммасига олиниши ва бизнес-режалар тақдим этилиши шарти билан жуда паст нархларда сотиш ҳуқуқи берилсин.

6. Давлат комиссияси раиси (Р.С. Азимов), идоралараро ишчи гуруҳлар раҳбарлари (К.Н. Тўлаганов, М.З. Усмонов, Э.М. Фаниев, Ҳ.С. Кароматов) Давлат мулки кўмитаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига мувофиқ хорижий инвесторларга сотиш мўлжалланган объектлар бўйича хусусийлаштириш дастури бажарилишини таъминловчи иш режасини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Идоралараро ишчи гуруҳлар, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари кўрсатиб ўтилган иш режасининг муддатлар, сотув ҳажми ҳамда

* Илова берилмайди.

давлат корхоналари ва объектларни хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторларни жалб қилиш юзасидан бажарилиши учун шахсан жавоб беришлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

Мазкур банднинг бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 9 ойи ва умуман йил якунлари бўйича мажлисларида ахборот берилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июндаги 309-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги хатбошлари билан тўлдирилсин:

«давлат корхоналарини хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга йўналтирилган Ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилишини ташкил этиш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ролини янада ривожлантириш ва ошириш;

сансалорлик, бюрократизм ва объектларни хорижий инвесторлар иштирокида хусусийлаштириш ҳамда акциялар пакетларини ва корхоналарни тўлиқ танлов (тендер) савдолари қолибларига сотишни жадаллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш муддатлари чўзиб юборилиши ҳолларини бартараф этиш;

иқтисодиёт тармоқларида Давлат комиссияси қарорлари қабул қилинган хусусийлаштирилган корхоналар ва объектларнинг фаолияти устидан мониторинг ташкил этиш».

8. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулкни хусусийлаштиришда хорижий сармояларни жалб қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 18 ноябрдаги 477-сон қарори 3-бандининг биринчи хатбоши ва қарорга 4-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «2000—2001 йилларда хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 26 ноябрдаги 511-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 11-сон, 69-модда) 4-илова 2-бандининг «б» кичик банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар комплексини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 22 октябрдаги 364-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 61-модда) 1-илова III бўлимининг учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 21 август,
362-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

134 Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Барча даражалардаги, биринчи навбатда, хўжалик юритувчи субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига таъминланадиган бошқарув органлари ходимларининг амалдаги сонини ўрганиб чиқиш натижасида ходимлар сонининг асоссиз равишда ўсиши ҳамда ходимлар сони кўп бўлган бошқарув аппарати сақланиб келиниши билан боғлиқ салбий ҳолатлар аниқланди.

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув тузилмалари раҳбарлари ҳар йили бошқарув аппарати қисқартирилишига қарамай, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сифатида ҳамон ҳаддан ташқари ортиқча кенгайтириб юборилган бошқарув ходимларига эгадирлар, уларнинг таъминотига ҳам бюджетдан ажратиладиган маблағлар, ҳам хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларидан ажратиладиган маблағлар, кўп ҳолларда хизматларга нархлар ва тарифлар ўсиши ҳисобига сарфланмоқда. Бунга шунингдек бошқарув тузилмалари ходимларининг чекланган сонини хизмат кўрсатувчи ходимларни кўрсатмасдан тасдиқлашнинг мавжуд амалиёти ҳам имкон бермоқда.

Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви аппарати ходимларининг чекланган сони 58 нафар этиб белгилангани ҳолда унинг ходимларининг амалдаги умумий сони бундан 2,4 баравар кўпдир ва 137 нафарни, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходимлар 79 нафарни ташкил этади. «Ўзқишлоқхўжаликкимё», «Ўзбектуризм» компаниялари, «Ўзмашсаноат» уюшмаси, «Ўзфарм-саноат» давлат концернида ҳам аҳвол худди шундай. Уларда ходимларнинг амалдаги умумий сони бошқарув ходимларининг белгиланган сонидан 2 баравардан ортиқдир.

Бошқарув органлари ходимлари сонини тартибга солиш, маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, улар таъминотига сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

ҳам бюджет маблағлари, ҳам хўжалик фаолиятдан маблағ ажратиш ҳисобига маблағ билан таъминланадиган давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони, маъмурий-бошқарув ходимлари шу жумладан алоҳида ажратиш кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарув органлари аппарати ходимларининг белгиланган чекланган умумий сонига риоя қилиниши, унинг ўзгариши динамикаси ва манбаларидан қатъи назар бошқарув аппарати таъминотига харажатларнинг мониторингини олиб боради.

Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув органлари раҳбарларига улар учун белгиланган ходимларнинг умумий сони ва уларнинг таъминотига чекланган харажатлар доирасида бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бош-

қарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари бўйича бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг ҳисоблаб чиқилган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2004 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларининг харажатлари сметаси ва молиялаштирилишини рўйхатдан ўтказишни бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг тасдиқланган ҳисоблаб чиқилган нормативларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарор қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширсин.

4. Солиқ органларига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сонидан ортиқча ходимлар сақланиши аниқланган тақдирда бюджетдан таъминланадиган ташкилот бўлмаган тегишли бошқарув органларидан қўшимча равишда сақлаб келинган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг йиллик фонди миқдорига жарима ундириш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳоллар давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларида аниқланган тақдирда ушбу ташкилотлар раҳбарлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

5. Белгилансинки, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқарув органлари томонидан ходимларнинг умумий сонини қисқартириш натижасида тежалган маблағ олиб қўйилмайди ва ушбу органларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

статистика ҳисоботи шаклларига мазкур қарор талабларига мувофиқ ахборот тақдим этилишини таъминловчи тегишли ўзгартиришлар киритсин;

молия органларига бошқарув органлари ходимлари умумий сони мониторингини олиб бориш учун тегишли ахборотни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 22 август,
363-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

135 Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақида-парастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича мурожаати ва бир қатор жамоат ташкилотларининг таклифларини инобатга олиб, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кучларнинг ёвуз ҳаракатлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, мутасадди ва дахлдор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури (1-илова*) маъқуллансин. Тегишли давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан Дастурни бажарилишига етарлича кўмак ва ёрдам берилсин.

2. Дастурдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашининг таркиби 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус жамғарма тузиш ҳақидаги таклифи ва жамғарма Низоми маъқуллансин.

3. Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинадиган тўловларни ишлаб чиқариш корхонаси даражаси ўрнига жисмоний шахслардан олинадиган миқдорда белгилаш ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини қондириш юзасидан 10 кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши қабул қилинсин.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган ва бошқа хайрия маблағларини мазкур жамғарма ҳисобига ўтказиш, уни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга замонавий шарт-шароит яратиш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.

4. Маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатига олинган диний обидалар (3-илова*) белгиланган тартибда жойлардаги Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилсин ҳамда тўпланадиган хайрия маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

5. Ислом маъҳади ва ўрта махсус ислом билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим хужжати сифатида эътироф этилсин ҳамда ана шу хужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилсин.

* 1, 2, 3-иловалар берилмайди.

6. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), “Ўзтелерадио” компанияси (А. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М. Ҳазраткулов), республика оммавий ахборот воситаларига Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастурида белгиланган тадбирларнинг моҳияти ва ижросини ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 22 август,
364-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

136 Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасини бажариш юзасидан ҳамда соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан сифатли ўтказилишини таъминласин;

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат тузилмалари билан биргаликда никоҳ тузишгача тиббий кўриқдан ўтиш масалалари долзарб эканлигини ёшларнинг кенг қатламларига етказиш бўйича тизимли ишларни ташкил этсин.

3. «Маҳалла» ва «Соғлом авлод учун» жамғармаларига Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда жамоат бирлашмалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш муаммолари бўйича оилалар, никоҳланувчи ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Телерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш моҳиятини матбуотда, радио ва телевиденияда кенг тарғиб этилишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидаларига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. М. Фуломова зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 25 август,
365-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 25 августдаги 365-сон қарорига
1-ИЛОВА

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ФХДЁ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади.

3. Тиббий кўриқ Оила кодексига мувофиқ амалга оширилади ва «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Психиатрия ёрдами тўғрисида», «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида», «Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

4. Никоҳланувчи шахслар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ ҳажмларда психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтади.

5. Никоҳланувчи шахслар ФХДЁ органлари томонидан тиббий кўриқдан ўтиш учун яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига (кейинги ўринларда матнда — тиббиёт муассасалари) юборилади.

6. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги уларнинг яшаш жойидаги психиатр врачлар, наркологлар, тери-таносил касалликлари врачлари, фтизиатрлар (диспансер ва туман кабинетлари) томонидан тиббий кўриқ ўтказиш учун асос ҳисобланадиган ФХДЁ органлари томонидан берилган йўлланма бўйича бепул ўтказилади (мазкур Низомга 2-илова).

Тиббий кўриқдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак.

7. Кўриқдан ўтаётган шахсга белгиланган шаклдаги алоҳида тиббиёт картаси юритилади, унда кўриқдан ўтаётганнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар ҳамда текшириш натижалари тўлиқ ҳажмда акс этирилади.

8. Агар никоҳланувчи шахс ўз хизмати ёки иши турига кўра муайян тиббиёт муассасасига бириктирилган бўлса, у мазкур муассасада кўриқдан ўтказилади.

9. Озодликдан маҳрум этиш жойларидаги шахсларнинг тиббий кўриги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт муассасаларида ўтказилади.

10. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳланаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг вақтинча яшаш жойида тиббий кўриқдан ўтадилар.

11. Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги натижалари тўғрисида тиббиёт муассасасининг хулосаси маълумотномада акс эттирилади. Маълумотнома тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланади (мазкур Низомга 3-илова).

II. Тиббий кўриқни ўтказиш тартиби

12. Психик касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) мавжудлигини текшириш яшаш жойидаги поликлиниканинг психиатр врач томонидан амалга оширилади.

13. Туман психиатр врач бўлмаган тақдирда психиатрик текшириш туманлараро ёки вилоят психоневрология диспансерининг психиатр врачлари томонидан амалга оширилади. Вилоят марказлари ва Тошкент шаҳри аҳолиси ҳудудий тегишлигига қараб вилоят ва шаҳар психоневрология диспансерларида психиатрик текширишдан ўтади.

14. Агар никоҳланувчи шахслар психик касалликлар бўйича ҳисобда турмаса ва унда руҳий бузилишлар аниқланмаса, уларга психиатр врачнинг имзоси қўйилган белгиланган намунадаги маълумотнома берилади. Маълумотнома тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланади.

Агар никоҳланувчи шахслар психик касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турса, уларга белгиланган намунадаги маълумотнома берилади ва врач тузилаётган никоҳнинг эҳтимол тутилган тиббий-ижтимоий оқибатлари тўғрисида тушунтириш беради.

15. Наркологик текшириш яшаш жойидаги нарколог врач томонидан (наркология диспансерида ёки туман наркология кабинетида) ўтказилади.

16. Наркологик ҳисобда турмаган ва текшириш даврида уларда психопатологик ўзгаришлар аниқланмаган никоҳланувчи шахсларга маълумотномада тегишли хулоса кўрсатилади.

17. Тиббий кўриқ вақтида нарколог врач томонидан наркологик ташҳис қўйилган тақдирда ёки никоҳланувчи ҳисобда турса, маълумотномада аниқланган ташҳис кўрсатилади.

18. Наркологик ҳисобда турмаган ва текшириш даврида уларда психофаол моддалар истеъмол қилинишидан далолат берувчи психосоматик белгилар аниқланган никоҳланувчи шахслар биологик суюқликларда психофаол моддаларни аниқлаш бўйича лаборатория текширувидан ўтадилар.

19. Захмга текшириш тери-таносил диспансерида ёки яшаш жойидаги поликлиникада тери-таносил врач томонидан ўтказилади, ушбу врач текширувни умумий қабул қилинган методика бўйича амалга оширади.

20. Никоҳланувчи шахсларни захмга текшириш яқунлангандан кейин текширилаётган шахснинг амбулатория картасида ва маълумотномада тегишли хулоса кўрсатилади.

21. Никоҳланувчи шахслар силга текширишдан ўтиш учун яшаш жойидаги

поликлиника ички касалликлар врачига мурожаат қилади. Участка ички касалликлар врачлари томонидан кўкрак қафасини флюоро текширишга йўлланма берилади.

22. Кўкрак қафаси флюорограммаларида патологик ўзгаришлар ва касалликнинг клиник намоён бўлиши мавжуд бўлмаган тақдирда ҳудудий поликлиника текширилаётган шахсларда сил касаллиги аниқланмаганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

23. Текширилаётган шахсларда сил касаллиги ва флюорограммаларда патологик ўзгаришлар борлиги шубҳа қилинганда, уларга яшаш жойидаги сил касаллигига қарши диспансерига йўлланма берилиши керак.

24. Сил касаллигидан шубҳаланиб поликлиникадан сил касаллигига қарши диспансерларга йўлланган шахслар участка фтизиатри томонидан текширилади. Зарурат бўлганда ушбу шахслар шунингдек ўпкадан бошқа ихтисосликдаги мутахассислар томонидан ҳам текширилиши керак.

Клиник текширувдан, поликлиникадаги текширишлар маълумотлари, флюорограммалар ўрганиб чиқилгандан кейин, шунингдек зарурат бўлганда қўшимча равишда ўтказиладиган рентгенологик, бактериологик текширишлар ва бошқа лаборатория текширишлари натижалари ўрганиб чиқилгандан сўнг фтизиатр томонидан текширилаётганда сил касаллиги борлиги ёки йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома расмийлаштирилади. Маълумотнома фтизиатр, бош врач томонидан имзоланади ва сил касаллигига қарши диспансернинг муҳри билан тасдиқланади.

25. Никоҳланувчи шахслар ОИВ/ОИТСга текширишдан ўтиш учун яшаш жойидаги яширин текшириш хонасига ёки ОИТС марказларига мурожаат қиладилар.

26. Яширин текшириш хонасида тестгача бўлган маслаҳат берилади ҳамда ОИВ/ОИТС касаллиги бўлиши эҳтимолини кўрсатувчи анамнестик маълумотлар ва клиник белгилар мавжуд бўлган тақдирда текширилаётган шахснинг қони туман ёки туманлараро ОИТС-ташҳис қўйиш лабораториясига юборилади.

27. Бирламчи иммунофермент текшириш ижобий натижа берган тақдирда, миждознинг қони зардоби вилоят лабораториясига юборилади, ижобий натижа тасдиқланган тақдирда қон зардоби иммуноблот усули билан узил-кесил натижа қўйилиши учун республика ОИТС марказига жўнатилади. ОИВ касаллиги ташҳиси лаборатория текшируви ижобий эканлиги ва клиник маълумотлар асосида қўйилади.

III. Тиббий кўрикдан кейин ФХДЁ органларида никоҳни қайд этиш тартиби

28. Никоҳни қайд этишда ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликларига ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар иккинчи томонни тиббий текшириш натижаларидан хабардор қилиши шарт.

29. Тиббий кўрикдан ўтгандан кейин никоҳ тузилишига тўсиқ мавжуд бўлмаган тақдирда ФХДЁ органлари томонидан никоҳни қайд этиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

30. Никоҳланувчи шахсларда текшириш натижасида дарҳол даволаш курсидан ўтишни талаб этувчи касалликлар аниқланган тақдирда, улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига йўналтирилади.

31. Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида уларнинг биттасида ёки ҳар иккаласида мазкур Низомга 1-иловада назарда тутилган

касалик аниқланган тақдирда, никоҳни қайд этиш томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейин амалга оширилади.

IV. Яқуний қоидалар

32. Текширилаётган шахс яшаш жойидаги даволаш-маслаҳат комиссиясининг хулосасига рози бўлмаган тақдирда такрорий тиббий кўрик вилоят ва республика муассасаларида ўтказилади.

33. Никоҳни қайд этувчи шахслар тиббий кўрик натижалари тўғрисидаги ахборотнинг махфийлиги учун жавоб берадилар.

34. Кўрикни ўтказган врач қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрик натижаларининг ҳолислиги учун шахсан жавоб беради.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий
кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳажми

1. Рухий касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) юзасидан текшириш:

анамнестик;
психопатологик;
соматоневрологик;
параклиник.

2. Наркологик касалликлар юзасидан текшириш:

клиник текшириш;
анамнестик;
психопатологик;
соматоневрологик;
лаборатория текшируви.

3. Заҳм юзасидан текшириш:

гениталий доирасида яра ёки эрозия мавжуд бўлганда ёки терининг бошқа жойларида заҳмдан шубҳаланадиган тошмалар мавжуд бўлганда материал тўплаш;
преципитация микрореакцияси усули билан заҳм юзасидан қонни текшириш;
қонни серологик текшириш.

4. Сил юзасидан текшириш:

анамнез;
кўкрак қафаси органларини текшириш;
кўкрак қафаси органларининг рентгеноскопияси (йирик кадрли флюорограмма);
кўкрак қафаси рентгенографияси;
балғамни, яраининг йирингини, бактероскопия усули билан сийдикни сил микробактериясига текшириш;

5. ОИВ/ОИТС юзасидан текшириш:

анамнез;
клиник текшириш;
бирламчи иммунофермент текшириш;
иммуноблот усули билан қонни текшириш.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий
кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Фуқаролик ҳолати далолатнома-
ларини ёзиш органи
Манзил _____

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш учун ЙЎЛЛАШМА

_____ (уй манзили)

фуқаро _____
(Ф.И.О., туғилган йили)

даволаш-профилактика муассасасига тиббий кўриқдан ўтишга юборилмоқда.
ФХДЁ бўлими мудирини _____

(Ф.И.О.)

М. Ў.

Сана _____

Никоҳланувчи шахсларни тиббий
кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Тиббиёт муассасаси номи,
манзил _____

Шахсларнинг никоҳга киришдан олдин тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома

психик (шизофрения, эпилепсия, олигофрения),
наркологик касалликлар, захм, сил ва ОИВ/ОИТС юзасидан

_____ (уй манзили)

фуқаро _____
(Ф.И.О., туғилган йили)

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомга му-
вофиқ текширилди.

Даволаш-профилактика
муассасаси хулосаси:

Бош врач _____

(Ф.И.О.)

М. Ў.

Сана _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 25 августдаги 365-сон қарорига
2-ИЛОВА

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришлар

1. 74-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ФХДЁ органлари томонидан никоҳланувчи шахсларнинг никоҳини қайд этиш тўғрисидаги аризасини қабул қилишда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади».

2. 88-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«88. Никоҳни қайд этиш фақат никоҳланувчи шахсларнинг иштирокида амалга оширилади. ФХДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганлигига ҳамда ушбу текширувларнинг натижалари тўғрисида уларнинг хабардор эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Никоҳнинг ишончнома бўйича ёки вакил орқали, шунингдек тиббий текширувдан ўтганлиги тўғрисида маълумотнома бўлмаганда қайд этилишига йўл қўйилмайди.

ФХДЁ органлари ходимлари никоҳни қайд этиш вақтида уларга маълум бўлган шифокорлик сирларидан иборат бўлган маълумотларни ошкор этганлиги учун жавоб берадилар».

3. 102-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Жазони ўташ муассасалари маъмурияти судланганларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан белгиланган тартибда ўтказди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

137 Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни ва хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активларини реал мулкдорларга сотиш, шунингдек ушбу корхоналарни замонавийлаштириш ва барқарор ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари бошланғич нархини

босқичма-босқич пасайтириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси (Р.С. Азимов)га:

инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан бепул бериладиган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари, паст ликвидли объектлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хулосасига кўра инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириш ваколоти берилсин.

3. Белгилаб кўйилсинки:

давлат корхоналари ва объектлар фақат танлов асосида энг яхши инвестиция лойиҳаларини ва корхонанинг кредиторлик қарзини тўлашни ўз ичига олувчи мажбуриятларни таклиф этган инвесторларга инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан бепул берилди;

корхона (объект) инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан бепул олган инвестор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда, бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади, бунда объект белгиланган тартибда инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан қайтадан сотувга кўйилиши керак;

инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга бепул берилган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилади;

мулкдор — юридик ёки жисмоний шахс инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан бепул олинган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхонаси (унинг мол-мулки), паст ликвидли объект бўйича тегишли равишда даромад (фойда) солиғига ҳамда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилмайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Телерадио компанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарор аҳамиятини, шунингдек паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни, паст ликвидли объектларни инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан мамлакатимиз инвесторларига ва хорижий инвесторларга бепул беришнинг ҳамда хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларини уларнинг номинал қийматидан паст нархларда сотишнинг боришини кенг ёритиш ишларини ташкил этсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 август,
368-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан инвесторларга (шу жумладан хорижий инвесторларга) танлов асосида бепул бериш тартибини белгилаб беради.

2. Мазкур Низомда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

сотиш объекти — паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектлар;

инвестор — олди-сотди шартномасига мувофиқ пул маблағлари, мулкӣ бойликлар ва уларга ҳуқуқларни инвестиция қилувчи юридик ва жисмоний шахс;

сотувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси (сотилаётган ҳар бир объект бўйича сотувчини тайинлаш тўғрисидаги қарор Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан қабул қилинади);

инвестиция мажбуриятлари — инвесторнинг бизнес-режага ва тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ сотиб олинган корхонага (объектга) инвестиция қўйиш бўйича мажбуриятлари;

Комиссия — ҳудудий танлов комиссияси.

3. Инвестиция мажбуриятлари бўйича инвестициялар:

пул маблағлари қўйиш, шу жумладан корхонанинг кредиторлик қарзлари инвестор томонидан қопланиши;

ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш учун асбоб-усқуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи материаллар етказиб бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа моддий бойликларни қўйиш шаклида амалга оширилиши мумкин.

4. Объектни инвестиция мажбуриятлари бажарилиши шarti билан бепул бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан ташкил этиладиган танлов савдолари натижалари бўйича танлов ғолиби тўғрисидаги қарор ҳудудий танлов комиссиялари томонидан қабул қилинади, уларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади ва таркибига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий органлари раҳбарлари (танлов комиссияси раисининг ўринбосари сифатида), Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ҳудудий органлари раҳбарлари киради.

II. Бепул бериладиган сотув объектлари рўйхатини шакллантириш тартиби

5. Инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шarti билан танлов асосида бепул бериладиган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси томонидан йилнинг ҳар чорагида мазкур Низомга 1 ва 2-иловага мувофиқ шакллар бўйича тақдим этиладиган тегишли асослашлар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 362-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда тасдиқланади.

6. Қуйидагилар:

корхонанинг шаҳар асоси ва республика учун стратегик аҳамиятга эга эмаслиги; объектдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун объектни янги мулкдорга бериш зарур бўлганда сотиш нархи пасайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда тақлиф этилаётган сотиш нархига инвесторлардан талаб йўқлиги;

корхонанинг сурункали зарар кўриб ишлаши, паст рентабеллиги (5 фоиздан юқори бўлмаган), иқтисодий ночорлиги ва тўловга қобилиятли эмаслиги объектни бепул беришнинг асосий мезонлари ҳисобланади.

III. Сотув объектини сотиш тартиби

7. Сотув объектини сотиш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида танлов ўтказилишидан камида 2 ой олдин эълон қилиниши керак.

8. Сотув объектларини сотиш мазкур Низомда назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 августдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналарни ва хусусийлаштирилладиган давлат корхоналари акцияларини сотиш бўйича тендерлар ўтказиш тартибига мувофиқ Комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади (Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан сотиладиган объектлардан ташқари).

9. Хоҳиш билдирган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари танловда қатнашишга қўйилади.

10. Танловда қатнашиш учун инвестор оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган танлов ўтказилиши санасидан камида уч кун олдин Комиссиянинг кўриб чиқиши учун муҳрлаб қўйилган конвертда танлов тақлифини тақдим этади.

11. Танлов тақлифида бизнес-режа, бажариш муддатлари кўрсатилган ҳолда инвестиция дастури (лойиҳа), асбоб-ускуналар етказиб бериш (агар у назарда тутилган бўлса), унинг технологик параметрлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг режалаштирилаётган ассортиментни ва унинг рақобатбардошлилиги, хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, мавжуд асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш тадбирлари, кутилаётган иқтисодий самара, шунингдек сотиш объектини молиявий-хўжалик жиҳатдан соғломлаштириш ёки унинг ҳудудидан хўжалик мақсадларида фойдаланишни тиклаш бўйича инвесторнинг бошқа мажбуриятлари ва режалари қайд этилган бўлиши керак.

12. Танлов таклифини баҳолашда бизнес-режанинг самарадорлиги, маркетинг режалари ва молиявий режаларнинг асосланганлиги белгилловчи аҳамиятга эга бўлади.

13. Танлов қатнашчилари (қатнашчиси) томонидан тақдим этилган танлов таклифини ва бизнес-режани кўриб чиқиш натижалари бўйича Комиссия танлов ғолибини аниқлайди.

14. Энг жозибали танлов таклифини тақдим этган ва уни амалга ошириш учун реал молиявий имкониятларга эга бўлган қатнашчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

15. Танлов ғолиби Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан аниқланади, овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

16. Танлов ғолибини танлаш тўғрисида Комиссия томонидан қарор қабул қилиниши учун танловда унинг аъзоларининг камида 75 фоизи ҳозир бўлиши керак.

17. Агар танловда битта қатнашчи иштирок этса, танлов бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади. Комиссия талабгор томонидан тақдим этилган танлов таклифини кўриб чиқиш яқунлари бўйича сотув объектини ягона талабгорга сотиш имкониятини кўриб чиқишга ҳақлидир.

18. Сотувчи Комиссиянинг қарори асосида танлов ғолиби билан инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан объектни бепул бериш тўғрисида шартнома тузади.

Агар сотувчи функциясини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг ҳудудий бошқармаси амалга оширса, шартноманинг бир нусхаси ҳисобга қўйиш, назорат ва мониторинг олиб бориш учун Давлат мулки кўмитасига юборилади.

19. Шартномада қуйидагилар назарда тутилиши керак:

шартнома мавзуси;

инвестиция мажбуриятлари ҳажми, турлари ва уни бажариш жадвали;

етказиб берилаётган асбоб-усқуналарнинг техник шартлари ва тавсифи (агар бу назарда тугилган бўлса);

мулкчилик ҳуқуқини бериш тартиби, объектга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш шартлари ва муддатлари;

сотув объекти мол-мулки сақланиши учун жавобгарлик;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисида Сотувчига ҳисобот тақдим этиш муддатлари ва тартиби;

низоларни ҳал этиш тартиби.

Томонларнинг келишувига кўра шартномада бошқа шартлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

20. Агар танлов ўтказиш яқунлари бўйича сотув объектини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинмаса, танлов ўтказилмаган деб ҳисобланади, бунда танлов комиссияси томонидан танловни такрорий ўтказиш санаси тайинланади, бироқ ушбу сана танловни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб камида 2 ой бўлиши керак.

IV. Эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини бериш тартиби

21. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни янги мулкдорга бериш баланс (қолдиқ) қиймат бўйича амалга оширилади.

22. Давлат корхоналарини инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга бепул бериш тўғрисида шартнома расмийлаштирилгандан кейин ушбу корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича олдинги йиллардаги тўланишига ишонч бўлмаган қарзлари, шу жумладан улар бўйича пеня ва жарималар ҳисобдан чиқарилади;

23. Шартнома шартларига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан ва инвестиция мажбуриятлари бажарилиши тўғрисида Сотувчига ҳисобот тақдим этилгандан кейин сотиш объектига мулкчилик ҳуқуқи инвесторга ўтади.

24. Инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботда: тўлов топшириғи нусхалари, божхона декларациялари, асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати кўрсатилган ҳолда уларни ўрнатиш далолатномалари;

инвестиция дастури (лойиҳа) бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборот, шу жумладан ҳисобот тақдим этиш санасида уларда назарда тутилган молиявий-иқтисодий параметрлар;

объект сотилгунгача ва ҳисобот тақдим этилиши пайтида объектнинг молиявий-иқтисодий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

25. Инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилгунга қадар инвестор Сотувчи билан:

қиймати унга берилган объект қолдиқ баланс қийматининг 25 фоизидан ортик бўлган мол-мулкни сотиш билан боғлиқ битишувлар тузиш;

корхонанинг таъсис ҳужжатларига муассисларнинг ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришларни киритиш масалаларини келишиши шарт.

26. Инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши муносабати бўйича Сотувчи инвестиция мажбуриятлари бажарилишини қабул қилиш бўйича комиссия ташкил этади.

27. Инвестиция мажбуриятлари бажарилишини қабул қилиш бўйича комиссия Сотувчининг буйруғи билан ташкил этилади ва камида 5 кишидан иборат бўлади. Комиссия таркибига келишув бўйича молиявий ва иқтисодий органлар ходимлари (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ёки уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг мутахассислари), манфаатдор банклар, тармоқ уюшмалари, концернлари, корпорациялари ва тегишли ҳокимликларнинг ходимлари жалб этилиши мумкин.

28. Комиссия ишининг якунлари бўйича қабул қилиш далолатномаси тузилади, Сотувчи ушбу далолатнома асосида сотилган объектга инвесторнинг мулкчилик ҳуқуқини (далолатномани) расмийлаштиради.

V. Инвестиция мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун инвесторларнинг жавобгарлиги

29. Шартнома мажбуриятлари ва инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда Сотувчи инвесторга олди-сотди шартномаси шартлари бажарилмаганлиги тўғрисида расмий тақдимнома юборади.

Олди-сотди шартномаси шартлари бажарилмаса, Сотувчи томонидан расмий тақдимнома киритилгандан сўнг объектни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга бепул бериш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади. Бунда объект мазкур Низомда назарда тутилган тартибда такроран сотувга қўйилиши керак.

Инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул беришга мўлжалланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари рўйхати

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

137-модда

хисобот даврида

№	Корхона-нинг номи ва қайси тармоққа мансублиги	Жойлашган жойи	Фаолият-нинг асосий тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулот	Холим-лар сони (нафар)	Асосий фондлар-нинг баланс қиймати (минг сўм)	Асосий фондлар-нинг экин-риши %ларда	Согувга қўйиллиши тўғрисидаги маълумотлар		Зарар (-) ёки фойда (+) суммаси (минг сўм)	Айланма активлар (минг сўм)			Кредиторлик қарзлар (минг сўм)				Молиявий-иқтисодий ҳолати (зарар кўриб ишловчи, паст рентабелли, тўловга қобилиятли эмас ва иқтисодий ночор)	
							баҳола-нган-дан кейинги бошлан-ғич нархи (минг сўм)	наrx пасай-тирилган-дан кейин-ги охириги нархи (минг сўм)		дебиторлик қарзлар			ундан муддати ўтказиб юборилган қарзлар					
										хам-маси	хам-маси	шу жум-ладан муддати ўтказиб юборилган қарзлар	хам-маси	хам-маси	бюджет буйича	бюджетдан ташқари жамгар-малар буйича		иш ҳақи буйича
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	13	14	14	15	16	17

Ўзбекистон Республикаси
Давлат мулки қўмитаси
ранси

имзо

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт
вазилиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор
корхоналар ишлари қўмитаси ранси

имзо

— 154 —

15-16 (75-76)-сон

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий
 ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектлар-
 ни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари
 қабул қилиниши шarti билан инвесторларга танлов
 асосида бепул бериш тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

**Инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул
 қилиниши шarti билан инвесторларга танлов асосида бепул
 беришга мўлжалланган паст ликвидли объектлар рўйхати**

№	Корхонанинг номи ва қайси тармоққа мансублиги	Жойлашган жойи	Фаолияти ихтисоси	Асосий фондларнинг баланс қиймати (минг сўм)	Асосий фондларнинг эскириши %ларда	Сотувга қўйилиши тўғрисидаги маълумотлар		Объект ҳолатининг тавсифи*	Бепул беришнинг асосланиши
						Баҳолангандан кейинги бош- лангич нархи (минг сўм)	Нарх пасайтирил- гандан кейинги охирги нархи (минг сўм)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

*) Объектнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг техник ҳолати (пойдевори, деворлари,
 томи ва ҳоказолар), майдони, кубатураси, неча қават эканлиги, эгаллаб турилган ер участкаси майдони

Ўзбекистон Республикаси
 Давлат мулки қўмитаси раиси _____

ИМЗО

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат
активлари бошланғич нархини босқичма-босқич
пасайтириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом биржа ва биржадан ташқари савдоларнинг электрон тизимлари-га қўйиладиган хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлат активлари ва объектлар бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш тартибини бошқаради.

**I. Акциялар бошланғич нархини босқичма-босқич
пасайтириш тартиби**

1. Бошланғич нархни босқичма-босқич пасайтириш тартиби хусусийлаштирилган корхоналарнинг номинал қийматдан юқори нархда савдога қўйилган акцияларига савдога қўйилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин (миллий валютада савдога қўйилган акциялар бўйича) ҳамда бир ой ўтгандан кейин (эркин муомаладаги валютада савдога қўйилган акциялар бўйича) талаб бўлмаганда қўлланади.

2. Савдога қўйилган акциялар нархи ҳар савдо сессиясида уларнинг бошланғич нархидан 5 фоизга пасайтирилади.

3. Савдога қўйиш нархида муайян даражага эришилгандан кейин акция сотиб олиш учун икки ва ундан ортиқ инвестордан буюртма тушган тақдирда нархни босқичма-босқич 5 фоизга ошириб ким ошди савдоси ўтказилади.

4. Акцияларни савдога қўйишнинг энг паст нархи унинг номинал қийматидан паст бўлмаслиги керак. Хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг эркин муомаладаги валютадаги энг паст нархи ушбу корхона хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича белгиланган номинал қийматдан паст бўлмаслиги керак.

5. Нарх номинал қийматга етгандан кейин акцияга уч ой мобайнида талаб бўлмагани ҳолда Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти («Давинком» давлат инвестиция фирмаси) ушбу акциядорлик жамиятларининг акцияларини расмий биржа бюллетенидан чиқариш тўғрисидаги таклиф билан уларнинг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига тақдим этади.

6. Ушбу рўйхат олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси уларнинг бундан кейин биржа савдоларида бўлиши ёки уларни расмий биржа бюллетенидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

7. Акциядорлик жамиятлари расмий биржа бюллетенидан чиқарилагандан кейин уларнинг акциялари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 16 июлда 1255 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган Давлат активларини номинал қийматидан паст нархда сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан сотилади.

**II. Корхоналар, хусусийлаштирилган корхоналар объектлари
(улушлар, мол-мулк) бошланғич нархини пасайтириш тартиби**

8. Сотувга қўйиладиган корхоналар, объектларнинг (улушлар, мол-мулкнинг)

бошланғич нархи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган баҳолаш қиймати бўйича белгиланади.

9. Корхоналар, объектлар (улушлар, мол-мулк) Республика кўчмас мулк биржасининг биржа савдосига Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти («Давинком» давлат инвестиция фирмаси ёхуд шартнома асосида Давлат мулки қўмитаси номидан иш кўрувчи юридик шахс) томонидан белгиланган тартибда 3 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қўйилади.

10. Савдога қўйилгандан кейин бир ойдан кейин ушбу корхоналарга, объектларга (улушлар, мол-мулкка) талаб бўлмаса, хар савдо сессияси мобайнида бошланғич нархга нисбатан пасайтиришнинг қатъий босқичлилиги 5 фоиз белгиланган ҳолда бошланғич нархни босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланади. Бунда корхонанинг, объектнинг (улуш, мол-мулкнинг) пасайтирилган нархи қолдиқ баланс қийматдан паст бўлиши мумкин эмас.

Корхонанинг, объектнинг (улуш, мол-мулкнинг) эркин муомаладаги валютадаги энг паст нархи ушбу объектни давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича белгиланган қолдиқ баланс қийматдан паст бўлмаслиги керак.

11. Биржа савдолари давомида икки ва ундан ортиқ харидор корхона, объектни (улуш, мол-мулкни) шаклланган нарх бўйича сотиб олишга буюртма берган такдирда, савдога қўйиш нархининг камида 5 фоизига нархни кўтариш йўли билан ким ошди савдоси режими қўлланади. Энг юқори нархни таклиф этган харидор савдо ғолиби деб эълон қилинади.

12. Биржа савдоларини ўтказиш ва битишувлар тузиш тартиб-қондаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Корхона, объект (улуш, мол-мулк) мазкур Низомнинг 9-11-бандларига мувофиқ сотилмаган ҳолда Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасини бундан хабардор қилади. Олинган ахборот асосида Давлат мулки қўмитаси унинг биржа савдоларида бундан кейин бўлиши ёки уни савдодан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади.

13. Корхона, объект (улуш, мол-мулк) биржа савдосидан чиқарилгандан кейин уни сотиш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 16 июлда 1255 тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган Давлат активларини номинал қийматидан паст нархда сотиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

138 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш,

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

шунингдек инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ҳукуматининг қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш ва унинг мониторинги ҳамда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси бўлиши лозим.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

қонунчилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш;

Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатидан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юридик шахслар, шу жумладан нодавлат ноtijорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида 6 кишидан иборат Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса 1-иловага* мувофиқ тегишли бўлимлар ташкил этилсин.

4. Белгилансинки, адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсундилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг тузилмалари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг намунавий тузилмалари 2-6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати ходимларининг умумий чекланган сони 194 кишидан, шу жумладан 143 нафар бошқарув ва 51 нафар хизмат кўрсатувчи ходимлардан иборат этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» ва «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари Ахборотномаси» нашрлари негизида Ўзбекистон Республикасининг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ягона расмий нашри — «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»ни таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўплами» даврий нашр қилинишини, шунингдек унинг очик обуна йўли билан тарқатилишини ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 7-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасининг тузилмаси ва Низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарор талабидан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 27 август,
370-сон

* 1-илова берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади) давлат бошқаруви органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўз мақомига қўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради.

2. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, бошқа адлия органлари ва муассасалари киради (кейинги ўринларда матнда адлия органлари ва муассасалари деб юритилади).

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсунди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом билан тартибга солинади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш, шунингдек адлия тизимининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирликка ажратиладиган маблағ доирасида давлат бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Вазирлик, унинг органлари ва муассасалари юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга эгадир.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

2) Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш;

3) жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й.

4) судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва давлат органлари бошқа ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш;

5) нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

6) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

7) хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва уларни бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш;

8) юридик шахслар, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш;

9) тегишли давлат органлари билан биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

10) замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

11) адлия органлари ва муассасалари тизимига раҳбарликни амалга ошириш.

7. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

а) қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасида:

давлат бошқаруви органларининг қонунчилик ижодкорлиги масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва уларга методик раҳбарликни амалга оширади;

қонунчилик ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

давлат бошқаруви органлари томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарурлиги масалалари бўйича олдиндан келишишни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича ва ўз ташаббусига кўра қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги лойиҳаларни ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари бўйича давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича таклифларини кўриб чиқади ва умумлаштиради;

қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги юзасидан ҳулосалар беради;

қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг тизимга солинишини ва яхлитлигини таъминлаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади, қонун ҳужжатларини тако-

миллаштиришга доир таклифларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тақдим қилади, қонун ҳужжатларини кодекслаштириш бўйича ишларни олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг палаталари, уларнинг Кенгашлари, қўмиталари ва комиссиялари билан доимий амалий алоқада бўлади;

б) идоравий норма ижодкорлиги соҳасида:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказди;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрини юритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш, шунингдек уларни қўллаш бўйича ишларини назорат қилади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳолати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиб туради;

в) қонунчиликни тизимлаштириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш ва қонун ҳужжатларини туркумлаш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг назорат нусхаларини юритади;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари банкни (фондини) шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси тармоқ қонунчилигининг умумҳуқуқий классификаторини ривожлантирилишни амалга оширади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга классификатор асосида кодлар беради;

давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қодаларини белгилайди ва уларга риоя қилиш устидан назоратни амалга оширади;

г) ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида:

ҳуқуқни қўллаш амалиёти масалалари бўйича давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бажарилиши мониторингини олиб боради ва унинг натижалари бўйича таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича ўз ваколатлари доирасида хулосалар беради;

2) Конституцияда ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларини доимий равишда таҳлил қилади ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

ҳалқаро тажрибани ўрганади ва халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг Ўзбекистон

Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларидаги ижроси бўйича таклифлар тайёрлайди;

инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ғоясини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

инсон ҳуқуқлари соҳасида қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини ўрганади ва умумлаштиради ҳамда уни яхшилаш юзасидан тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатлик тузилмаларининг ролини кучайтиришга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари мустақамланишига кўмаклашади;

инсон ҳуқуқлари бўйича, шу жумладан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши мониторинги соҳасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатлари ҳолисона ва ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминлайди, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирлар кўради;

3) давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълимнинг аҳолини таҳлил қилади, уларни яхшилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни оширишга, қонунийликни мустақамлашга қаратилган ҳуқуқий билимлар аҳоли ўртасида тарғиб қилинишини ташкил этади;

ҳуқуқ соҳасида таълим ишлари методик жиҳатдан таъминланишини ташкил этади, ҳуқуқий тарбия ва таълимнинг замонавий шакллари жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

олий ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунаар ўқув юртларининг талабалари ва ўқувчилари учун юридик дарсликлар, ўқув қўлланмалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, шунингдек, илмий-оммабоп ва бошқа юридик адабиётлар нашр этиш режаларини ишлаб чиқади ва нашр этилишини ташкил этади;

жамиятни ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

адлия органлари ва муассасалари учун ҳуқуқий ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг дастурий-техник воситалари ва технологиялари жорий этилишини ташкил қилади;

адлия органлари ва муассасаларини зарур қонунчилик материаллари билан таъминлаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини яратиш ва сақлашни ташкил қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг улардан белгиланган тартибда фойдаланишини таъминлайди;

ҳуқуқий ахборотлар давлатлараро алмашилишини амалга оширади;

кодекслар ва қонун ҳужжатлари тўпламларини, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбаи ҳисобланган «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» расмий нашр этилишини ташкил этади;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни нашр этиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини амалга оширади;

тегишли давлат бошқаруви органлари билан биргаликда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва тарқатиш, қонун ҳужжатлари маълумотларининг электрон базасини яратиш қоидаларини белгилайди, уларнинг ижро этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

4) судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш, шунингдек суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлаш соҳасида: судларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда уларни молиялаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

судларнинг биноларини қуриш ва таъмирлашга, судларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга ажратилган маблағлар самарали ўзлаштирилишини таъминлайди;

судлар ва суд жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этади;

судларнинг фаолиятини таъминлаш, уларнинг амалдаги мустақиллигини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

суд ҳужжатлари ва бошқа давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини яратади;

5) ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг давлат томонидан тартибга солинишини амалга ошириш соҳасида;

а) нотариат ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш фаолиятини ташкил этиш бўйича:

давлат нотариал идораларини очади ва тугатади, нотариус лавозимини таъсис этади ва тугатади;

нотариуслар фаолиятини лицензиялашни амалга оширади;

давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идораларининг давлат реестрини юритади;

стажер нотариуснинг стажировкани ўташ тартибини, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига лицензия бериш тартибини белгилайди, малака ва апелляция комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

чет элда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлардаги нотариуслар имзосининг ва улар муҳри кўчирмасининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа функцияларни бажаради;

нотариуслар томонидан хизмат мажбуриятларининг, шу жумладан нотариал иш юритув қоидаларининг бажарилиши юзасидан белгиланган тартибда назорат олиб боради, уларнинг ишини таҳлил қилади ва умумлаштиради;

нотариал иш юритиш қоидаларини, давлат нотариал идоралари нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномаларни, нотариал ҳаракатлар, тасдиқловчи ёзувлар ва гувоҳномаларни рўйхатга олиш реестрлари шаклини тасдиқлайди, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишни ташкил қилади, ФХДЁ органлари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва уларни назорат қилади;

ФХДЁ органларини ташкил қилади, қайта ташкил қилади ва тугатади, уларнинг ишини текширади, таҳлил қилади ва умумлаштиради;

ФХДЁ ва нотариат идоралари ходимлари томонидан фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бланкалари намуналарини тасдиқлайди;

ФХДЁ органларини ва Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги консуллик муассасаларини қатъий ҳисобдаги гербли гувоҳномалар бланкалари билан таъминлайди;

нотариат ва ФХДЁ органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек ушбу органлар учун кўрсатмалар ва методик тушунтиришлар беради;

б) адвокатура ва юридик хизматларни ривожлантириш бўйича:

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда малака комиссиялари ваколатларини ва улар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан биргаликда адвокатларнинг Олий малака комиссияси таркибини тасдиқлайди;

адвокатларга лицензиялар беришни ва адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади;

адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг реестрини юритади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари ва адвокатларнинг Олий малака комиссиясининг фаолиятига методик ёрдам кўрсатади ва кўмаклашади;

адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини ўрганadi ва оммалаштиради;

адвокатлар малакасини ошириш бўйича тадбирларни амалга оширишга кўмаклашади;

адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблар, асосиз чеклашлар ва тажовузлардан адвокатларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради;

адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига, адвокатлик этикаси қоидаларига риоя қилиниши, шунингдек адвокатларнинг касбий тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширади;

адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларининг адлия органларига статистика ҳисоботи тақдим қилиш шаклларини тасдиқлайди ва муддатларини белгилайди;

юридик хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳуқуқий ишларни мувофиқлаштиради, уларни яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

ҳуқуқий ишларни йўлга қўйиш амалиётини текширади ва таҳлил қилади, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматларининг ишида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва ижобий иш тажрибасини ёйиш, юридик маслаҳатчиларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради, уларни аттестациядан ўтказadi;

б) тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида:

ҳуқуқий таъминот самарадорлигини оширишга ва тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини ўрганади, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

назорат қилувчи органлар ўтказаетган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлайди;

тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради; жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда ўрганади;

давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига ноқонуний ҳолатларини тегишли маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда аниқлайди, ўрганади ва мониторингни амалга оширади;

тадбиркорлик субъектларининг, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатларини кўриб чиқади, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида уларни хабардор қилади;

7) шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида:

хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузишда ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатади;

шартнома интизомини такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

хўжалик юритувчи субъектларни ва энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлик учун жавобгарликка тортиш бўйича белгиланган чоралар қўлланилишини назорат қилади;

хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг шартнома интизомига риоя этиш юзасидан жавобгарлигини ошириш ишларини олиб боради;

8) юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасида:

нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан жамоат бирлашмалари (диний ташкилотлар, сиёсий партиялар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш;

аудиторлик ва суғурта ташкилотларини, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни, биржалар, бозорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишда қонунийликка риоя қилинишини таъминлайди;

ўзи томонидан рўйхатдан ўтказилган юридик шахсларнинг давлат реестрини юритади;

адлия органларида рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатларига, устав фаолиятига, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш тартибига риоя этилиши юзасидан назорат олиб боради;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва ўз устав фондларини қонун

хужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўради;

9) халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузиш бўйича таклифларни келишади, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тайёрлаш ва бажаришда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги халқаро шартномаларини тайёрлаш, тузиш ва бажариш ҳақида белгиланган тартибда таклифлар тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси томонлардан бири ҳисобланадиган халқаро-ҳуқуқий хужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида тузилган қарз ва кредит шартномалари бўйича юридик хулосалар беради;

халқаро шартномалар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши;

ўз ваколатлари доирасида бошқа давлатларнинг тегишли органлари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузади;

халқаро-ҳуқуқий ахборот масалалари бўйича маълумотлар банкни ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

хорижий давлатлар судларида томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлган низолар кўриб чиқиладиганда вакиллик қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий, шу жумладан судда ҳимоя қилишни амалга оширади;

10) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида: давлат органларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уларни Тошкент Давлат юридик институтида, Тошкент юридик коллежида, Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги академик лицейда ва Вазирлик тизимининг бошқа ўқув юртлирида тайёрлаш ишларини ташкил этади ва раҳбарлик қилади;

замонавий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этади, ҳуқуқшунослар ўртасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларининг кадрлар захирасини яратади, кадрларни тайёрлашни ташкил этади, танлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда жой-жойига қўйишда қатнашади, уларни қайта тайёрлашни ташкил этади;

11) фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш соҳасида:

адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг шикоят ва аризаларини кўриб чиқади, ушбу масалалар бўйича шикоятлар ҳар томонлама ҳолисона кўриб чиқилишини таъминлайди;

қонунчиликнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан тушган шикоятларни зарур ҳолларда жойларда мутасадди ташкилотлар ва мутахассислар билан биргаликда текшириб, адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларининг шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолиятини ўрганади ва бу борадаги ишларни умумлаштиради, шу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқади;

12) ҳуқуқий статистика соҳасида:

давлат органлари ва бошқа органлардан олинган ҳуқуқий статистика маълумотларини умумлаштиради ва таҳлил қилади, ушбу масалалар бўйича статистика ҳисоботи юритиш ва таҳлил қилишга методик раҳбарликни таъминлайди;

адлия органлари ва муассасаларида статистика ҳисоботи ва бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари шаклларини ишлаб чиқади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплайди ва ўрганади;

фуқаролик ҳолати далолатномаларини ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олишни, шунингдек адлия органлари ва муассасалари фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича статистикани юритади;

13) адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаштириш соҳасида:

адлия тизими ходимларининг моддий ва ижтимоий таъминоти тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

адлия органлари ва муассасаларини моддий-техник таъминлашни ташкил этади, адлия органлари, давлат нотариал идоралари, ФХДЁ бўлимлари, суд ижрочилари бўлимлари ва бошқа адлия муассасалари биноларини капитал қуриш ва таъмирлаш чораларини кўради, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритади;

адлия органлари ва муассасаларини белгиланган тартибда молиявий таъминлашни амалга оширади, адлия тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этади ва назорат қилади;

адлия органлари ва муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан назоратни амалга оширади;

14) суд-эксперт, илмий ва таълим муассасаларини ривожлантириш соҳасида: ҳуқуқий фанларни ривожлантириш чораларини кўради, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида илмий-тадқиқот, экспертлик ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси суд-эксперт муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва илмий-методик раҳбарликни амалга оширади;

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, Республика юристлар малакасини ошириш маркази, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, шунингдек Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази ва бошқа адлия муассасалари фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

8. Вазирлик ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига бўйсунувчи республика органлари ва ҳудудий органлар орқали амалга оширади.

III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Вазирлик ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан белгиланган тартибда зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш соҳасида таҳлилий, статистика материаллари ва бошқа материалларни сўраш ва олиш;

2) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари кўриб чиқиши учун қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

3) давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масалалари бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, илмий муассасалар, ўқув юрталари ва бошқа ташкилотлардан қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича хулосалар олиш ҳамда кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарлари билан келишган ҳолда ушбу лойиҳаларни тайёрлаш бўйича комиссиялар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;

5) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахслар эътиборига етказиш бўйича белгиланган тартибга улар томонидан риоя қилиниши, шунингдек уларнинг қўлланилиши юзасидан текширишлар ўтказиш;

6) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларга давлат рўйхатидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, шунингдек тегишли органлар олдида бунда айбдор мансабдор шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани қўйиш;

7) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат реестридан чиқариш ёхуд уларнинг (тўлиқ ёки қисман) амал қилишини тўхтатиш;

8) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш муддатини кўрсатган ҳолда уларни қабул қилиш зарурлиги тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, ёхуд уларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

9) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари тўғри ва бир хилда қўлланилиши бўйича ишларнинг ҳолатини ўрганиш. Ўрганиш натижалари бўйича тегишли органлар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари зарур даражада қўлланилиши тўғрисида тақдимномалар киритиш;

10) Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) ҳолатлари юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун киритиш;

11) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш.

Кўрсатиб ўтилган органларнинг раҳбарларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини ва унинг сабаблари ҳамда унга қўмаклашувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек инсоннинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш чоратадбирларини кўриш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

12) хорижий давлатларнинг судларида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқла-

ри ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳуқуқий низолар бўйича даъвогар ва жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;

13) ҳуқуқий, шу жумладан, суд масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва экс-Президентининг вакили сифатида иштирок этиш;

14) тегишли органларга судьялар ва суд аппарати меҳнат шaroитларини яхшилаш, моддий ва ижтимоий таъминлаш юзасидан таклифлар киритиш;

15) адвокатлар ва нотариусларга берилган лицензияларнинг белгиланган тартибда амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва бекор қилиш;

16) адвокатлар малака комиссияларига адвокатларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини киритиш;

17) адвокатлик бюrolари, ҳайъатлари ва фирмаларига аниқланган қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф қилиш тўғрисида кўрсатмалар юбориш;

18) вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ҳуқуқий ишлар ҳолатини, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини текшириш, улардан амалга оширган ишлари тўғрисида маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатилган органларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, қонун ҳужжатларини бузганлик учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш ёки уларнинг айби билан давлатга ёки корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги масала билан юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

19) хизмат мажбуриятларини қўпол равишда бузилишига йўл қўяётган юридик хизмат ходимларига берилган аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни бекор қилиш;

20) тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослигини зарур ҳужжатлар, шу жумладан жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материаллари билан танишиш йўли билан ўрганиб чиқиш;

21) барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларига риоя этиш бўйича қонун ҳужжатлари оғишмай бажарилишини текшириш. Кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотлар раҳбарларига белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган:

— аниқланган қонун ҳужжатлари бузишларини, қонун бузилишининг сабаблари ва бунга олиб келувчи шарт-шaroитларни бартараф этиш тўғрисида;

— тадбиркорлар, шу жумладан хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида;

22) Конституцияда ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари мансабдор шахслар томонидан бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек адлия органларининг қонуний талаблари мансабдор шахслар томонидан бажарилмаганда айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани тегишли органлар олдига қўйиш;

23) вазирликлар, идоралар, назорат қилувчи ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳақ-ҳуқуқларини бузувчи қарорларини ва шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни тўхта-тиб қўйиш;

24) жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар бўйича тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузувчи суд ҳужжатларини давлат божи тўламасдан қайта кўриб чиқиш тўғрисида суд инстанцияларига тақдимномалар киритиш;

25) тадбиркорлар ва хусусий мулк эгалари ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши мумкин эмаслиги тўғрисида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

26) фуқароларнинг, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида мурожаатларни текшириш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш;

27) хўжалик шартномалари бажарилиши жараёнини назорат қилиш, шартнома интизоми бузилган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги ва судларда даъво қўзғашлари, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижа-сида етказилган зарарни қоплашлари юзасидан белгиланган муддатларда бажари-лиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритиш; тақдимномада баён қилин-ган талаблар белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда ваколатли органлар ёки судлар олдига шартнома интизомини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жа-вобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

28) адлия органларида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг таъсис ҳужжат-ларига амал қилишини текшириш, улардан керакли ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этишларини талаб қилиш, кўрсатиб ўтилган юридик шахсларнинг раҳбарла-рига аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатлар-да бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш, таъсис ҳужжатларини ва амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун мансабдор шахсларни белгилан-ган жавобгарликка тортиш, шунингдек, уларнинг айби билан давлатга ёки корхона-га етказилган моддий зарарни ундириш учун юқори турувчи органларга ёки судга мурожаат қилиш;

29) ўз ваколатлари доирасида хорижий давлатлар органлари ва халқаро таш-килотлар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш;

30) барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳуқуқий статистикани ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

31) давлат, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб судларга давлат божи тўламасдан аризалар ва даъволар билан мурожаат қилиш;

32) адлия органлари ва муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган тегишли бўлимлар ташкил этиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунинг-дек, уларнинг уставлари (низомлари)ни тасдиқлаш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Вазирликнинг Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Хо-рижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ва уларнинг жойлардаги бўлимларининг ходим-лари ўз ваколати доирасида назоратни амалга оширишда:

текширишни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш учун хизмат гувоҳномасини кўрсатиб тегишлича вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларининг, корхона ва ташкилотларнинг тобелигидан, мансублигидан қатъи назар ҳудудларига ва биноларига киришга;

ўрганиш учун зарур бўладиган қарорлар, фармойишлар, йўриқномалар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишга, тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича қонунийликнинг аҳволи, шунингдек уни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олишга;

мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатиб ўтилган органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларини чақиришга, улардан тадбиркорларнинг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари риоя қилиниши бўйича қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

11. Вазирлик ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нотариуслар, адвокатлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур ҳолларда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни чиқаришга ҳақлидир.

12. Вазирлик қонунчилик ижодкорлиги соҳасида давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш ва ўзига юкланган бошқа вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

13. Вазирликка Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири (кейинги ўринларда матнда Вазир деб юритилади) бошчилик қилади.

Вазир ўз ўринбосарларига, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.

14. Вазир:

1) яқкабошчилик асосида Вазирлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

2) ўз ўринбосарлари ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, Вазирлик фаолиятининг алоҳида қисмлари ҳамда унга бўйсунувчи органлар ва муассасаларнинг иши учун ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги даражасини белгилайди;

3) Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолайди;

4) Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасаларнинг низом (устав)ларини тасдиқлайди;

5) ходимлар белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини тасдиқлайди;

6) Вазирлик марказий аппаратининг, шунингдек адлия органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

- 7) республика нотариат ва ФХДЁ муассасалари тизимини тасдиқлайди;
 - 8) тегишли давлат органларига адлия органлари ва муассасаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ходимлари сонини белгилаш тўғрисида таклифлар киритади;
 - 9) Вазирлик марказий аппарати, адлия органлари ва муассасалари ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
 - 10) Вазирлик марказий аппарати ходимларини, унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини, шунингдек Вазирлик тизимига кирувчи бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;
 - 11) адлия органлари ва муассасалари ходимларига белгиланган тартибда мартаба даражалари беради, адлия органлари ва муассасалари ходимларига олий мартаба даражалари бериш учун уларни Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади;
 - 12) адлия органлари ва муассасаларининг ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини ҳал этади, Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлашга тақдим этади;
 - 13) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.
15. Адлия органлари ва муассасаларининг, шу жумладан Вазирлик тизимидаги илмий муассасалар ва ўқув юртлари ходимларига эгаллаб турган лавозимга ва иш стажига мувофиқ махсус даражали унвонлар ҳамда мартаба даражалари бериледи ва белгиланган хизмат муддати учун устама ҳақи тўлаб бориледи.
- Мартаба даражалари бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан тартибга солинади.
16. Вазирликда Вазир (раис), вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимларидан иборат 11 кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Адлия вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.
- Вазирлик ҳайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирлик таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш, ижро назорати масалаларини, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатларининг лойиҳаларини, шунингдек текшириш натижаларини муҳокама қилади.
- Вазирликнинг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ҳайъатнинг мажлисларига вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилинишлари мумкин.
- Ҳайъатнинг қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчилик юзага келган тақдирда, Вазир ўз қарорини амалга оширади. Вазир юзага келган келишмовчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот беради.


Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмаси




Жами: Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ходимларнинг умумий чекланган сони 194 киши, шу жумладан 143 киши бошқарув ходимлари ва 51 киши хизмат кўрсатувчи ходимлар.

*) 25 киши (шу жумладан 21 киши бошқарув ходимлари: Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бошқармасидан 7 киши, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасидан 6 киши, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасидан 6 киши, Ишлар бошқармасидан 1 киши, Марказий бухгалтериядан 1 киши) Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига молиялаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига
5-ИЛОВА


Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг тузилмаси



Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ходимларнинг умумий чекланган сони — 30 киши, шу жумладан 29 киши — бошқарув ходимлари.

14 киши, шу жумладан 8 киши бошқарув ходимлари ва 6 киши хизмат кўрсатувчи ходимлар (инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими ва бошқалар) Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг намунавий тузилмаси*



*) Ходимлар сони ва иш ҳажмига қараб айрим бўлимлар бирлаштирилиши ёки ажратилиши мумкин.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларининг давлат бюджетидан молиялаштириладиган ходимларининг чекланган сони 317 киши, шу жумладан бошқарув ходимлар сони 268 киши ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 49 киши.

158 киши, шу жумладан 113 бошқарув ходими ва 45 хизмат кўрсатувчи ходим (инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими, шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими ва бошқалар) Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2003 йил 27 августдаги 370-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида» 1992 йил 12 ноябрдаги 523-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 11-сон, 32-модда) 1-бандининг иккинчи хатбоши, 5-бандининг иккинчи хатбоши, 6-банди, шунингдек ушбу қарорга 1 ва 2-иловалар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий аппарати таркибида иқтисодий ислохот бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 24 январдаги 27-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 1-сон, 3-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича Вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 1 февралдаги 50-сон қарорининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 2-сон, 8-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш ва унинг аппарати тузилмасидаги ўзгартиришлар тўғрисида» 1995 йил 27 апрелдаги 152-сон қарорининг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 4-сон, 16-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармасини тузиш тўғрисида» 1997 йил 10 июлдаги 345-сон қарорининг 6-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

139 Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолиги тўғрисида

Халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банкига аъзо бўлиш нияти тўғрисида Ислом тараққиёт банкига расмий мактуб билан мурожаат қилганлиги ва ушбу ният Банк раҳбарияти томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ислом тараққиёт банкени ташкил этиш тўғрисида 1974 йил 12 августдаги Битим моддалари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёт банкени таъсис этиш тўғрисидаги

Битимни қабул қилганлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ислом тараққиёт банкига маълум қилинсин.

3. Ислом тараққиёт банки устав сармоясига Ўзбекистон Республикаси бадалларини тўлаш жадвали иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда: номинал қиймати 10000 Ислом динори/СДР бўлган 250 акцияга ёзилишни; мазкур қарор билан тасдиқланган тўлов жадвалига мувофиқ бадаллар тўлалишини таъминласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев Ўзбекистон Республикасидан Ислом тараққиёт банки бошқарувчиси этиб;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси З.С. Мирхўжаев Ўзбекистон Республикасидан Ислом тараққиёт банки бошқарувчисининг ўринбосари этиб тайинлансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 27 август,
371-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

140 Истеъмол товарлари ярмарка савдосини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республика минтақалари истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан янада тўлароқ тўлдириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда чакана савдо ташкилотлари ўртасида узвий савдо-иқтисодий алоқаларини ўрнатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплексининг, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 62-сон қарорига мувофиқ улгуржи савдо корхоналари негизида иловага* мувофиқ доимий ишловчи истеъмол товарлари минтақавий кўргазма-ярмаркаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар доимий ишловчи товарлари минтақавий кўргазма-ярмаркаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган то-

* Иловалар берилмайди.

варларни сотиш бўйича турли кўргазма-ярмаркалар, шу жумладан мавсумий, тематик ярмаркалар, кўргазмали сотиш, товарларнинг янги моделларини намойиш қилиш ҳамда сотиш ва бошқаларни ташкил этиш;

истеъмол товарлари ички бозори конъюктурасининг маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бу ахборотларни ярмарка савдолари қатнашчиларига бериш;

товар ишлаб чиқарувчиларга аҳоли ўртасида харидоргир бўлган товарлар ишлаб чиқариш юзасидан асосланган буюртманомалар тайёрлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш, товарлар дизайнини, сифатини ва ўраб-жойланишини яхшилашга қаратилган тавсияномалар ишлаб чиқиш;

ярмаркаларда қатнашиш учун ватанимиз истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарининг, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг кенг доирасини жалб қилиш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарларни ярмарка савдоларига қўйиш ва сотиш;

товарлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда савдо ташкилотлари ўртасида яқин савдо-иқтисодий алоқаларини ўрнатишга кўмаклашиш;

республика саноат корхоналари билан истеъмол товарлари етказиб бериш ҳамда товарларни ўз вақтида ярмарка омборларига олиб келиш юзасидан узоқ муддатли шартномалар тузиш;

ватанимизда ишлаб чиқарилган товарларнинг ички истеъмол бозорларига кириб бориш мақсадида реклама-ахборот фаолияти юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки, доимий ишловчи минтақавий кўргазма-ярмаркалари ҳудудий яқинлик принципи бўйича юридик шахс сифатида ташкил этилади ва устав фонди микдоридан қатъи назар ўзининг улгуржи ва чакана савдо фаолиятини амалга оширади.

4. Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари ва «Ўзкўргазмасавдо» акциядорлик жамияти билан биргаликда:

Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 62-сон қарорига мувофиқ илгари ташкил этилган улгуржи базаларнинг омборлари ва савдо асбоб-ускуналаридан фойдаланган ҳолда уларни тегишли савдо-технология асбоб-ускуналари билан таъминлаб доимий ишловчи кўргазма-ярмаркаларни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратсинлар;

ярмарка қатнашчиларига тегишли хизматлар кўрсатган ва замонавий алоқа воситалари билан таъминлаган ҳолда кўргазма-ярмаркалар ҳузурида мини-банклар, суғурта, транспорт компаниялари ва бошқа бозор инфратузилмаси ваколатхоналарини ташкил этишда кўмаклашсинлар.

5. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга ўзлари ишлаб чиқарган товарларни доимий ишловчи кўргазма-ярмаркаларга консигнация шартларида беришига рухсат этилсин. Бунда консигнация шартларида берилган товарлар учун корхоналар томонидан солиқлар уларнинг сотилишига қараб, товар юклаб жўнатилган (берилган) санадан бошлаб 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатда тўланади.

6. Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини кенг тарғиб қилиш, ватанимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ишлаб-чиқариш-техника йўналишидаги ва истеъмол товарларини реклама қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма марказининг экспозиция майдонларида доимий ишловчи кўргазма-ярмарка ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ярмарка савдосини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг махсус тўплами икки ҳафта муддатда нашр этилишини ва унинг ярмарка савдолари қатнашчилари ўртасида тарқатилишини таъминласинлар.

8. «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари орқали ташкил этилаётган доимий ишловчи минтақавий кўргазма-ярмаркаларнинг мақсадлари ва вазифалари, республика товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ишлаб чиқарилаётган янги товарлар тўғрисида аҳолининг кенг хабардор қилинишини таъминласинлар.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Улгуржи савдо корхоналарини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 4 февралдаги 62-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2003 йил 28 август,
375-сон

